

И.М. МҮМИНОВ

МИРЗА
БЕДИЛНИНГ
ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ФИЛОСОФИИ И ПРАВА

Н. МУМНИНОВ

ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ
МИРЗЫ БЕДИЛИЯ

ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАБРИЗИ-000

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАЙЛАР АКАДЕМИЯСИ
ФАЛСАФА ва ХУКУК ИНСТИТУТИ

Н. МУМНИНОВ

МИРЗА БЕДИЛНИНГ
ФАЛСАФИЙ ҚАРАЦЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАЙЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ - 1985

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академига И. Мўминовнинг бу китоби, Ўрта Осиёда XVIII асрдан бошлаб ижоди жуда кенг тарқалиб, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлиб келган машҳур мутафаккир-иоир Мирза Абдулқодир Бедилнинг (1644—1721) фалсафий ва социал-сийёси қараашларини анализ қилишга бағишланган.

Китобда Бедилнинг руҳ, материя ва шакл тўғрисидага қараашларига марксистик анализ берилади. Асарнинг маҳсус боблари Бедилнинг пантегизмни ва билиш назариясига, таваккал ва танисух ҳақидаги ақидаларни унинг томонидан танқид қилинишига бағишланган. Автор Бедил ижодидаги гуманизм ва ватанпурварлик, эркетварлик ва мавриғатпурварлик мотивларини, унинг меҳнаткаш ҳақиқа бўлган ҳурматини кўрсатиб утади. Китобнинг охирида, Ўрта Осиё ҳалқлари ижтимоий тафаккури ҳамда адабиётининг ривожланишига Мирза Бедил ижодининг таъсири ҳақида гапириллади.

Китоб философ, тарихчи, филолог, шарқшинос мутахассисларга, гуманитар фанлар факултетларининг ўқитувчилари ҳамда студентларига мўлжалланган.

АВТОРДАН

Узбекистон Давлат университетининг асарларида 1946 йилда нашр қилинган мазкур китоб, бир қанча ўртоқларнинг илтимоси билан, рецензентларнинг тақиидий фикрларини назарда тутиб, тузатилган ва қўшимчалар киритилган ҳолда қайтадан нашрга тайёрланди.

Шу мушосабат билан автор, ушбу асарда фойдаланилган Бедил шеърларининг рус тилига таржимаси юзасидан ўз вақтида берган қимматли маслаҳатларик ҳамда мулоҳазаларин учун, СССР Фанилар академиясининг корреспондент аъзоси марҳум Е. Э. Бертельсга ўзининг миннатдорчилигини ва ташаккурини билдирганилигини қайд қилиб ўтади.

Бу асарнинг кўлбезмаси муҳокама қилинган вақтда айтилган фикрлар ҳамда берилган маслаҳатлар учун, автор, Узбекистон ССР Фанилар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтиниң ходимлари колективига миннатдорлигини билдиради.

КИРИШ

Үрта Осиёда фалсафий фикрлар ривожланишнинг ўз мазмуни ва шакллари жиҳатидан ииҳоятда хилма-хил ва бой тархи ўз ичига кўп асрларни олади. Бутун шу давр ичида фалсафа соҳасида турли оқимлар, концепциялар, дуиёқараашлар кураши тухтовсиз давом этди. Идеология соҳасидаги бу тортишувлар ўша вақтдаги Үрта Осиё жамиятида бўлиб утган синфий курашларнинг табиий оқибати ва инъикосидан иборат бўлганлиги равшандир.

Биз Үрта Осиёдаги дастлабки фалсафий фикрларни халқ фольклорида ва қадимги адабий ёргорликларда, масалан, эрамизнинг VIII асрида ёзилган «Урхун ёзувлари»га ўхшаш ёдгорликларда учратамиз. Тўғри, шу каби ва бундан қадимги адабий ёдгорликларда (масалан, Авестада) фалсафага таалуқли масалалар бевосита баён қилинмаган, аммо бу ёдгорликларда Үрта Осиёни араблар истилосидан илгари Мовароуннахрда яшаган халқларнинг табииёт илмига доир дастлабки тасаввурлари, диний эътиқодларни тўғрисида муҳим маълумотлар бор.

Үрта Осиёда бевосита фалсафий фикрларнинг шаклланиши эрамизнинг IX—X асрларига тўғри келади.

Араблар эрамизнинг VIII асрида, Үрта Осиё халқларнинг қаттиқ қаршилик курсатишларнига қарамасдан, Үрта Осиёни босиб олди. Чет эл босқинчиларининг идеологияси бўлган ислом аста-секин Мовароуннахрнинг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолди. Ислом дини катта ер эгалари, савдогарлар ва судхўрларнинг манфаатлари учун хизмат қиласади. «Ҳар бир даврда ҳокимлик қилувчи синфнинг фикрлари,— деб кўрсатадилар К. Маркс ва Ф. Энгельс, — ўша даврнинг ҳокимлик қилувчи фикри бўлиб қолади. Яъни, жамиятнинг ҳокимлик қилувчи моддий кучига эга бўлган синф айни вақтда унинг ҳокимлик қилувчи руҳий кучи ҳамдир»¹.

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч., т. З, М., 1955, 45-бет.

Ислом ва уннег фалсафий иегизиң бұлған калом Үрта Осмәнда ҳукмрон фикр бұлып қойді. «Калом» араб фалсафий фикрининг бириңи шакті бұлған, қуръоннинг диний ақыдаларини суда мұхокама қылаш да мантиқий мустаҳкамалашаудайдыр. Калом — Мұхаммад ехоластикасыннан бир түрдір. Калом тарафдорларини мутакаллымлар деб атардилар².

Калом идеалистик фалсафий тағызимог сифатидан әраб халыфалыгыда VIII асрда келиб чиңди ва IX асрда Үрта Осмәнда кеңг тарқалды.

Калом руҳоиіллар да дүнёвий феодаллар құлида қурол бұлып, ҳукмрон сипиғлар уннег өрдами билан халқ орасыда ислом таъсирини күчайтиришига да шу билан үз қокимиияттарини мустаҳкамашига ҳаракат қылдилар.

Ана шу дауруда маҳаллай аходининг юқори табақалари орныдан исломни тарғиб қылуучи руҳоиіллар етишадилар. диний мактаблар юзага келади, X асрда эса мадрасалар очылған, уларда тақвадорлик, теология — фикх и үқитишига күп ажамият берилади. Машхұр рус олимі — Үрта Осмән тарихчеси В. В. Бартольд Х асрда үтгап Абул Қосым Самарқандың ва Абул Мансур Матуридиң каби отоқлы шаіхлариниң номларини күрсетіб ұтады. Бу шаіхлар ислом ҳамда калом ассоцілар учун курашғанлар да уларни жон-жаҳдлары билан пропагандада қытапталар³.

Шағақталарда ишлаб чиқарыш воскиталариниң эң мұхимлари — ер да сув катта ер әгалариниң құлида эди, Үрта Осмәнда ишлаб чиқарыш воскиталарының Осмәнға хос шақладығи феодал шахсей мұлкчилігі ҳукмрон эди. Давлат да сиёсий қокимиият ҳукмрон феодал сипиғи құлида эди. Феодаллар да уларниң қокимиияти деңқонлар оммасын ҳамда хунармандарни қаттық эксплуатация қылардилар.

Мазлум омманиң феодалларға қарши қайта-қайта құттарған құғалонлары эксплуататорлар томонидан шафқатсиз радиша бостирилтер эди. Ниҳоятда оғири бұлған турмуш шароиттары, омманиң қоронғылтықда булиши да әзилиши «у дүнәда яхшироқ әдәт көчириш» ҳақидаги ақыдага ишониш учун қулай заман түғдиді.

Мана шу тарихий шаронтда Үрта Осмән халқлариниң руҳий әдәтига ислом да умуман диний ақыдалар күчли таъсир күрсатди.

² История философии, т. 1, Политиздат при ЦК ВКП(б), М., 1961, 436-бет.

³ Карапашев В. В. Бартольд История культурной жизни Туркестана. СССР Филологияк академиясынан издашылған, Ленинград, 1927, 53-бет.

Иелом ва унинг негизи — қуръон таъсириининг ҳамд орасида тарқалишин ҳамда мустаҳкамланинида идеалистик схоластик филсафа ҳисобланган қалом катта рөзь ўйнади. Бироқ, шунин қайд қилиб ўтиш керакки, араб схоластлари бўлмини мутакаллимлар ҳаракати ўзишиг состави жиҳатидан жуда ҳам хилма-хил бўлиб, унда бир-бирига қарама-қарши таълимотлар вужудга келди. Бу аҳвол эрамизининг VIII—IX асрларида араб ҳалифалиги мамлакатларининг социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидан юз берган ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Багдод IX асрининг бошидан мусулмон Шарқининг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказига айланади. Қишлоқ хўжалиги, ирригация, ҳунармандчilik корхоналари ва савдо-пул муюносабатларининг ривожланиши билан ҳалифа мамлакатларида маданият аинча ўсади. Табииёт, медицина, тарих, адабистин ўрганишга қизиқиш зўрайди.

Ал Мамун ҳалифалик қилган даврда (813—833) давлат мамлакатда илм-маърифатининг маълум даражада ўсимиша ёрдам берди.

Қадимги юнон ва римлилар маданиятига қизиқин ҳам аинча кучаяди. «... Багдодда таржимонлар ва кўчириб ёзувчилардан иборат ишчаш бир тўда ташкил топди. Бу тўда Платон ва янги платорнилар, Аристотель ва унинг комментаторларининг, врачлардан Гиппократ ва Галенларининг асарларини, Эвклид, Архимед ва Птолемейларининг математика ҳамда астрономияга оид юнаник асарларини араб тилида нашр қилиди».⁴

Қадимги юнон-римча, арабча табииёт ҳамда фалсафий асарлар Урта Осиёга, Моварооннаҳрга ана шу йўллар билан кириб кела бошлади.

Бу даврда мутакаллимчилар ҳаракатида мутазилачилар деган оқим ажralиб чиқди. Мутазилачилар фалсафаси идеалистик бўлса-да, бироқ унинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор эди. Мутазилачилар таълимича, дунёни худо яратган бўлса-да, лекин худонинг жуда кўп атрибутлари, яъни сифатлари йўқдир. Одам ўз ҳаракатида эркиндин ва ҳеч қандай тақдирининг бўлиши мумкин эмас. Қуръон айрим шахслар қўли билан ёзишган китобдир; ҳеч қандай мўъжиза йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Инсон дунёни ва худони ўз ақл-идроқи билан билади ва у илмга интилиши лозим.

Мутазилачилар орасида илгор тафаккур қилувчилар мавжуд бўлиб, улар қадимги юнон ва Рим адабиёти ёдгорликларини диққат ва зўр ҳурмат билан ўргангандар. Бу оқим тараф-

⁴ История философии, 1-т., 435-бет.

дордларың сөзсөйдөн күрнеган арбебелари етишиб чыкди, булар да халифа мамлакаттардағы фалсафий тафаккурининг ривожланышында жойбыш рөлдө уйнадылар.

IX—X асрларда Үрге Осмёда умумий дұхжанык юксалышты берди. Неджмәнлардың түрлі беріб мединат қызылдары туғанда, Зарафшон, Қашқадаре водаларыда, Фарғона, Тошикент және Хоразм водаларыда деңгөнчилік түскенде на юксала берди, шадарларда же дүнармандаңдық мұваффақият билди ривожланды. Шаңдар ҳаёттегиң жоқстаниши мамлакатда адабиет және салынаттың ривожланышында, шуншында Яқин Шарқ, Ширқай Европа да Хитой билди иқтисодий әлеуметтескендештік олиб келди.

Сомонийлар сураудаси дәврида, алғында Немоист Сомоний, Мансур иби Нух (961—976) докторлық қылтандырылған биылтардағы фан, адабиет және салынаттағы домылттық равшаны күрнеганды. Бу дәверде Мозаруинадарда көзөм динининг түли ұнсуланды араб түли билди бир қатарда Форс-тожик түли дәм, даңылат және фан түли билди қатарда Мамлакатда бир қанча үкүү юртлари, мадрасалар, кутубхоналар ташқылды. Бүндай тарихий шарынгы мамлакатда күзгө күрнеган тарихчылар, шоурулар, адабиётчилер, мұтафаккырлер, калыптарғылар және фарсылар да етишиб чыкти узун үзілдік заманы қозғылғанда берди.

IX—X асрларда астрономтар Фаргоний да Туркий, ажойиб Буторо тарихчысы Норшодий, энциклопедик олым Хоразмий, машхур Беруний, тоғык адабиёттегиң классиги Рудакий, драматург және мұтафаккыр Мағмұд Қашқарий да биоқа үрге аср Үрге Осмессияның адабиёт қамдағы фан намояндадарының номинари күтпешілесе нарынам булаады. Улар математика, геометрия, астрономия, география, медицина, тарих, адабиёт түрлесінде асарлар өздөлдер. Илгер фикрининг күзгө күрнеган шамоцделарда — Форобий да Ибни Сино Мозаруинадарда түтшидилар да шыдады.

Мамлекеттегі мағаджияттың ривожланышы тарихида Ибн Синоға да үргене жаллады. У үз дарвиннинг ҳар тиешелеме пілді олжын, машхур табиби, ажойиб математиги, талантлы шоури да үткір философи болы. X асрда халифа мамлекеттегілерде, шу жумладан Мозаруинадарда материалистик да этиктикастың тәжілдештігінде зерттеуде табииёт белгілі ғылыми қамдағы ривожланышы Ибн Сино номи билди ғана берген болғандайдар.

Эксплуататор сипаттар көнгө жаңқ өмірлесі брасында фанний белгілілер, шынға фалсафий фикрларының ғылыми түрлөр үзілдер билем қарашалық курсатылар. Дүнармандаңтар да дең-

қынлар үз Ватагининг ажобиб олимлари ғашшига мұваффақ-
итлардан фойдаланып имконияттыдан маҳрум әдилар.

Феодал мұдит, тұхтосыз даңын этиб туралыған ғаср ку-
раншылар на сарой итболары сабаблы, фан ва адабиет биләп
шүгуулаппенчи қишиларга бир жойда уиумли инсан үшүн
тиңшіл шароит яратып берә олмасди ва яратып бериши ҳам мүм-
кін эмес зән. Олимлар на шоирлар уәки бу подшоғынка кү-
чиб юриб, үз умрларини зұр ҳауф естида на машыққат болып
ұтқашып әдилар. Оғири мусенбат на сарғузаштытар болып тұлиб
тәнгіз Ибн Сино әдәтиши өзлашининг үзі киғояндир. Ҳаёттінің
бу реал мұдити үрге асрларға фан ва адабиет арбобларининг
дүниәкарлышы ҳамда ижодига үз тамғасини бөсмасдан қоя-
мады, албатта. Шуннан үчүн үша дәврдеги ажобиб олимлар,
шоирлар на мутафаккирларининг асарларыда ҳам идеализм
на мистицизм ұз аксессүрлерден қолдырыды.

IX—X асрларда Мовароунахрийнің іқтисодий на иаданий
томондан ривожланишига қарамасдан, феодализм даврида
табиият илмларининг на фалсафады материалистик тенденция-
ларининг ривожланиши учун әркнилік бўлмады ва бўлиши ҳам
мумкин эмес зән. Үрге асрчилникінің ҳукмрон мұдити пре-
рессив ва илғор идеяларни бўғиб келди ва уларнинг ривож-
ланишига тўсқинлик қилди. Хурофот ҳимоячилари мутакал-
лимлар таълимотига амал қилиб, еретик, манихейлик мазда-
кис ва бошқа ҳимма назариялар ҳамда қарашларга қарши
тұхтосыз на мурасасиз курашиб келдилар, чунки исломга
нисбатан оппозицияда бўлган бу оқимлар чет ың босқинчла-
рига ва феодал золимларга қарши курашда халқ оммаси
қўлида маътум даражада маънавий қурол бўлиб қисобла-
шар әди.



Х ва XI асрлар бўсағасида Мовароунахрда (Бухоро, Самарқанд, Фарғонада) ҳокимият сомонийлардан қорахонийлар
қўлига үтди. Мұхаммад Хоразмшоҳ томонидан 1212 йылда
қорахонийларининг Самарқанддаги ҳокимлиги тутатылди. XI—
XIII асрларда феодаллар деджонларин ва ҳунармандарин
эксплуатация қўлини борган сари кучайтирдилар, феодал
реакцияси ҳаддан ошиб кетди. Буларнинг ҳиммаси диний
фашизм ҳукмролигининг янада устун ғулишига сабаб
бўлди, чунки «...Дин ҳар ерда на ҳимма жойда умр бўйи
бошқаларга ишлаб, мұжтохдик ва гариблекда яшаб кел-
ган халқ оммасини әзадиган руҳий зулм шақыларидан бирни-
дир. Ваҳшний одамнинг табиатта қарши курашда ожиллик
қўлини худоларга, шайтоистарга, мұжизаларға на шу сипта-

риларга ишончни түгдиргани каби, эксплуатация қилинувчи синфларниң эксплуататорларга қарши курашда ожизлиги охиратда яхши турмуш кечиришга ишончни түгдирди⁶.

Ана шу даврда Мовароуннаұрда суфизм — тасов в уғтарқала бошлади. Суфизм фалсафа таълимоти сифатида дасталаб әрамизнинг VIII асрода пайдо бўлди. Мовароуннаұрга эса, у Эрон орқали ўтиб, бу ерда XI—XII асрларда катта таъсирга эга бўлди.

Суфизм — мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилмаки шаклларга, мазмунга ва оқимларга эга. «Суфизм шунча кенг ва ҳар тарафламаки,— деб ёзган эди Е. Э. Бертельс,— унга исталган концепция, дунёқарашни киргизиш мумкин»⁶.

Суфизмни битта яхлит таълимот деб бўлмайди. Буни Е. Э. Бертельс жуда тўғри кўрсатиб ўтади, чунки унда бирбирига қарама-қарши оқимлар ва мазҳабларнинг кескин курашини курамиз. Мазкур асар олдига суфизмни ҳамма турларини текшириб чиқиши вазифаси қўйилган эмас, албатта, чунки суфизм мустакил асар ёзишни талаб қиласидан темадир. Шундай бўлса-да, биз суфизмнинг энг муҳим оқимларини юзаки бўлса-да кўздан кечириб чиқиши мувофиқ топдик.

Эронлик машҳур суфий Ҳусайн ибн Мансур Халлож (922 йилда ўлдирилган) мусулмонлар инквизициясининг биринчи қурбони бўлди. Халложнинг асосий гояси: «Аналхақ»-дир. У ўзининг шу қоидаси билан объектив борлиқни — реал дунёни рад этди, худо ўзидан ташқарида эмас, деб билди ва ўзининг субъектив ҳолатинигина бирдан-бир ҳақиқат деб ҳисоблади. Демак, Халлож субъективизм позициясида турди, бироқ Халлож субъективизмининг моҳияти ўз замонасидаги феодал воқеликни рад қилишдан иборат бўлиб, исломга ва ислом фалсафаси — каломга қарама-қарши эди.

Мусулмон инквизицияси Мансур Халложни үлим жазосига ҳукм қилди. Аммо, реакция бу ваҳшийларча ўч олиш билан Халложнинг омма орасидаги таъсирини йўқота олмади. Халлож таълимотининг таъсири Эрондагина эмас, бутун мусулмон Шарқида, демак, Мовароуннаұрда ҳам, янада кўпроқ кучайди. Мансур Халложнинг поими жабр-ситамларга қарши норозилик билдириш ва ғазабланиш символи бўлиб қолди. Шундан сунг реакцион руҳонийлар ўз маиғаатлари учун халқ оммасини алдаш мақсадида, Халложнинг обрусидан фойдаланишга уриндилар.

⁶ В. И. Ленин, Асарлар, т. 10, 75-бет

Е. Э. Бертельс. Очерки истории персидской литературы. 1928, 52-бет.

Суфизмнинг янада кенгроқ ёйилган бошқа бир оқими объектив идеализм билан бояланган бўлиб, у ҳам турлича қарашларга эгадир.

Бу суфийларнинг таълимотича, дунёни худо яратган, ҳақиқат реал дунёда эмас, худодадир. Улар шу ақидаларга суюниб мистик идеяларни, аскетик ҳаёт (тарки-дунё қилиш) идеяларини, дарвешликни, жонни худо йўлига тикиш идеяларини тарғиб қилдилар. Бу суфийлар таълимотининг реакционлиги ва зиёнлиги бутунлай равшан: у кейинчалик ислом ақидаларини ҳимоя қилиш учун лозим бўлган назарий манбаларнинг энг муҳимларидан бири бўлди.

Саъдий ва унинг муҳлислари суфизмда алоҳида ўринини эгалладилар. Саъдий таълимотини Мансур Халложнинг субъективизмига ўхшатиб бўлмагандай, Саноий, Аттор, Румий ва бошқаларнинг объектив идеализмига ҳам ўхшатиб бўлмайди.

Шоир ва философ Саъдий ўзининг кўп йиллик ҳаётий тажрибаларини ҳамда мамлакатлар, давлатлар бўйлаб қилган сафарларида бевосита ўзи кузатган воқеаларнинг ҳаммасини «Гулистон» номли классик асарида умумлаштириди. Унинг «Гулистони» кишини ҳаётнинг амалий ишларига доир қимматли идеялар ва маслаҳатлар билан қуроллантиради. Саъдий «тарки-дунё» қилиш, оламиинг ноз-неъматларидан ва гайрат билан ишлashedan воз кечиши тарғибот қилмади, балки ана шу борлиқ дунёдаги ҳамма парсалардан кишилик ҳаётини яхшилаш учун фойдаланишга чақириди. Тўғри, Саъдийда ҳам скептик фикрлар бор, аммо бу фикрлар шоирнинг маңфур феодал воқеликдан ғазабланганлиги, адолатсизлик ҳамда зўравонлик ҳукмронлигига қарши чуқур норозилик билдирганлигининг маҳсулидир. Демак, Саъдий ва унинг тарафдорлари ўз замонасида фалсафа ва адабиётда илғор ғояларни тарқатувчи кишилар бўлганлар.

Суфизмнинг юқорида кўрсатиб ўтилган оқимлари Мовароунинаҳрда фалсафий фикрларнинг ривожланишига таъсир кўрсатди. Бироқ суфизм бу ерда ўзига хос характер ҳамда хусусиятга эга бўлди, буларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Мазкур проблема устида маҳсус илмий иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Лекин, мана шу масала юзасидан баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтиш зарур.

Суфизм Мовароунинаҳрда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон тупроғида, XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг бошларида, яъни феодалларнинг ўзаро урушлари ҳамда кўчманчи қабилаларнинг ҳужумлари борган сари кучайган бир даврда, кенг тарқалди. В. В. Бартольд ўзининг «История культурной жизни Туркестана» деган китобида, Мовароунинаҳрда жуда

кейг тарқалған суфизм оқими, эрамиз XII асрининг мутафаккири Юсуф Ҳамадоний мактабидан бошланған, деб хабар беради.

Юсуф Ҳамадоний мактаби бир хил, бир-бирига үхшаш була маңай, унда ҳам турли оқимлар бор. Улардан энг йириги шакитадир: биттаси Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Ҳожи Абдулхолиқ Фиждувоний иоми билан боғлиқ бўлган мактаб. йикинчиси эса, Юсуф Ҳамадонийнинг муриди билан боғлиқ бўлган Ҳожи Аҳмад Яссавий мактабидир.

Биринчи оқим, асосан, иқтисадий шароитлари кўпроқ юксалған шаҳарларда ва шаҳар атрофидаги районларда вужудга келди ва тарқалди; бу оқим реаль ҳаёт билан қаттиқ болган бўлиб, кишиларни меҳнатга, ҳунармандчилик билан шугулланишга даъват этди. Демак, Юсуф Ҳамадоний ва Ҳожи Абдулхолиқнинг суфийлик таълимоти меҳнаткаш шаҳар аҳолисининг турмушига яқин эди. Бу таълимотининг асосий қоидалари қўйидагича баён қилинган:

«Хуш дар дам
Назар бар қадам
Сафар дар ватан
Хилват дар анжуман»⁷

Маъноси: «Кишининг ҳар бир нафасида онг, ақл-идроқ бўлмоғи, босгани ҳар бир қадамида диққат, эътибор сезмоғи, ўз ватани ишни билан банд бўлмоғи, яъни уни билмоғи, халқ билан алоқада бўлиб, бирга ҳаёт кечирмоғи керак».

Юсуф Ҳамадонийнинг касби этикдузлик эди. У Бухорони, сунгра Самарқандни кўчманчилардан мудофаа қилишда бевосита қатнашди. Ҳамадоний ўз шогирларини меҳнат қилишга, ҳунармандчиликни эгаллашга, ҳарбий ишни ўрганишга даъват қилди. Демак, суфизмнинг бу оқимини суфизмнинг ўта кетган мистик йуналиши билан сира ҳам мослаб қўйиб бўлмайди. Бу таълим ўз замонасида адабиёт ва ижтимоий тафакурнинг ривожланишида прогрессив роль ўйнади.

Урта Осиёда суфизмнинг яна бир мактаби Аҳмад Яссавий ва унинг шогирлари — Сулаймон Бақирғоний ҳамда Саид Атолар мактабидан иборат бўлди.

Баъзи маълумотларга қараганда, Аҳмад Яссавий XII асрда яшаган (1166 йилда вафот этган). У ҳам Юсуф Ҳамадонийда ўқиган, лекин ўз мактабини очгандан кейин, Урта Осиёда суфизмнинг ўта кетган мистик оқимини вужудга келтирди.

Аҳмад Яссавий мактабининг дунёқараши «Ҳикмат» номли машҳур асарда шеърий шаклда баён этилган. Бу

⁷ Қаралсан: Али Ҳусайн Вози Кошифий. Рашоҳат. 1504 йилда ёамлган, сунгги литограф нашри 1895 йилда бўлган, 20-бет.

фалсафий асар равон, китобхон учун осон бўлган ўзбек тилида ёзилгап. «Ҳикмат» ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлигидир ва унинг автори ислом динини, калом фалсафасини, суфизмни, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармашуларининг турмуш ва ҳаётини ва умуман ўти даврининг ижтимоий тартибларини яхши билган машҳур киши бўлганинига гувоҳлик беради. Яссавийнинг савияси кениг ва чуқур бўлгани учун у ўзбек тилида биринчи марта ана шу йирик идеалистик асарни ёза олди.

Аҳмад Яссавий Мовароунаҳрда мистицизмнинг кўзга кўринган намояндаси сифатида «Ҳикмат» асарида суфизм асосларини тўла равишда баён қилиб беради. У шарият, тарикат, маърифат ва ҳақиқатнинг ўн ривояти ҳақида ёзади, суфизмнинг принципларини баён қиласи, суфийларнинг ўн хил афзалликлари ҳақида, қашшоқлик ва камбағалликнинг йўллари ҳамда сифатлари тўғрисида гапиради, камбағалликни шамчироғ, қуёш деб атайди. Аҳмад Яссавийнинг нуқтаи назарича «...дунёнинг ноз-неъматларини илтижо қилган суфий суфий эмас, бахтсизлик ва ғурбатни тоатибодат ҳамда йиги билан ўтказган киши суфийдир»⁸.

Яссавий халқ орасида ислом таъсирини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилиб, Мансур Халложнинг субъективизмини объектив идеализм билан мослаштириди. Аҳмад Яссавий мактабининг суфийлари халқ оммасининг хайриҳоҳлигини ўз томонларига қаратишга уриниб, золимларни, пораҳӯрларни, амалдорларни, шайх-сүфиларни танқид қилдилар. Улар мазлум оммани руҳий томондан тинчлантириб, нариги дунё ҳаётини мумкин қадар яхшироқ тасвир қилишга, мавжуд дунё — ўткинчи, бевафо ва ундаги ҳаёт — ҳақиқий ҳаёт эмас, қоронғи зулматдан иборат, деб курсатишга бор кучлари билан уриндилар. Шунинг учун киши бу дунёдаги ҳамма жафо ва зулмларга бардош бериши, шукур қилиши керак дедилар. Шунга ўхшаш киши руҳига «тасалли берувчилар» тўғрисида В. И. Ленин буидай деб ёзган эди:

«Бутун умр бўйи меҳнат қилган ва муҳтоҷликдан чиқмаган кишига дин, бу дунё азобига чида ва сабр қил, деб таълим беради ва, охиратда бунинг ажрини топишга умид боғла, деб тасалли беради»⁹.

Яссавий мактабининг мистик таълимоти меҳнаткашларни синфий курашдан чалғитди ва шу билан уларнинг золимларга қарши курашига ҳалақит берди. Яссавий мактаби

⁸ Қаралсан: Сборник Туркестанского восточного института, Ташкент, 1923, 39-бет.

⁹ В. И. Ленин, Асарлар, IQ т., 75—76-бетлар.

ўзбек адабиётiga диний фанатизм ва мистицизм элементлариниң зўр бериб киритди. Ўрта Осиёда дарвешлик ҳаракатининг ризоҷлананиши Аҳмад Яссавий номи билан боғланган. Яссавийчилик Мовароунахр халқининг кучини Чингизхон хужумига қарши сафарбар қылтишга салбий таъсир курсатди. Шундай қилиб, Аҳмад Яссавий ва унинг мактаби Ўрта Осиё тарихида утакетсан реакцион роль ўйнади.

XIII асрнинг 20 йиларида Чичгизхон қушиналари Мовароунахрга бостириб кирдилар. К. Маркс, Чингизнинг босқинчилигини ҳарактерлаб, бундай деб ёзган эди: «Шу билан бирга босқинчилар Хурросон, Бухоро, Самарқанд, Балх ва шулар каби гуллаб турган шаҳарларда вахшийлик қиласидилар, санъат, бой кутубхоналар, ажойиб қишлоқ хўжалиги, саройлар ва мачитларнинг кули кўкка соврилди»¹⁰.

Мамлакатнинг феодал тарқоқлигидан ва маҳаллий феодалларнинг тўғридан-тўғри хоинлигидан фойдаланиб, Чингизхон қўшинчлари Ўрта Осиё халқларининг қаҳрамонларча курсатган қаршилигини синдиридилар. Меҳнаткаш халқнинг ажойиб фарзанди Маҳмуд Торобий бошчилигидаги озодлик ҳаракати (1238 йил) ҳам мағлубиятга учради. Ўрта Осиё мўғул босқинчилари ва улар томонидан кўйилган ҳокимларнинг қўл остида кўп йиллар давомида ээзилиб келди. Ана шу шароитда Мовароунахрда реакция кутуради, диний фанатизм, мистика ўз мавқенини мустаҳкамлайди, Яссавий мактаби ҳамда Яссавий муҳлисларининг таъсири кенг тарқалади. Табииёт билимлари, эркин тафаккур, ҳатто мутазила идеялари ва Ҳожи Абдулхолиқ Фиждувонийнинг қарашлари ҳам реакцион кучлар томонидан қаттиқ таъқибланади. Адабиёт, фан, фалсафада мусулмон динининг ақидалари ҳукмронлик қиласиди. Шундай қилиб, Ф. Энгельснинг феодализм даврида — «фалсафа диний хурофотнинг хизматкори бўлган» деган машҳур фикри Ўрта Осиёнинг ўрта аср фалсафасига нисбатан ҳам тўла равишда мос келади.

* * *

Ўрта Осиёнинг меҳнатсевар халқлари чет эл босқинчилари томонидан вайрон қилинган хўжаликларни, шаҳар ва қишлоқларни, сугориш тармоқларини, ҳунармандчилик ишларини, савдони XIII—XIV асрлар давомида аста-секин тиклай

¹⁰ К. Маркс, Ф. Энгельс. Архив, т. V, М., 1938, 221-бет.

бошлайдилар. «Бу дунёда ҳамма нарсадан воз кечиш»ни тар-
ғиб қылган Яссавий мактабининг суфийлик мистикаси ана
шу тарихий шароитда ҳаётнинг амалий талабларига жавоб
бериш үринига, уларга бутуулай қарама-қарши эди. Халқ ора-
сида дунёй масалаларга, фан ва шу кабылтарга қизиншиш
кучайди. Мана шу шароитда Мозароуннахрда суфизмнинг
яңги оқими вужудга келади.

Суфизмдаги яңги оқимнинг асосчиси Мұхаммад Баҳовуд-
дин Нақшбандий (1388 йилда вафот этган) эди.

Суфизмда маҳсус оқим ҳисобланган нақшбандийлик маш-
хур шоир Саъдийнинг асарларидан фойдаланды ва Юсуф
Ҳамадоний ҳамда Абдулхолик Фиждувоний асосий ғояларини
тиклади.

Нақшбандийлик, шубҳасиз, идеалистик таълимодлар.
Бирок у муҳим ҳусусиятлари билан субъективизмдан ҳамда
Яссавий мактабидан фарқ қиласи. Нақшбандийлигининг даст-
лабки намояндайлари дунёй, ҳаёттеги масалаларга жиғдиди
этибор бердилар. Баҳовуддин шундай деган эди:

«Дыл ба ёру,
Даст ба кор»¹¹.

Яъни: дил мұхаббат (худо) билан, күл иш билан банд бұлсия, дейді.

Нақшбандийлик «тарки-дунё» құлишга, дунё ишларидан
воз кечишга қарши чиқди, реал ҳаётнинг ноз-неъматларидан
фойдаланиш тұғрисида маслағат берди за мекнат құлиш-
га, білім олишга чақырди. Нақшбандийлининг XIV аср шаро-
итидаги маътум прогрессив аҳамияти ҳам шундан иборатдир,
унинг бу ижобий томони Үрта Осиё халқлари маданияти ҳам-
да адабиётининг ривожланишига таъсир қурсатди. Аммо,
нақшбандийлик кейинчалик эволюцияга учраб, иирик феодал-
лар, Ҳұжа Аҳрор ва уннинг шогирдларига үшаган реакцион
рухонийларнинг қўлидаги куроллардан бири булиб қолди.
Агар дарвешлик уюшмаси — Кодирия Яссавий мактаби би-
лан боғлиқ бұлған бұлса, қаландарлар оқимининг пайдо бу-
лиши эса, нақшбандийлик билан боғляқдир. Шуни айтиб
үтиш керакки, нақшбандийликни жон-жаҳдлари билан тар-
ғиб қилювчилар фирибгарлик, товламачилик билан шуғуллан-
дилар, турлы сарой иғволарида, феодалларнинг низоларida
қатнашдилар.

Шундай қилиб, нақшбандийликин үргангanda ҳам ҳар
қандай ҳодисани үргангандек марксистик диалектикасининг:
«Ҳамма нарса шарт-шароитта, үрин ва вактта боғлиқ» деган
маътум қоидасини хотирда тутмоқ керак.

¹¹ Қаралсın: Али Ҳусайн Вози Кошифиј. Рашохат ..., 20-бет.

Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қылған давр Монароунахр тарихида алоҳидა үрин тутади.

Ана шу даврда сугориладиган ерларда деҳқончиллик, ҳунармандчилик, савдо ва маданиятиниң ривожланиши учун мәттүлум даражада қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Самарқанд ва Ҳиротда мадрасалар, кутубхоналар ва обсерватория курилди. Табииёт илминиң ўрганишга қызықиши янада кучайди. Математика, астрономия, география, тарих, адабиёт, фалсафага оид бир қашча ажойиб ва муҳим асарлар яратилди. Иби Сино, Беруний, Умар Ҳайем, Саъдий мерослариниң ва Қадимги юнош-ризм маданиятиниң ўрганиши кучайди.

Ўз замоасининг прогрессив олимлари бўлган Улугбек. Қозизода ва кўпгина бошқа олимлариниң ҳаёти ва фаолияти ана шу даврга тўғри келади. XV асрнинг иккисини ярмида ўзбек халқининг улуг мутафаккири ва шоирни Алишер Навоий нинг илмий-адабий фаолияти бошланди.

XV асрнинг илгор шоирлари, олимлари ва файласуфларининг дунёқарашларига Иби Сино, Улугбек ва нақшбандийлик зўр таъсир курсатди. Бу мутафаккирлар суфизмийнинг ўта кетгани мистик ва тарки-дунё идеяларини улоқтириб ташлаб, шу ҳақиқий дунёни, ҳаётининг иоз-неъматларини эътироф этдилар.

Фалсафанинг энг муҳим масаласи — кишининг ўраб турган дунёга муносабати масаласи, ўта кетган мистика ва динга зид ҳолда олимлар томонидан ижобий ҳал қилинди. Навоий ёзган эди:

«Хуш турар Боги конюот гули,
Ҳаммадан яхшироқ ҳаёт гули»¹².

Шонрининг Улугбекка ва унинг Самарқанддаги обсерваториясига бағишлиланган қўйидаги шеърини ҳаяжонланмасдан ўқиш мумкин эмас:

«Расадким бояламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъибли осмони,
Ки одиг ёзди Зичтургони»¹³.

Бироқ феодализм шаронтида ва унга хос бўлган диний фанатизм ҳукмрон бўлган бир шаронтида табииёт билимлари ва прогрессив ижтимоий-фалсафий қарашлар эркин ривожлана олмади ва ривожланиши ҳам мумкин эмас эди; реакцион кучлар бу идеяларга қарши қаттиқ курашдилар, унинг тарафдорларини шафқатсиз жазоладилар. 1449 йилда Улугбекнинг макири билан ўлдирилниши ва Самарқандда Улугбек қурган

¹² А. Навоий. Ҳамса, литографик нашри, Тошкент, 1901, 335-бет.

¹³ Ҳаш асар, 226-бет.

обсерваториянинг бузиб юборилниши реакцион мусулмон руҳо-тийларишинг ҳамда улар инквизициясининг энг шармандалик ва ёпузлик ишларидан бирин эди. Хоплар, бекслар, реакцион муллалар ва бошига дунёвий ҳамда руҳоний феодаллар омманиң қоротгиликда тутиши, дин билан заҳарлашдан мағифаатдор эдилар, фан ва илғор ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг юқвалинишга турли йўллар билан тўқишлиқ қўйдилар.

* * *

XV ва XVI асрлар бўсағасида Мовароунахрдаги темурийлар ҳокимиётги Шайбонийхон томонидан йиқитилди. Шайбонийхон бу ерда марказлашган феодал давлати тузишга уринди. Шайбоний 1510 йилда сафовийлар Эрони қўшилари билан бўлган бир жангда ҳалок бўлди. Унинг вафотидан кейин, марказлашган ҳокимиёт тузишга қарши турган йирик феодалларининг ўзора курашлари янада зўрайиб кетди. Тўгри, баъзи бир шайбонийлар (айниқса Абдуллахон) Мовароунахр ерларининг ҳаммасини ўз ичига олган, бирлашган, қудратли монархия давлати тузиш учун курашда маълум ютуқларга эришидилар. Аммо, уларнинг бу уринишлари мустаҳкам иқтисадий ва социал иегизларга эга эмас эди.

«Баъзан қандайдир биронта иши ўнгидан келиб қолган подшо князликларни вақтича ва тасодифий бирлаштиришга муваффақ бўлса ҳам, лекин бу бирлик, нари борса, юқори маъмурий доираларнигина ўз ичига олиб, князларнинг раига қараб ва деҳқонларнинг бепарволиги натижасида тез бузилиб кетар эди»¹⁴.

Феодал Урта Осиёсини характерлаш учун бу фикрдан тўла фойдаланиш мумкин. Бухоро ва Хева хонликлари ўртасида, XVIII аср охиридан эса Қўқон хонлиги ўртасида тўхтовсиз урушлар ва тўқнашувлар бўлиб турди. Бу хонликларнинг ҳар биридаги турли-туман династиялар, уруғлар, қабиблалар ва гуруҳларнинг қаттиқ курашлари тўғрисида галирил маса ҳам бўлади¹⁵. Бу ҳолларнинг ҳаммаси мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларига катта зарар етказди, меҳнаткаш омманинг бусиз ҳам мусибатли, оғир булган аҳволини янада ёмонлаштириди. Деҳқонлар ва ҳунармандлар ҳукмрон синфларининг борган сари кучайиб бораётган эксплуатацияси остида инграрділар. Мана шу шаронтда дин таъсири анча ўсади, мистицизм авж олади, реакцион мусулмон руҳонийларининг руҳий диктатураси ўзининг энг юқори иуқтасиға етади.

¹⁴ И. В. Сталин. Асаллар, 2 т., 343-бет.

¹⁵ Қаралсан: масалан, Муҳаммад Юсуф Мунший, Муҳиммад тарихи, Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, Тошкент, 1956.

Шу даврнинг мадрасаларида геометрия, математика, арабтили, мантиқ ва форс-тожик ҳамда ўзбек адабиёти классиклари асарларининг элементар асосларигина ўқитилсада, бироқ калом схоластикаси бош ўринда турар эди. Саводхон кишилар кечаларда, чойхоналарда ўз атрофларига халойиқни туплаб, Фирдовсий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Бобир ва бошқа шоирларнинг шеърларини ўқиб берар эдилар. Бироқ бу саводли кишиларнинг кўпчилиги юқори табақалардан, хусусан руҳонийлар орасидан чиққан бўлиб, шоирларнинг идеяларини ўзларича талқин қиласида фойдаланар эдилар. Деҳқонлар ва ҳунармандлар орасида саводлилар деярлик йўқ эди. Бироқ халқ ўртасида ўткир ақл-идрокли бахшилар, ажойиб қизиқчи-аскиябозлар анчагина бўлиб, улар меҳнаткаш халққа зулм-жафо қилаётганларни фош қиласидилар, улардан кулар эдилар.

В. В. Бартольд, Бухоронинг XVII асрдаги маданий ва илмий ҳаётидаги баъзи ютуқларни кўрсатиб, бундай деб ёзган эди: «Уша вақтдаги адабий асарлар ҳам маданий ишларни давом эттирилганидан далолат беради, тарих ва мусулмон ҳукуқи тўғрисида катта-катта асарлар ёзилган, бу асарлар илмий тафаккур соҳасида қилинган ижоддан гувоҳлик бермаса-да, лекин, илгари яшаган олимларнинг асарлари билан тубдан таниш бўлганликни исботлайди, XVII асрдаги Бухоро олимининг перипатетиклар ва стоикалар ҳақида асар ёза олиши фактининг ўзи ҳам характерлидир»¹⁶.

Машхур шоир ва мистик-сўфи Машраб, Сўфи Оллоёр ва уларга эргашувчилар ана шу тарихий шароитда яшадилар ва ижод қилдилар.

Машраб — айрим тазкираларга кўра, шоир Раҳимбобонинг (XVII аср охири — XVIII аср бошлари) таҳаллусидир. Унинг асли Намангандан. У ўз дунёқарашларининг асосларини «Мабдаи нур» номли шеърий асарида ифода қилган.

Машраб шайх ва муллаларнинг фирибгарликларини фош қиласи; золим ва деспотларни қоралайди. Унинг ажойиб лирик шеърлари китобхонда олий эмоционал туйфу, чуқур руҳий кечирмалар пайдо қиласи. Бироқ, Машраб асарлари мистикадан холис бўлмай, улар меҳнаткашларни реал турмушдан узоқлаштириб, синифий курашдан четлатган. Мана шунинг учун умуман Машраб ижоди Ўрта Осиёда ижтимоий тафаккурнинг ривожланишида объектив равишда салбий роль ўйнаган деб ҳисоблаш керак.

¹⁶ В. В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана, СССР ФА нашриёти, 1927, 99-бет.

Ўрта асрчилик ва диний фанатизмнинг ана шу зимиштсонида Мирза Абдулқодир Бедилнинг ажойиб идеяси «Ваҳдатимавжуд» худди чақмоқ каби шуълаланди. Унинг асарларида, ҳинд пантеизми билан бир қаторда, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Саъдий, Улуғбек, Алишер Навоийларнинг прогрессив қарашлари ҳам ўзининг равшан ифодасини топди. Бедилнинг ҳаётни ва ижоди ҳақида биз куйида муфассал тўхтамиз. Бу ерда эса биз, XVIII—XIX асрларда ва ҳатто XX аср бошларида ҳам Ўрта Осиё ҳалқларининг ўзларига хос ижтимоий тафаккури ҳамда адабиётининг ривожланишига Бедил ижодининг бевосита таъсир кўрсатганлигинигина таъкидлаб ўтамиз. Бу таъсирнинг ёрқин ифодасини Бедил асарларини ўқиб берувчи «Бедилхонлар»нинг майдонга келишилигида куриш мумкин.

XVIII аср охири — XIX аср бошларида Қўқонда, сўнгра эса Бухоро ва Хевада адабий ҳаракат кучая бошлайди. Тарих ва поэзия соҳасида қимматбаҳо асарлар ёзган талантли шоир ва тарихчилар (Мунис, Комил Хоразмий, Нодира ва бошқалар) етишлади.

Бироқ, мутакаллимнинг фалсафий таълимоти ҳамда мистик суфийлар таълимоти ўша даврда идеология соҳасида ҳукмрон бўлиб, маънавий ҳаётда ҳал қилувчи роль ўйнади.

* * *

Ўрта Осиёда учта хонлик мавжуд бўлган давр шу билан ҳарakterланадики, бу даврда ўзаро уруш-жанжаллар, душманчилик авж олди; хонлар ва феодалларнинг турли гуруҳлари ўртасида мақсадсиз ва вайрончиликдан иборат курашлар давом этиб келди, деҳқонлар ва ҳунармандларни шафқатсиз эксплуатация қилиш зўрайди. Мамлакатни бефаҳм амалдорлар, нодон руҳонийлар ва ўзбошимча ҳоким мутлақлар — амирлар ва хонлар бошқардилар. Маълумки, бу бошқарувчилар, агар уларни бошқарувчилар деб аташ мумкин бўлса, уз мамлакатлари ҳалқларининг манфаатлари билан заррача ҳам қизиқмаганлари каби, фан билан ҳам, прогрессив дунё қарашлар билан ҳам қизиқмадилар. Улар меҳнаткашларни атайлаб зулмат ва нодонлик, маданиятсизликда тутиб, диний фанатизм руҳида тарбияладилар; феодал ҳаётга мансуб вазијат доирасида ва миллий биқиқлик шароитида турмуш кечиришга мажбур этдилар. Феодал зулмига, диний фанатизм зўравонлигига қарши курашган энг яхши ҳалқ намоёндаларидан шафқатсиз ўч олдилар. Ажойиб ўзбек лирик шоири ва мутафаккири Фурқат хонликларнинг юқори феодал табақала-

рининг халқقا қарши реакцион ҳатти-харакатиниң фош қылыш.
«Илм ҳосияти» номли ажойиб шеърида бундай деди:

Эсизким, биэнниг ўтмиш хону беклар
Кечиб ишратда зоеъ субху шоми,
Кетурмай ёнига бир аҳли доиниши,
Узинга хос этиб яксар авоми,
Чу илму фан йўлини тутмадилар,
Қилибон тарбияга эҳтироми.
Чу илм аҳлига парво қиласа эрди,
Бўлурмиди давлатга ҳомий!»¹⁷.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия империя-сининг мустамлакаси бўлиб қолди, унинг халқлари эса икки томондан — маҳаллий эксплуататорлар ва подшо мустамла-качилари томонидан эзилдилар.

Чоризм Ўрта Осиё халқларининг миллий-озодлик ҳара-катини шафқатсиз равишда бостирди (1892 йилдаги ҳаракат, 1916 йил қўзғолони ва бошқалар).

Чоризм Бухоро ва Хевадаги реакцион ҳоким мутлақ бошқариш системасининг содиқ ҳимоячиси эди, у шу хонликларда яшаган меҳнаткашлар оммасининг революцион чиқишлигини шафқатсиз равишда бостирди (масалан, Бухоро хонлигидаги 1885 йил ҳаракати).

Самодержавиенинг мустамлакачилик усул-идораси даврида, амирлар, хонлар, бойлар, эшонлар ҳукмронлиги даврида меҳнаткаш халқ чексиз азоб-уқубат тортди. Эксплуататор-синифлар чоризм билан биргаликда халқ оммасини қулликда, миллий биққиқлиқда, мусулмон фанатизми руҳида тутишга ҳар турли йўллар билан уриндилар, шу билан ишлаб чиқариш кучлари ва маданиятнинг юксалишини зўравонлик билан тұхтатиб турдилар.

Аммо, хонлар, чоризм ва барча реакцион кучлар ижти-моий тараққиётнинг объектив тарихий қонуниятларини буза алмадилар, тұхтата бilmадилар. Чоризм сиёсатига қарама-қарши ўлароқ, маҳаллий ва рус эксплуататорларнинг иродасига қарамасдан, Ўрта Осиёning Россияга қўшилиши Ўрта Осиё халқларининг келажак тарихи учун объектив прогрес-сив аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта Осиёning Россияга қўшиб олиниши билан хонликлар уртасида тұхтосиз буладиган феодал урушлари тұхтатилди, Ўрта Осиёда қуллик ва қул савдо расмий равишда бекор қилинди ва ман этилди.

Хомашё манбаи ва савдо бозори бўлган ўлқада мустамла-ка режимини мустаҳкамлаш, Туркистонни эксплуатация қи-лишини кучайтириш учун уринган чоризм иқтисодий ҳарак-

¹⁷ Қаралсан: Фурқат шеърлари, Тошкент, 1940, 54-бет.

терга эга бўлган баъзи бир тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлди. XIX асрнинг 80 йилларида темир йўллар, пахта заводлари қурила бошлади, Урта Осиёning Россия билан савдо алоқалари кучайди. Урта Осиёда янги капиталистик муносабат элементлари кенгая бошлади, феодализмнинг чириши кучайди ва у ҳалокат йўлига ўтди.

Мустамлакачиларнинг қаршилигига қарамасдан, рус маданияти ва фанинг энг яхши вакиллари Туркистонга кела бошладилар. Шу билан бир вақтда, подшо ҳукуматининг нуқтаси назарича, сиёсий жиҳатдан ишончсиз бўлган кишилар Марказий Россиядан Урта Осиёга сургун қилиндилар.

Бу тарихий ўзгаришларнинг Туркистонга халқларига таъсир қилмасдан қолиши мумкин эмас эди. Ҳаётнинг янги шароитлари янги идеялар ва фикрлар келтириб чиқарди. Маҳаллий миллатлар орасидан чиқсан илғор кишилар чоризмнинг мустамлакачи маъмурларига қарши кескин муносабатда бўлиш билан, айни вақтнинг ўзида рус фанига, адабиётига зўр қизиқиш билан қарадилар, ўз она ватан халқларининг прогрессив маданиятини ривожлантириш учун курашдилар.

Урта Осиёда ижтимоий тафakkур машҳур намоёндалари Аҳмад Маҳмуд¹⁸ (1827—1897), Зокиржон Ҳолмуҳаммад Фурқат (1858—1909), Муқимий (1850—1903) ва бошқалар реал тарихий воқелик ва ўзгаришларни ўз асарларида акс эттириб, янги фикрларни олға сурдилар.

Темир йўллар, депо, пахта тозалаш ва пахта ёги ишланиш заводлари ҳамда бошка корхоналар қурилиши билан Туркистонда рус ишчилари сони кўпайди, шу билан бирга маҳаллий пролетариат кадрлари вужудга келди. Буржуа муносабатларининг ўсиши, пахтачиликнинг ривожланиши қишлоқдаги табақаланишни тезлатди, кенг халқ оммасининг қашшоқлашувини кучайтириди. Шу билан бир вақтда, империализм даврида чоризмнинг миллий-мустамлакачиллик зулми борган сари зўрайди. Бу аҳволларнинг ҳаммаси Урта Осиёда синфий курашнинг кескинлашувига, революцион, миллий-озодлик ҳаратининг ўсишига сабаб бўлди.

Синфий манфаатларнинг бирлиги асосида умумий душман—чоризмга қарши биргаликда олиб борилган революцион кураш заминида Урта Осиё меҳнаткашлари билан рус ишчилар синфи ўргасида самимий дўстона муносабатлар мустаҳкамлана борди. Туркистонда большевистик ташкилотларнинг фаолияти кучайди, бу ташкилотлар улка меҳнаткашлариниғолибона пролетар революциясига тайёрлади.

¹⁸ Аҳмад Қалла, Аҳмад Дониш деб ҳам юртилади.

Улуг Октябрь социалистик революциясининг галабаси, мамлакатимизда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида янги давр очди. Октябрь революцияси мамлакатимиз ҳалқларининг тенг ҳуқуқлиги ҳамда дүстлиги идеясини эълон қилиб ва уни изчил равишда амалга ошириб, истиблод-мустамлакачилик ҳамда феодал-буржуа-колониал эксплуататорлик режимини, миллатларининг ҳуқуқсизлигини, эзилишини бутунлай тугатди. Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларига, шу жумладан Ўрта Осиё меҳнаткашларига ҳам, эркин ҳаёт берди ва уларнинг моддий ҳамда руҳий куч-кудратларининг гуллаб-яшнаши учун ҳамма имкониятларни ҳозирлаб берди.

Фақатгина Совет ҳокимияти даврида, шонли Коммунистик партия раҳбарлиги остида, улуг рус ишчилар синфининг дўстона ёрдами туфайли социалистик Ватанимизнинг бошқа ҳалқлари сингари ўзбек ҳалқи ҳам қисқа тарихий давр ичидаги техника, экономика ва сиёсий қолоқликдан бутунлай қутилди ҳамда мамлакатимизда янги жамият қуриш соҳасида жаҳоншумул-тарихий муваффақиятларга эришди.

Революциягача мустамлака Туркистонида қолоқ ҳуармандчилик ишлаб чиқариши ва хомашёни дастлабки ишлайдиган бир неча корхоналардан бошқа ҳеч қандай саноат йўқ эди. Эндиликда, Совет Ўзбекистонида янгидан-янги техника билан куролланган саноатнинг машинасозлик, химия, нефть, кўмир, электроэнергия, металлургия, тўқимачилик ва бошқа тармоқларни вужудга келди ва кундан-кунга юксалиб бормоқда.

Революциягача мустамлака бўлган Ўрта Осиёда қишлоқ ҳужалиги қадим замондан, «доқи юнусдан» мерос қолган қолоқ, энг оддий техникага асосланган бўлиб, майда, тарқоқ, кам кувват дехқон ҳужаликларидан иборат эди. Эндиликда, Совет Ўзбекистонида йирик, қудратли колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, экскаваторлар, бульдозерлар ва ҳоказо техникадан кенг миқёсда фойдаланиш асосида тұхтосиз ва тез суръатлар билан юксалиб бормоқда. Ҳозирги замон транспортининг ҳамма турлари барпо этилган ва Совет Ўзбекистонида боргали сарп юксалиб, такомиллашмоқда. Совет Иттилоғининг ҳамма жойида бўлганидек, Ўзбекистон ССРда ҳам ишчи, дехқон ва интелигенцияининг озод ва ижодий меҳнати социалистик экономиканинг гуллаб-яшнашини таъминламоқда, бу эса ҳалқ моддий фаровонлигининг тұхтосиз ўсишига имкон бермоқда.

Революциягача ўлканинг деярлик ҳамма аҳолиси саводсиз бўлган бўлса, эндилиқда республиканинг барча меҳнаткашлари саводхондир. Маҳаллий аҳоли учун очилган бошлиғич ва ўрта дунёвий мактаблар сони революциягача бир неча ўнтағина бўлса, эндилиқда Ўзбекистон ССРда 1400 мингга яқин ўкувчиси бўлган 5200 та мактаб бор. Революциягача Ўзбекистонда битта ҳам олий ўкув юрти йўқ эди, ҳозир республикада иккита университет, 34 та маҳсус олий ўкув юртлари, ўнлаб техникумлар бор. 1943 йилда СССР Фанлар академиясининг филиали базасида Ўзбекистонда илмий фикрлар маркази бўлган республика Фанлар академияси тузилди. Китоб, газета, радио ва ҳоказолар ўзбек халқининг турмушига сингиб кетди. Республикада чинакам халқ соғлигини сақлаш ишлари ҳеч кўрилмаган юксакликка кутарилди.

Адабиёт, санъат, фаннинг жуда ҳам тез ривожланаётганилиги социалистик маданиятининг гуллаб-яшнаётганлигига ёркин далиллар. Ўзбекистон ССРда минглаб ўрта ва олий маълумотли миллий кадрлар етишиб чиқди.Faқат Совет давлати давридагина, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида, социалистик Ватанимизнинг барча халқлари сингари ўзбек халқи ҳам фан ва техникани, марксизм-ленинизм классикларининг буюк асарларини ҳар томонлама ўрганишга муяссар бўлди.

Гуллаб-яшнаётган совет фани ва маданияти ўтмиш асрларнинг маданий меросларини инкор этмайди, балки уни ҳар томонлама чуқур ва илмий ўрганиш учун энг тўғри йўл-йўриқ курсатади.

Ҳамма моддий ва руҳий-маданий бойликларнинг ҳақиқий ижодкори бўлган меҳнаткашлар оммаси ўтмишда минг йиллар давомида инсоният барпо этган энг яхши ёдгорликларнинг ҳақиқий меросхўридир.

«Революцион пролетариатнинг идеологияси бўлган марксизм ўзининг оламшумул аҳамиятини шу билан қозондики, марксизм буржуа даврининг энг қимматли ютуқларини асло улоқтириб ташламади, балки, аксинча, кишилик фикри ва маданиятининг икки минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ривожланиши натижасида вужудга келган қимматли ютуқтарнинг ҳаммасини ўзлаштириди ва қайтадан ишлади. Faқат шу асосда ва шу йўлда олиб бориладган ва пролетариатнинг ҳар қандай эксплуатацияга қарши сўнгги курашидан иборат бўлган пролетариат диктатурасининг амалий тажрибаси билан камолатга етказиладиган ишнигина чинакам пролетар маданиятининг ривожи деб билиш мумкин»¹⁹.

¹⁹ В. И. Ленин. Асарлар, т. 31, 327-бет.

Совет Иттилоғининг ҳамма жойидагиңдек, Совет Ўзбекистонда ҳам тарихий-археология илмий-текшириш ишлари кенг миқёсда үтказилмоқда, адабиёт мерослари ва фан, фалсафий тафаккурниң ривожланиш тарихлари ўрганилмоқда.

Сўнгти йилларда, «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг биринчи ҳамда иккинчи томлари, «СССР халқарининг ижтимоий-фалсафий ва сиёсий тафаккури тарихидан очерклар»нинг икки китоби нашр этилди. Бу асарларда Ўрта Осиё халқари-нинг ижтимоий-фалсафий ва сиёсий фикрлари тарихига ҳам оид маълум материаллар баён қилинган.

Бироқ, бу соҳада бизнинг олдимизда ниҳоятда масъулиятли ва жиддий вазифалар турипти. Коммунистик партия биздан ҳайтимизнинг барча соҳаларида, шу жумладан, СССР халқлари фалсафасининг тарихини ўрганиш соҳасида кунт билан ижодий меҳнат қилишни талаб қилмоқда. Биз, буржуа идеологиясининг ҳар қандай қўришишларига қарши кураша бориб, улуғ совет халқимиз, шонли Коммунистик партиямиз олдида ўз бурчимизни бажаришими зарур.

Совет социалистик тузуми мамлакатимиз халқларига, шу жумладан, ўзбек халқига ҳам, ўтмишнинг энг яхши тарихий ва маданий ёдгорликларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш учун ҳамма имкониятларни ҳозирлаб берди. Шундай ёдгорликлардан бири — мамлакатимиз халқларига маълум бўлган зўр мутафаккир Мирза Бедил ижодидир. Ушбу китоб эса, Бедилнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларини анализ-қилишга багишлиланади.

БЕДИЛ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ҚИСҚАЧА ОЧЕРКИ

Мирза Абдулқодир Бедилнинг Ўрта Осиёда ўтмишнинг йирик мутафаккирларидан бири сифатида яхши танийдилар. У ўз вақтида Ўрта Осиё халқлари маданиятининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Мирза Абдулқодир Бедил форс-тожик адабиётининг талантли шоири, классиги ва новатори бўлибгина қолмай, ўз замонасининг ажойиб философи, кўзга куринган олимни ҳам эди. У адабиёт ва фалсафа соҳасида қимматбаҳо мерос қолдирди.

Афсуски, Бедилнинг асарлари бизнинг давримизгача деярлик текширилмасдан қолиб келди. Тўғри, ўтмишда баъзи бир авторлар Бедилнинг таржимаи ҳоли тўғрисида тўла бўлмаган маълумотлар баён қилдилар, Бедил китобларидан цитаталар келтириб, унинг айрим карашларига қисқа характеристикалар бердилар.

Форс биографик ёзмаларда, масалан, Миргулом Али Озод Белғиромийнинг «Ҳазонаи Омира»сида¹ Бедилнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди тўғрисида жуда муҳим, лекин ниҳоятда қисқа тарихий маълумотлар бор.

Ҳусайн Кулихон ўзининг «Ништари ишқ»² номли асарида шоир ва философнинг меросларини, ижодий йўлларини бирмунча яхшироқ текширди. Қулихон Мирза Абдулқодир туғилган ва болалик чоғларини ўтказган шаҳардандир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, мўйсафид Бедил ҳали ўз ижодий ишларини давом эттираётган вақтда Ҳусайн Қулихон тахминан энди 10 ёшга кирган эди. Мана шу ҳолни назарга олиб, Ҳусайн Қулихон китобида Бедил ҳақида келтирилган маълумотларни аниқроқ ва жуда ҳам муҳим маълумотлар, деб айтиш мумкин.

¹ Қаралсия: М. Али Озод Белғиромий. Ҳазонаи Омира, литографик нашр, Бомбай, 1800, 152—166-бетлар.

² Қаралсия: Ҳусайн Қулихон. Ништари ишқ, литографик нашр, Бомбай, 1808—1809, 130—144-бетлар. Тошкент, Ҳалқ кутубхонаси, нив. № 1223.

Мұхаммад Сидиқ Ҳасанхонининг «Шамъи Анжуман»³ номли хотираомасыда ҳам Мирза Абдулқодир Бедил тұғрисида умумий характердега әга бұлған материаллар бор.

Бу манбалардан таңқари, құқонылы тарихчи Ҳакимхон Ҳожи Мұхаммадхон томонидан үзбек тилида ёзилған «Мұнтахабул таворих»⁴ номли китобни ҳам күрсатып үтмоқ даркор. Автор бу китобда Бедил, Зебинисо ҳақида қысқа гапириб, Бедилни Аураңгзеб подшолик қылған даврининг «Мирза Маликушшуароси» деб атайды.

Мирза Бедилдиннің «Куллиёт»⁵ асарини нашр қылувчи муҳаррирлар уннің таржимаи ҳоли тұғрисида умумий характеристика берғандар ва дүнәқараашларини қысқа таҳлил қылғандар.

Ш. Сомиінинг «Қомусул аълом»⁶ининг иккінчи томида (турк тилида ёзилған) Бедил тұғрисида жуда кам, ҳамmasы булиб 13 сатр маълумот берилған. «Епзықлоңаедиес Ислам»⁷ нинг I томида мұхым, лекин қысқа материал бор, бу материаллардан маълум бўлишича, Абдулқодир Бедилдан бўлак шерозлик Мирза Раҳим Бедил, иишопурлик Мұхаммад Амин Бедиллар ҳам бўлғандар.

Бизнинг совет давримизда үтмишнинг маданий меросларини, хусусан үтган замон мутафаккирларининг асарларини үрганишга катта аҳамият берилади. Бедил ижодини текширишга бўлган қизиқиши бундан ёрқин далолат беради.

«Тожик адабиётининг намуналари»⁸ (1940 й.), Faфур Фуломнинг «Шарқдан бораман»⁹ (1943 й.), Е. Э. Бертельснинг «Бедил ҳақида мuloҳазалар»¹⁰ деган мақоласида (1945 й.), С. Айнийнинг «Мирзо Абдулқодир Бедил»¹¹ (1945 й.), X. С. Айнийнинг «Бедил ва уннің «Ирфон поэмаси» деган кандидатлик диссертацияси ва ҳоказо китоблар ҳамда мақолаларда Тожикистон ва Ўзбекистонда кенг ахолига яхши таниш бўлған шоир ва мутафаккириининг ижоди тұғрисида құмматли маълумотлар учратамиз.

³ Қаралсив: М. Сидиқ Ҳасан. Шамъи Анжуман, 1876, 82—86-бетлар.

⁴ Ҳакимхон Ҳожи Мұхаммад. Мұнтахабул таворих, литография, Тошкент, 1877, 104-бет.

⁵ Мирза Бедил. Куллиёт, лит. нашр, Бомбай, 1882.

⁶ Ш. Соми Қомусул аълом, 1889, 1428-бет.

⁷ Епзықлоңаедиес Ислам, Bd. I, Bedil

⁸ Тожик адабиётининг намуналари, тожик тилида тұплам. Сталин-сбзд. 1940.

⁹ Faфур Фулом. Шарқдан бораман, Советский писатель, Тошкент, 1943.

¹⁰ Е. Э. Бертельс. Бедил ҳақида мuloҳазалар. «Зафар» алманахи, Тошкент, 1945, № 1.

¹¹ С. Айний. Мирзо Абдулқодир Бедил, Сталинобод, 1954.

1955 йилда, Москвада, Давлат бадиин адабиёт пашриёти Бедилнинг Л. Пенковский рус тилига таржима қилган «Комде и Модан» поэмасини босиб чиқарди.

Биз ушбу асарда, Бедил даврийнинг тарихидан ва адабий асарлардан зарур материаллар келтириб, унинг фалсафији қарашларига характеристика бериш ва уни анализ қилиш билан чекланамиз.

* * *

Хусайн Қулихон Азим Ободийнинг «Ништари ишқ» китобида берилгани маълумотга қараганда, Мирза Абдулқодир Бедил барлос деган турк қабиласидан бўлган. Маълумки, бу қабила ўзбек халқининг ташкил топишида қатнашган этник компонентларидан бири бўлган.

Мирза Бедил 1644 йилда (1054 йил ҳижрий) Ҳиндистонда, Азимободда (Бенгалия), ҳарбий хизматчи оиласида туғилган; Бедил Декҳлида 1721 йилда (1133 йил ҳижрий) вафот этган.

Абдулқодир Бедил жуда ҳам мураккаб вазият мавжуд бўлган бир шароитда ҳаёт кечирди ва ижод қилди. Бу даврда Ҳиндистонда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам феодал тузумининг ички қарама-қаршиликлари кескинлашган эди. Бу вакъларда Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон (1628—1658) ва Аурангзеб (1658—1707) подшоҳлик қилди. Аурангзеб вафот этгандан кейин, 1707—1720 йиллар давомида, буюк мўгуллар империяси (аниқроғи, бобурийлар империяси) тахтида 15 дан ортиқ ҳоким ўзгарди. Шуни ҳам эслатиб ўтайлики, ана шу даврда Ғарбий Европа давлатлари Ҳиндистонда янги мустамлакаларни эгаллаб олишни кучайтирудилар.

Хусайн Қулихон Азим Ободийнинг «Ништари ишқ»ида, Муҳаммад Сиддиқ Ҳасанхоннинг «Шамъи анжуман»ида ҳабар берилишича, Бедил ёшлигига фанларни зўр талант ва истеъдод билан ўрганганд. Бедил 10 ёшидаёқ араб тилининг грамматикаси «Кофия» китобини яхши билар эди, форс адабий тилини тўла равшида ўрганганд. Мирза Бедил болалик ҷоғида отасининг вафотига бағишлаб шеърлар ёзган, деб айтишади. Бироқ шоирнинг ўзи хабар берлишича, у фақат йигирма яшар ўспирийлик ҷоғида шеърлар ёза бошлаган ва ҳалқа танилган.

Мирза Бедил мадрасада билим ола бошлади, лекин кейинчалик мадрасадан кетди, чунки у ерда ўқитиш фақат схоластик метод билан олиб бориларди, бу метод эса Бедилнинг ҳафсаласини пир қилиб қўйган эди.

Мадрасадаги схоластика ҳукмронлигини қоралаб, Бедил ғазаб билан ёзган эди:

«Дар мадраса хомуши чароғаст имруз,
Оташкадаи хуруши дөгаст имруз,
Мулло дар беҳжән дуданке задаст,
Ҳангоми ҳумоқ бе димоғаст имруз»¹².

Маъноси: «Мадрасада ҳозир донишманд кишилар қолмади, нодонлиқ эса, авжига мииди. Муллаларда қолмади ҳаё, давр аҳмоқлариниң бўлиб қолди».

Бедил онаси ҳамда тогаспнинг эътибор бериб қилган ғамхўрлиги билан ўз билимини мустақил равишда ошириб борди. Камол топаётган шоир-философнинг тогалари — Мирза Қаландар ва Мирза Зариф унинг тарбиячилари бўлдилар. Мирза Қаландар армияда хизмат қилди; ёзишни билмасада, бироқ у шеър тўқирди, эркин ва равшан ақл эгаси эди. Мирза Зариф ҳукуқ таълимотларидан яхши хабардор бўлиб, теолог ҳам эди. Улар ўша вактнинг шайх Камол ва бошқа машҳур кишилари билан яқин алоқада булганлар.

Бедилнинг шайх Камол түғрисида ёзишича, у бошқа шайхлардан фалсафани ва адабиётни яхши билиши билан фарқланган. Шайх Камол ҳинд адабий тилини билган, ҳинд фалсафасининг муҳим масалаларини еча олишга моҳир бўлган. Бедил эса айрим фалсафий муаммоларни у билан ҳинд тилида гаплашиб, муҳокама қилган.

Мирза Бедил ўзининг «Чор унсур» номли китобида, масалан шайх Камол унга илохиёт ва фалсафани ўқитганини ҳикоя қиласди. Шу китобда Бедил яна, у ҳинд фалсафасининг муҳим қоидаларини ёзига олганлигини, лекин ҳиндча ёзилганилиги учун бу қоидаларни форс-тожик тилида ёзилган «Чор унсур» га кирита олмаганилгини ёзади.

Бундан ташқари Бедил, айтидан, ҳинд фалсафасини форс тилига таржима қилинган «Упанишад четирех Вед»дан ҳам асосли равища ўрганган бўлса керак, бу асар «Сирлар сири»¹³ номи билан 1656 йилда босилиб чиқди.

Шайх Камол вафот этгандан кейин Бедил ўз ижодини янада чукурроқ ривожлантиришга ҳаракат қилиб, шоҳ Фозил ва Мирза Абдулқосимда таълим олишни давом эттиради, шунингдек адабиётларни мустақил ўқиш йўли билан ҳам ўз билимини ошириб боради.

Бедил ёшлигига факирлар билан алоқада бўлди. Факирлар ўша вактларда дарвишлар ҳаракати туфайли кўплаб тарқалган эдилар. Бедил ўшаларнинг таъсирида бўлди. Аммо, уларнинг реал ҳаётдан йироқлаштирувчи идеялари мутафак-

¹² Бедил. Қуллиёт. Рубонёт..., 65-бет.

¹³ Қаралсин: Туркистон Шарқ институти тўплами, Тошкент, 1923. 45-бет.

кир Бедил учун ёт бир идея эди, шунинг учун ҳам у шайхлардан, дарвишлардан, фақиrlардан четлашади. Шундан кейин Бедил Аурангзебнинг ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳга новкарлик хизматига киради, лекин кўп вакт ўтмасдан ўз умрини бутунлайича фан ва адабиётга бағишлади.

Мирза Бедил, ҳар бир киши маълум ҳунарни, маълум касбни ўргансин, деб талаб қилди, ишёкмаслар ва фақиrlарни текинхўрлар деб танқид қилди. У ўзининг «Чор унсур» деган китобида бундай деб ёзди:

«То фазлу ҳунар оннапардоз нашуд,
З-иқбол даре ба руш кас боз нашуд»¹⁴.

Маъноси: «Ҳунар эгалламагунча, киши юзига иқбол эшиги очилмади».

Бедил кўп саёҳат қилди, Ҳиндистон реал ҳаётининг хилманил томонларини куздан кечирди. У ўз даврининг олимлари, шоирлари ва рассомлари билан яқин алоқада бўлди. Масалан, у кўп йиллар давомида дўстлик қилишган ҳинд рассоми Итуп Чатр тўғрисида хотира ёзган. Бу ҳолларнинг ҳаммаси Мирза Бедил қарашларида суфизмдан, мистицизмдан пантезизма — «ваҳдати-мавжуд»га ўтиш эволюциясида муҳим роль ўйнади.

Мирза Бедил ҳалқни жабрловчиларга, золимларга нафрат билан қаради, мустабид ҳокимларни қоралади. Муҳаммад Аъзамшоҳнинг ўз шаънига бағишлаб мақтовли шеърлар ёзисб бериш тўғрисидаги таклифини рад қилди. Бедил бундай ёзган эди.

«Бедил, моро ҳарзадарои шон нест,
Маҳди миру сптоиши султон нест.
З-ин даст қаломе, ки зи мо мешунави,
Файр ва исҳори хизмати ёрон нест»¹⁵.

Маъноси: «Бедил, бемаза гапиришлик менинг шаънидан эмас. Мен султонларни мақтамайман, шаҳзодалар шарафига мадҳ айтмайман. Менинг шеърларимда бироннинг мадҳига айтилган мисралар бўлса, дўстлар ва маслакдошларим шаънига айтилгандир».

Бедил Муҳаммад Аъзамшоҳ хизматидан воз кечди, Азим ободдан Буюк мӯғуллар пойтахти, Ҳиндистоннинг сиёсий ва маданий маркази — Дехлига кўчиб келди ва умрининг охиригача шу жойда истиқомат қилди.

Бедил мухтожликда яшади, китоблар кучириб ёзисб, ўз меҳнати билан кун курди. Дехлида у ўз усул-мактабини

¹⁴ Бедил. Куллиёт. «Чор унсур». Литогр. нашр., Бомбей, 1299 й. Х., 101-бет, (қоғоз четига ёзилган).

¹⁵ Бедил. Куллиёт. Сўз боши.

тузди ва фалсафа ҳамда адабиётга доир бир қанча ажойис асарлар ёзди.

Мирза Бедил киши тафаккурининг эркин ривожланишига тарафдор эди. «Куллиёт»га ёзган сўз бошисида у қуидаги байтий айтади:

«Навиштам он чи дил фармууду,
Хондам ҳарчи пеш омад»¹⁶.

Маъноси: «Юрак буюрганини ёздим, қўлга тушгап асарни ўқидим».

Бироқ, Бедил ўз асрининг фарзаанди бўлиб, ўз даврининг муҳитига тан берди.

XVII асрнинг иккичи ярмида ва XVIII асрнинг бошида Ҳиндистонда ҳам, Урта Осиёда ҳам феодал реакцияси кучайган эди. 1658 йилда, ўзаро шиддатли ички урушлардан кейин Аурангзеб Ҳиндистоннинг анчагина қисмида ҳокимиятни ўз қўлига олди. У ўз отаси шоҳ Жаҳонни қалъага қамади, таҳти эгаллаш учун ҳаракат қилишидан хавфланиб акаси Доро Шикуҳни атеизмда ҳамда исломни ҳинд фалсафаси билан мослаштиришда айблаб ўлдирди. Акбар ҳукмронлиги давридан (1556—1605) бошлаб жорий этилган диний эътиқод эркинлиги бекор қилинади. Мусулмон реакцион руҳонийлари маориф ва эркин фикрини қаттиқ таъқиб қиласидар.

«Буюк Мўғуллардан энг кейингиси — Аурангзеб соат стрелкасини орқага бурмоқчи бўлди ва бу уринишида соатни тұхтатиб қўйди ҳамда уни синдириди»¹⁷.

Баъзи бир муваффақиятларга қарамай, Аурангзеб Ҳиндистонда барқарор ва мустаҳкам марказлашган феодал давлат аппарати туза олмади. У ўз империясидаги халқларнинг диний ва миллий антагонизмини бартараф қила олмади. Аксинча, шу даврда Ҳиндистонда диний ва миллий низо янада кескинлашди. Ҳиндистон халқлари ўртасидаги ўзаро феодаллик урушлари, диний ва миллий антагонизм бу мамлакатнинг буржуазия Англияси томонидан тез босиб олинishi ҳамда Буюк Мўғуллар империясининг йиқилиши учун асосий сабаблардан бири бўлди.

Деҳқонлар ва ҳунармандларнинг ҳарбий-феодал оқсуяклар, судхўрлар ва феодал давлати томонидан қаттиқ эксплуатация қилиниши миллионлаб кишиларнинг қашшоқланишига ва синфий курашнинг кескинлашувига олиб келди. Бедилнинг сўзича, деҳқонлар йил бўйи ишлаганлар, уларнинг кучи

¹⁶ Бедил. Куллиёт. Сўз боши.

¹⁷ Жаваҳарлал Неру. Открытие Индии, Чет эл адабиётини нашрнёти, 1955 й., 279-бет.

билан етиширилган ҳосил эса, оқсусыклар ва ғаразгүй амалдорларнинг осон бойишлари учун манба бўлган.

Мирза Бедил бу тарихий воқеалардан четда қолиши мумкин эмас эди, албатта. У гуманист бўлиб, эркин фикр ҳамда ҳинд халқларининг бирлиги идеяси позициясида турди. Бедил мусулмонларга ҳам, ҳиндларга ҳам бирдай қаради. У руҳнинг кўчишига («таносух»га) эътиқод қўйган ҳиндларни ҳам, тақдирга ишонувчи мусулмонро ҳизбларини, зоҳидларини ҳам танқид қилди.

Бироқ, Бедил ўз фикр ва идеяларини очиқдан-очиқ изҳор қила олмади ва шунинг учун ҳам диний спекулятив-метафизик қоидаларни ишлатишга, ўз фикрларини теологик либосга буркашга мажбур бўлди. Бунинг устига унинг қарашлари мураккаб эволюцияга дучор бўлди.

Шунинг учун ҳам Бедил ёзган асарларнинг тали мураккаб бўлиб, унда бир-бирига қарши тушунчалар бор, аммо унинг шакли ажойиб ва мундарижаси бойдир.

Мирза Бедил ўз назарий ишларини давом эттира бориб. Ҳинд, араб, форс, Урта Осиё фанлари, адабиёти, санъати, фалсафасининг катта бойликларини ўрганди; ўз даврининг маданиятли кишиси бўлиб етишди. У Жомий, Саъдий, Аттор, Хоғиз, Навоийга ўшаган ва бошқа шоир-олимларнинг асарларини эҳтирос ва қунт билан ўрганди.

Саъдийнинг олийжаноб фикрлари ҳамда унинг ўткирлиги Бедилга ўз таъсирини ўтказганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Саъдийнинг таъсири билан у ўзига «Бедил» (яъни, «дилсиз») деган тахаллус қўйди, ҳақиқатда эса Мирза Абдулқодир ажойиб қалб эгаси, ақлли, зийрак фикрли киши эди. Абдулқодирнинг «Бедил» тахаллуси: «ўз қалбини севган. кўнглини ўз ишига (фанга, адабиётга) берган» деган маънени билдиради, деб ўйлаймиз.

Бедил фалсафа тарихини ўрганди. Маълумки, ҳинд, араб. Эрон ва Урта Осиё маданиятининг ривожланишига фақат Пифагор, Афлотун, Аристотель (Арасту), Гиппократ, неоплатоничилар таълимотигина эмас, қадимги замон материалистик фалсафаси, хусусан Демокрит ва Эпикур қарашлари ҳам таъсир кўрсатди.

Мирза Бедил Аристотелни юксак даражада ҳурмат қилиди. Ўзининг «Ирфон» номли китобида Афлотунни бир-икки сўз билангина эслаган холос, аммо шу поэманинг бир неча саҳифасини Аристотелга ҳамда унинг қарашларини таҳлил қилишга бағишилади. Шарқнинг барча машҳур мутафаккирлари каби Бедил ҳам Аристотелни «доноликнинг биринчи муаллими», «бутун инсон табиатининг мукаммаланиш намунаси» деб атади. Бедил Аристотель номи билан адолатни,

хаққониятни, билим ва маърифатни, ўз ватанига нисбатая ҳалол ва соғдил бўлишиликни куйлайди. Шундан кейин Бедил Аристотелинг физикаси ҳақида, борлиқ ҳақида, материя ҳақида, шакл ҳақида тұхтаб, Аристотель мұваффақ бўлган билимлар билан чегараланиб қолмоқ ярамайди, деб таъкидлайди.

Борлиқ ва инсон муаммолари Мирза Бедил ижодида асосий үрин тутди. Лекин бу масалалар унинг кўп сонли асарларида турлича ифода қилинди. Бедилнинг ижодий фаолияти 1670 йилда бошланди ва XVIII асрнинг 20-йиллари бошигача, яъни 50 йилдан ошиқ давом қилди. Ана шу ярим аср давомида унинг қарашлари мураккаб эволюция йўлини үтди. Буни иқкор этган мутафаккирнинг ўзи қуидагича ёзади:

«Шеърам, ки ба сад забон фуруд омадааст,
Дар чандин вакъту оп фуруд омадааст.
Таврот набуд, то бигуям ки ҳама
Якбора эн осмон фуруд омадааст»¹⁸.

Маъноси: «Юз хил тилда, яъни мазмунда айтган менинг шеърларим турли-турли вақтларда айтилгандир. Менинг шеърларим таврот эмаски, уларни бирдан осмондан тушган десам».

Шу фикрни Бедил яна қуидаги сатрларда ифода қилди:

«Бедил, дар нусхан рамузи ашъор,
Айбам накуни ба нуктаҳои бекор,
Ҳуш дор, ки дар назми вужуди инсон
Чун ноҳуну муст узви баҳис бисъёр»¹⁹.

Маъноси: «Бедил, менинг шеърларимдаги бекорчи гаплар учун мени айблама! Инсон тани назмида тирноқ ва жунларга ўхшаш бедис унсурлар борлигини эсда тут».

Мазкур китобимизда Бедил асарларида бўлган ўлик, «бехис» томонларни курсатиб, ундаги ҳамма жонли томонларга, яъни Шарқда фалсафий фикрларнинг ривожланишида Мирза Бедилнинг чинакам хизматлари нимадан иборатлигига тегишли баҳо беришга уринамиз. Бизнинг асаримизнинг ва-зиғаси шуцдан иборат.



Мирза Бедил зўр меҳнат қобилиятига эга бўлиб, ижоди жуда ҳам унумли бўлган. У 120 минг мисрадан ортиқ шеър ва 20—25 босма листдан иборат наср ёзган. Унинг «Куллиёт»²⁰ номли асарлар тўпламига 16 та китоб кирган. Шу литографик

¹⁸ Бедил. Куллиёт. Рубоиёт..., 29-бет.

¹⁹ Бедил. Куллиёт. Сўз боши.

²⁰ Бедил. Куллиёт, литогр. нашр. Бомбей, 1299 хиж. й., (1882).

жашрдан ташқари, Бедил асарларининг қўлда кўчирилган кўп сонли нусхалари ҳам борки, уларни Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Ленингбод, Сталинободда ва Урта Осиё Совет республикаларининг бошқа шаҳарларида ҳозир ҳам топиш мумкин.

Бедил асарларининг, бизнинг иуқтаи назаримизча, энг муҳимларини қўйида қисқача характерлаб берамиз.

1. Бедилнинг катта асари «Чор унсур» («Тұрт унсур») наср билан ёзилган бўлиб, унга Бедилнинг айрим шеърлари қўшимча қилинган. Бу асар, тахминан, 1703 йилда ёзиг томомланган. Бу асарда Бедил ўз ҳаётини ҳикоя қилиб бериш билан анчагина автобиографик маълумотлар беради.

Шу билан бир қаторда, бу китобнинг айниқса сўнгти иккни бобида автор тұрт унсур, яъни: ҳаво, сув, ер, олов тўғрисида; ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамнинг пайдо бўлишлари тўғрисида сўзлайди. Шунингдек у мутлақ рух, рух ва нарса ҳақида гапиради, дин ҳамда руҳонийларнинг роли тўғрисидаги ўз фикрларини ифодалаб беради.

Лекин, бу китобда парилар, жинлар, уйқу, туш кўриш ва ҳоказолар тўғрисида турли-туман ҳикоя ва афсоналар бор. Шундай бўлса ҳам «Чор унсур» Бедилнинг таржими ҳолини, унинг дунёқарашларини ўрганиш учун муҳим манбадир.

2. «Ирфон» («Билим») номли поэма Бедилнинг ҳажм жиҳатидан энг катта ва мазмун жиҳатдан энг бой асаридир. Бу асар 10 минг сатрдан ҳам ошиқроқ. Бедилнинг айтишича, бу поэма 1711—1712 йилларда ёзиг томомланган.

Бу асарда социология, фалсафа, теология, тарих, табииёт ва адабиётнинг хилма-хил масалаларига тўхтаб ўтилган.

Бедил шу асарида, диний-теологик, суфийлик терминлари ни ишлатиб, материя, майда бўлакчалар, жонсиз табиат тўғрисида, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг келиб чиқиши тўғрисида мұҳокама юргизиб, ўз фикрларини ифодалайди. Философ, борлиқ-ҳасти ва йўқлик-нести ҳақида, провард — фано ва абадийлик — ба қо тўғрисида, мавжудийлик — вужуд ва ҳеч нима — адам тўғрисида ёзади; у бу категорияларни ўзича таҳлил қиласди ва таърифлайди. Бедил билиш назарияси масалаларига ҳам кўп эътибор беради. У сезги аъзолари орқали билиш ва рационал билишни таҳлил қиласди, обьект ва сезги, тушунча ва фикр, ақл ва мутлақ рух тўғрисида гапиради.

Бедил ҳинд идеалистик фалсафасининг «жоннинг кўчиб юриши»—«таносух» ҳақидаги таълимотини, шунингдек мутакаллимлар ҳамда мистик суфийларнинг тақдирга ишониш —«таваккал» тўғрисидаги таълимотини танқид қиласди.

Бедил деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг келиб чиқиши тўғрисида, деҳқонлар, ҳунармандлар ҳамда уларнинг феодал Ҳиндистондаги оғир аҳволлари тўғрисида ёзади. Демак, «Ирфон»ни, Епзыклоаедие des Islam даги Бедил ҳақидаги мақоланинг авторлари айтгандай, мистик асар деб бўлмайди.

3. «Нукот» («Ҳикматли сўзлар») номли асар фақат 28 саҳифадан иборат ёзилган бўлса ҳам, уни Мирза Бедилнинг жуда ҳам муҳим фалсафий асари деб ҳисоблаймиз; бу асар—Бедил қараашларини якунловчи ва умумлаштирувчи асардир.

Философ бу асарида ўз таълимотининг асосларини жуда қисқа равишда баён қилиб беради. Қизиқарли жойи шундаки, Бедил бу китобда назария соҳасида бир-бирига қарши иккя йўналиш: дунёвий ва теологик йўналишлар борлигини кўрсатди. У биринчи йўналишни ҳаётий, оқилона йўналиш, деб ҳисоблайди²¹.

Бедилнинг «Рубоиёт» («Рубоилар тўплами»), «Ғазалиёг» («Ғазаллар тўплами») ва ҳоказолардан иборат бошқа асарларини ҳам кўрсатмасдан бўлмайди. Бедил бу асарларида энг муҳим масалаларни ёритади, шайхлар, зоҳидлар, қаландарларнинг нодонлигини қаттиқ танқид қиласди, дарвишлар ҳақида ёзади. Бу асарларда Бедил тарбия, этика, аҳлоқ ҳақида қимматли фикрлар айтади. Демак, Бедилнинг бу асарлари ҳам унинг дунёқараашларини ўрганишда муҳим манбалар бўлиб хизмат қиласди²².

* * *

Бедилнинг дунёқараши — пантезми — у яшаган даврнинг бир-бирига қарама-қарши муҳитларини акс эттиради; унинг ажойиб фикрлари ва ўткир, оқилона жумбоқлари диний-теологик, суфий-метафизик терминлар, даъволар ва идеялари билан чатишиб кетган.

Бу ҳолларнинг ҳаммасига қарамасдан, Мирза Бедилнинг дунёқараши асосан прогрессивдир. Ўз вақтида Бедил инсон ақлийнинг қудратини, фаннинг кучини куйлади, тараққиёт идеяларини, математика, табииёт билимларини ва илғор фалсафани тарғиб қиласди.

Ўзбек ва тожик адабиётида Бедилга эргашувчи юзлаб кишилар топилди, улар бедилчилик мактабини туздилар,

²¹ Бедил. Қуллиёт Нукот..., 2-бет.

²² Шуни эътиборда тутиш керакки, Бедил асарларининг қўлёзма ва литографик нашрларида бир-бирига ўхшашлизилклар бор. Шунинг учун, асарларнинг ҳақиқий маъносини аниқламоқ мақсадида, Бедил асарларининг турли нашрлари текстларини дикқат билан бир-бирига солишириб чиқиш керак.

унинг асарларини ўқиб берувчилар —«бедилхонлар» пайдо бўлди.

Реакцион кучлар Бедилнинг қарашларига ва унинг таълимотига қарши ҳужум қилдилар. XIX асрнинг охирида Бухоро амири атеистик бўлганлиги учун Бедил асарларини ўқишини манъ қилди. Шу билан бир вақтда, реакцион кучлар Бедилнинг номи ҳаммага машҳур бўлганлигини ҳисобга олиб, уни ўз манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қилдилар. Буржуа контрреволюцион миллатчилар Мирза Бедил қарашларини бузиб кўрсатдилар ва сохталаштирилар.

Фақат марксча-ленинча фангина ўтмишдаги машҳур мутафаккирларнинг, шу жумладан Мирза Бедилнинг ҳам, меросларини ҳар томонлама, объектив равишда ўрганиш учун бизга бирдан-бир тўғри йўл кўрсатиб беради.

Ажойиб шоир ва философ Мирза Бедил бизга, совет кишиларига, ҳамма замонларнинг ва барча халқларнинг прогрессив мутафаккирларидек яқин ва азиздир.

Ўзбек адабиётининг илғор намоёндалари, масалан, машҳур лирик Фурқат, демократ шоир Муқимий ажойиб ёзувчи ва реакцияга қарши курашчи Ҳамза Ҳакимзодалар Мирза Бедил асарларини зўр ҳурмат ва завқ билан ўргандилар.

Бизнинг давримизда ҳам Бедил совет шоирлари ва олимларининг диққатини ўзига жалб этмоқда.

ЎзССР Фанлар академиясининг академиги Fafur Fулом ўзининг «Шарқдан бораётирман» иомли шеърлар тўпламида бундай дейди:

«Тонг отар чогида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа ҳаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб»²³.

Тожик совет ёзувчиси, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги Мирзо Турсынзода «Тара-Чандри» шеърида Бедил ижоди тўғрисида шуларни ёзди:

«Ба обу раиги нав Бедил
Чу омад дар Жаҳони назм
Аз ў ҳусни дигар омуҳт
Боғу бўстони назм...»²⁴.

Маъноси: «Бедил дунёни баҳор гўзаллиги билан бойитди. Поэзиянинг баҳорги боғига янада ҳусн қўшди.

²³ Fafur Fулом. Танланган асарлар, Ўздавнашр., Тош., 1953, 111-бет.

²⁴ М. Турсынзода, Асарҳон мунтаҳаб, Сталиябод, 1955, 218-бет.

БЕДИЛНИНГ ПАНТЕИЗМИ

Бедил «Куллиёт»ига тақриз ёзган Сирожгул Хақнинг тасдиқлашича, Мирза Абдулқодир Бедил вахдати-вужуд ва шу ҳуд — пантеизм позициясида турган. Бироқ у ўзининг шу холосасини тушунтирмади ва кенгайтирмади, Бедил фалсафасининг моҳиятини очиб бермади, унинг қарашларидағи хусусиятларини құрсатмади. Ҳолбуки, Бедил янги масалалар құтариш ва уларни ҳал қилиш соҳасида катта қобилятга эга булып, ўз фикрларининг ноёблиги ва чуқурлиги билан пантеизмнинг мусулмон Шарқидаги бошқа вакилларидан фарқ қиласы.

Пантеизм Ўрта Осиё, Ҳиндстон. Эрон фалсафасида күпроқ тарқалған оқимлардан бири булып, унинг ҳар хил шакллари бор. Пантеизмни асосан иккى оқимга булиш мүмкін (бу мутлақ маънода эмас, албатта): биринчиси — вахдати вужуд (жисмоний бирлик) булып, унинг қоидаси: «Дунё — худо демак»дир; иккинчиси — араб фалсафасида «Вахдати-мавжуд»(олам бирилгі) деб аталған оқим булып, унинг қоидаси: «Худо — дунё демак»дир деб ифодаланади.

Пантеистларнинг биринчи группаси худони ўргумчакка үхшатади. Ўргумчак ўзиданiplар чиқарғандай, худо ҳам ўзидан бутун борлиқни чиқариб туради; ҳамма нарса худода ифодаланғандек, худо ҳам ҳамма нарсада ифодаланади, деб айтади. Шу билан бирга, худони бирдан-бир реал нарса, қолған ҳамма нарсаны эса унинг шуғаси, нури, деб ҳисоблайди.

Вахдати-вужуднинг идеалистик таълимот эканлиги тушунарлидир. Бу таълимот ўта кетган мистик суфийлар таълимоти учун назарий негиз булып химзат қиласи.

Қалом ва вахдати-вужуднинг вакилларидан бири булып Ибн Арабий (1165 йилда Испанияда туғилған, 1240 йилда Дамашқда вафот этған) ҳисобланади. У жуда күп асарлар ёзған, «Ал футухот» номли асар шулардан биттасидир. Ута кеттан идеалистик позицияда туриб ёзилған бу фалсафий

асарда Ибн Арабий ўз дунёқарашларини баён қилади. Ибн Арабий Платон ва Плотинларнинг фалсафий қарашларига суюниб, жисмоний дунёдан бошқа яна идеялар олами, истиора олами, руҳлар олами бор, фақат ана шуларгина реал, абадий, ўзгармасдир, жисмоний олам эса ясама, ўткинчи, вакътинчадир, деб тушунтиради. Ибн Арабий руҳ, авлиёлар, туш кўриш тўғрисида анчагина афсоналар тўқиди, у кишиларни динга эътиқод қўйишга даъват қилди, мистицизмни тарғиб қилди, ақидаларни сўзсиз ижро этишни талаб қилди ва фанга қарши курашди. Демак, вахдати-вужуд ислом дини, калом фалсафаси манфаатлари учун хизмат қилади.

Материализм ва табииёт билимларининг ашаддий душмани, диний ақидаларни ҳимоя қилиб бир қанча асарлар ёзган имом Муҳаммад Фазалий ҳам фалсафий фикрлар соҳасида ана шу йўлда туриб жонбозлик қилди¹.

Вахдати-вужуд идеялари суфий мистикларнинг қарашлари билан ҳамоҳангдир: уларнинг айтишича, жисмоний олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат худода мужассам этилган, шундай экан, бундан ана шу реал оламга, жисмоний дунёга нафрат билан қараш зарурити мантиқий равища келиб чиқади.

Мистик суфийлар ана шундай нуқтаи назарларга асосланиб туриб, реакцион идеяларни тарғиб қилдилар, билимни, кишиларнинг актив амалий фаолиятини инкор этдилар; улар тарки-дунё идеяларини тарғиб қилиб, фақат садақа билан кун кўрувчи дарвишлар, фақирлар, қаландарлар ва гадойроҳибларнинг турли уюшмаларини ташкил қилдилар. Дарвишлик ҳаракати XVII—XVIII асрларда Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалди. Бедил ҳам бир қанча вақт ўшалар билан бирга бўлди. Юқорида айтганимиздай, кейинчалик Бедил улардан ажраб, меҳнат билан турмуш кечира бошлади. Бедилнинг дарвиш-фақирлар билан алоқани узганлиги унинг ҳаёти ва қарашларидаги эволюцияда муҳим бурилиш нуқтаси бўлди.

Вахдати-мавжуд гуруҳидаги пантеистлар табиатнинг абадийлигини, унинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини тал оладилар, материя билан руҳнинг бирлигига ишонадилар, худони оламнинг ўзида деб қарайдилар, билимли бўлишга, меҳнат қилишга даъват қиласдилар. Демак, Шарқнинг шоирлари ва мутафаккирларининг дунёқарашларида муҳим роль ўйнаган масала — бу дунёда яшашга интилиш керакми ёки ундаи воз кечиш керакми, тарки дунё қилиш керакми деган

¹ Қаралсия: Ғазалий, Қимёй Саодат (ўзбек тилига таржима қилинган), типолит. нашр., Тошкент, 1904.

саволга вахдати-мавжуд намоёндалари ижобий жавоб берадилар. Вахдати-мавжуд оқими, шарқ перипатетлари сингари, мусулмон Шарқида табииёт билимлари учун фалсафий асослар яратиб берди ва илғор фикрлар тараққиётида прогрессив роль ўйнади. Ҳиндистонда вахдати-мавжуд чуқур илдиз отган бўлиб, қадим ҳинид материалистик фалсафаси билан чамбарчас бөгланган эди.

Мусулмон руҳонийлари вахдати-мавжудини жуда хавфли ва зиёили оқим деб ҳисобладилар.

Бизнинг фикримизча, Бедил пантеизмининг ўзига хос хилма-хиллиги ва хусусияти шундан иборатки, у ўз нуқтаи назари билан вахдати-вужуд эмас, вахдати-мавжуд позициясида турган.

Бедил дунёқарашларининг моҳияти руҳонийлар учун хавфли эди. Пантеизм шу руҳонийларнинг эътиборини чалғитишда философ учун қулай парда сифатида маълум даражада хизмат қилди. С. Айний 1946 йилда Бедилнинг «Ирфан» поэмаси тўғрисида гапириб, бу асар руҳонийлар учун худди усти ширин «ҳаб» доридек туйнлади, деган эди. Шу поэманинг бошида ва охирида Бедил исломча-теологик ва суфийлик терминларини, коидаларини, ўхшатишларни, аллегория ва метафорияларни ниҳоятда кўп ишлатади; шулар воситаси билан ўз фикрларини ифодалайди. Руҳонийлар ва бошқа реакцион кучлар Бедил асарларининг ташқи томонларини ўрганиш билан чекландилар, унинг дунёқарашларининг моҳиятига тушунмадилар ва тушунишни истамадилар, натижада улар Бедилни гоҳ атеистлар (даҳрийлар) қаторига, гоҳ динга ишонувчи мусулмонларга қўшиб қўйдилар.

Мирза Бедил қарашларини таҳлил қилишда Фарбий Европадаги янги лавр пантеизми ҳақида Ф. Энгельс айтган фикрларга амал қила олишимиз мумкин. «Бирок, идеалистларнинг системалари ҳам, — деб ёзган эди Энгельс, — руҳ ва материя қарама-қаршилигини пантеистчасига келиштиришга интилиб, материалистик мазмун билан борган сари ва кўпроқ тўлдирилди»².

Пантеизм материализм ва атеизм бўсоғаси бўлиб, XVI асрдан бошлаб Фарбий Европада Фаннинг ривожланишига хизмат қилди.

Бедилнинг пантеизми ҳам ана шу ажойиб сифатларга эгадир. Тўғри, Бедил асарларида изчилсизлик, иккилапишлар учрайди, қалом ва суфизм терминлари кўпdir, лекин унинг қарашлари мутакаллимлар ва мистик суфийларнинг фалсафа-

² К. Маркс, Ф. Энгельс. Избранные произведения, т. I, М. 1933, 336-бет.

Сидан тубдан фарқ қиласы. Мирза Бедил үзининг асарларида калом ва суфизмни, күп ҳолларда ниқоблаған шаклда, баъзан эса очиқдан-очиқ ҳам танқид қиласы. Бедилнинг айтишича, калом ва суфизм кишини жаҳолатда қолдиради, дангаса қилиб қўяди. Унинг тўртликларидан бирида бундай дейилади:

«Ҳайҳот китоби дин варақ ба зеҳ гардонд
Ғайрат ба мизожи аҳли ислом намонд.
Лаънат ба тақайю тасаввуф, к-охир
Дайосину-жабиниро ба мероч расонда»³.

Маъноси: «Дин китоби варақни ағдарди, ислом аҳли табигатида ғайрат қолмади. Тасаввуф ва тақайя даюслик — номуссиликии ва ғайратчиликни баланд чўққига — меъроjга чиқарди».

Бедил ўз асарларида, айниқса «Чор унсур» ва «Ирфон»да вахдати-мавжуд — «олам бирлиги» нуқтаи назаридан ўз фалсафи қарашларини жуда ҳам эҳтиёткорлик билан баён килди.

«Ирфон» поэмасида философ олам бирлиги, коинот тўғрисидаги масалаларга батағсил тўхтаб ўтади, оламни иккига бўлишга, суфийлар ҳамда калом назарияларига қарши курашади. У: «Ҳакикат қисмларга бўлинмагандек, бир илдиздан чиққа гул ҳам ҳар бўлмайди»⁴ дейди.

Аммо Бедил ўз даврининг муҳитига ҳам тан беради, у ўз таълимотида иккиланишга йўл қўяди, олам ташқи кўрининишдан — моддий, ички моҳияти билан эса — илоҳий, деб айтади. Бироқ, у оламдан ташқари ҳар қандай кучни қатъий рад қиласы, олам ягона ва худо ҳам шу оламда дейди. Бедил ўз фикрини тубандаги мисраларда образли тасвирлайди.

«Эй созовари яқин, дорам ҳадисе дар миён,
Бегумон дарёбу, фориғ шав зи ваҳми қилу қол!
Нест тухм аз мева берун, мева берун аз дарахт,
Гарчи аз тухм аст инжо ҳар ниҳолеро камол.
Ҳаст олам он дарахту, мева инсон, тухм ҳақ,
Чанд шоҳу барг бини, меваро чашме ба ҳол»⁵.

Маъноси: «Эй ишонишга сазовор! Менинг айтган янгиликларимга тумонсиз ишон ва уни топ ҳам қил, фол-ваҳима ва асоссиз фикрларингдан қутил. Гарчи тухумдан ниҳол ўssa ҳам тухум мевадан, мева дарахтдан ташқари эмасдир. Олам шу дарахт, инсон унинг меваси, тухум ҳақдир. Шоҳ-баргларни мева деб билиш кўрлик натижасидир»

Демак, Бедилча, дунё барқарор, бўлинмасдир, у ҳамма нарсани ўз ичига олади, одам эса реал борлиқнинг, дунё, коинотнинг маҳсулидир.

³ Бедил. Куллиёт. Рубиёт..., 57-бет.

⁴ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 6-бет.

⁵ Бедил. Куллиёт. Ишорот ва Ҳикоёт..., 46-бет.

Бедил нуқтаи назарича, дунёдан ташқарида ҳеч қандай куч йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу жиҳатдан унинг қуидаги фикри нодир фикрdir.

«Эйки, найранг ду олам аз худо фамидаи,
Баҳс заҳду дарс тақви аз кужо фамидаи
Мавжӯ кафро айн дарё гуфтанат инсоф ишт
Зонке гавҳарро азин олам жудо фамидаи»⁶.

Маъноси: «Эй, иккى олам найрангини худодан деевчи! Тақво, диний дарс ва тортишишларни қаердан олдинг, мавж ва кўпикларни худди дарёнинг ўзи дейиш инсофдан эмас. Сен у гавҳарни бу оламдан ажратиб тушунгансан».

Бу ерда Бедил «гавҳар» деб худони англаған; демак, худони дунёдан, коинотдан ташқари деб билиш ярамайди, балки уни борлиқ дунёда мавжуд деб қарааш керак. Бедил бу фикрини қуидаги хулоса билан исботлайди:

«Ерон талаби маҳал карданд,
Гулчиний инфиол кэрданд.
Парвоз буруни бол карданд.
Онро, ки пари хаёл карданд.
Беруни дукони шишагар нест»⁷.

Маъноси: «Еронлар бўлмагур нарсани (тескари ҳолни) талаб қилдилар — қанотсиз учишни истадилар. Шу билан улар шармандалик гулини тердилар. Ҳолбуки, пари деб хаёл қилганларни шишачи устанинг дўкони ташқарисида эмас».

Философ образли, нодир, оддий ва содда гапиради. Бу жойда Бедил худони — шишасозга, коинотни — шиша устахонасига ўхшатади. Шишасоз шиша устахонасидан ташқарида йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас; яъни худо фақат дунёда, ўз устахонасида мавжуддир, ундан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Бедил ана шундай хулосага келган.

* * *

Мирза Бедил шарқ перипатетларининг муҳим таълимотини тан олибгина қолмади, балки уни асослаб ҳам берди. У Ибн Синонинг коинот, дунёning яратилмаганлиги ва абадийлиги масалаларидаги таълимотининг энг изчил тарафдори булиб қолди. Бедил дунёning абадийлиги, ўзгарувчанлиги, бошланиши бўлмаганидек, охири ҳам бўлмаслигини исботлашга тиришди. Бедил эрон олимни тилидан сўзлаб, шундай деди: «Олам сифат жиҳатидан ҳам, сон жиҳатидан ҳам бирлаҳза бўлсада бир ҳолатда турмайди. Унинг йигитлигига қа-

⁶ Бедил. Куллиёт. Чор унсур..., 12-бет.

⁷ Бедил. Куллиёт. Нуқот ..., 5-бет.

рилик асари бұлмаганидек гұдаклигіда йигитликдан асар-йүқ. Бу ҳолаттар доим бир-бirlарини алмаштира борадилар»⁸.

Демак, Бедилча, олам абадий ўзғариш жараёнини кечириб туради. Философ ер ва самовий ҳодисалар тұғрисида гапириб, шундай деб әзди:

«На ҳусули сано, на нафриндо,
Ҳаракоти табиатаст индо,
Он, табиат ҳақиқати азалист.
Маънини бенишони ламъязалист.
Ки чаво оғарини сози худаст.
Абадан парафишиони нози худаст.
Ҳасты мутлақ, уст, мо адамем
Сози уро сурғи зеру бамем»⁹.

Маъноси: «Булар мақташ ёкі сұкиш меваси эмаслар, балки табиат ҳаракатларидір. Бу табиат азалий ҳақиқатдір, яғни «слам язил»¹⁰сиз, абадий бордир. Үнинг наволари ўз созидан, үнинг сочилиб, очилиб күрниши ҳам ўздандыр. Борлық үнинг мутлақлары булып, биз ұтувчи, йүқ бұлувчимиз. Үнинг созининг зеру мемимиз».

Бедил нұқтаи назарича, дунёда бўлиб ұтадиган ҳамма процесслар табиийдір, табиат процессларидір, табиат эса, бошланиши бўлмаган абадий ҳақиқатдір; табиат ўз-ўзига сабабчидір, барча борлық ундан иборат; үнинг моддийлігі мутлақ ва абадийдір, конкрет нарсалар ва инсон табиатнинг маҳсулі булып, ұтувчи, йүқ бўлувчидирлар.

Бедилнинг бу нұқтаи назари Б. Спинозанинг *Causa sui* («ўз-ўзининг сабабчиси»¹⁰) деган машҳур қоидасини эслатади. Аммо шуни айтиш керакки, Бедил — пантенест, Спиноза эса — материалист, атеистдір.

Ф. Энгельснинг ўз-ўзидан бўладиган табиат ҳодисаларини тушунтирувчи таълимотнинг роли ҳақидаги курсатмасини бу ерда эслатаб үтиш үринлидир:

«Уша вақтдаги фалсафанинг буюк хизматига шу билан иккор бўлиш керакки, ўз замонасидаги табииёт билимларининг кам ривожланғанлығига қарамай, фалсафа фикрлари ўз йўлидан ривожланиб борди, Спинозадан тортиб то буюк француз материалистларигача фалсафа дунёни ўз-ўзидан тушунтиришга астойдил ҳаракат қилип келди, буни тұларавища оқлашни келажак табииёт фанига топширди»¹¹.

Мирза Бедил XVII—XVIII асрлардагы феодал Шарқи мұхитида Европанинг илғор мутафаккирлари даражасында

⁸ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 8-бет.

⁹ Бедил. Куллиёт. Ирфон ..., 9-бет.

¹⁰ Қаралсин. История философии, т. II, Госполитиздат, М., 1941, 174-бет.

¹¹ Ф. Энгельс. Диалектика природы. Госполитиздат, 1953, 7-бет.

күтарила олди, табиат ҳодисаларини табиатнинг ўзини ўрганиш йўли билан тушунтиришни талаб қилди. Бу нарса унинг фалсафаси диққат ва ҳурматга сазовор бўлишни кўрсатади, бироқ, афсуски, Бедилнинг бу илмий жасорати Шарқда фалсафий фикрларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатмади ва ҳатто ҳозиргacha номаълум бўлиб қолиб келди. Марксча-ленинча методология Бедилнинг бу фикрларини очиб беришимизга ва у фикрларни ўқувчилар диққат-эътиборига тақдим қилишимизга имкон берди.

Бедил яратувчи табиатнинг абадийлиги ва конкрет нарсаларнинг ўтувчи характеристики тўғрисида сўзлайди. Лекин мутафаккир мутлақ йўқолишини инкор қиласди ва бу масалада қалом ҳамда суфийларга қарши курашади. У чегарали ҳамда вақтли нарсалар, чексиз ва абадий олам ҳақида ёзади.

Маълумки, «ашаритлар оламнинг абадийлитини ва унинг конуниятини қатъий рад қиладилар»¹². Бедил, мутакаллимлар — ашаритлар ҳамда суфийларнинг нуқтаи назарига қарши курашиб, бундай деб ёзди:

«То нагарди адам жаҳон нашави,
Хок ногашта жисму жон нашави...
Ба тааммул агар куни исбот,
Жуз адам нест маржен амвот,
Боз эжоди эътибор камуд,
Аз адам дорал обруи вужуд.
Асли ҳар фарқу иттиҳод ин жост,
Олами мабдау мудин ин жост.
З-ин ҳәтёе ки кост, ё афзуд,
Ҳам оз у жасту ҳам дар у осуд.
Халқе аз пардааш аён гардиц,
Рахту ва ҳам дар дилаш ниҳон гардиц.
Он фаное к-аз у бақо гул кард,
Аз ҳамия маркази фано гул кард.
Ин фанову бақои ваҳм аижом,
Нест жуз ажзу қудрати ифҳом.
То мақоме, ки фаҳми мо болид,
Сурату маънни бақо болид,
Он чи он сун саъи фитрати мост,
Назди мо мулки бенишони фаност.
Варна ажзи зарра то хуршед,
Мезанад мавжу ҳастин жовид.
Дарҳақиқат фанони мутлақ нест,
Ки фано аз лавозими ҳак нест.
Чун ба кунҳаш намерасад ифҳом,
Мекунад ажзи мо фанояш ном»¹³.

Маъноси: «Йўқ бўлмасдан туриб жаҳон бўла олмайсан, тупроққа айланмасдан жисм, жон бўла олмайсан. Агар ўйлаб қарасанг, ўлим адам демакдир. Адамдан янга нарсалар вужудга келадилар. Адам бирлик ва фарқланиш жойидир, у келиб чиқиш ва қайтиш оламидир.

¹² История философии, т. I., 438-бет.

¹³ Бедил. Куллиёт, Ирфон..., 27-бет.

Ҳар бир ҳаёт әғаси, ким ортиқ, ким оздин, унда гуриб чиқди ва ҳам унда бориб туташди. Бир халқ күнининг пардасидан ошкор бўлди. У яна бориб ўша пардага ўралди (йўқ бўлди). Ҳақодан турган фано шу фано марказида — ерда туради. Бу ҳақиқатни тушунмай асоссиз фикрлар ёйиш — бизнинг тушунчамизнинг ожизлигидандир. Бизнинг тушунчамиз бақо маъносини билди. Уз кучи етмаган томояни, нишониз мулки фано деб атади. Лекин заррачаларнинг қисмларидан то қуёшга қадар ҳамма абадий борлиқдадирлар. Ҳақиқатда мутлақи фано йўқдир. Фано ҳаққа хос эмасдир. Мана шуни охиригача тушунг. олмагач, бизнинг ожизлигимиз фано деб ном қўяди».

Шундай экан, Бедилча, дунё абадий бўлиб, тўхтовсиз ҳаракат қиласи ва ўзгариб туради. Юқорида келтирилган парчада Бедил фано — йўқолиш ҳақида сўзлайди. Бу ўринда у, калом ва суфийлардан фарқ қилиб, фанони борлиқ жисмларнинг абсолют йўқолиши эмас, балки бу жимсларнинг ўзгариши, уларнинг бошқа ҳолатга айланиши деб тушунади. Философ мутлақ йўқолиши аниқ ва равshan рад қиласи, унинг нуқтаи назарича борлиқ абадийдир.

Бедил кишининг шахсий ўлишига икрор бўлади ва уни айрим, конкрет нарсаларнинг ўзгариши сифатида қарайди, бунинг далили учун қуйидаги мисолни келтиради:

«Сиздаги аъзоларнинг қуввати уларнинг саломатлигига боғлиқдир. Овқатнинг кучи билан сезгилар ҳаракатда, уларда ҳавонинг ёрдами ҳам бор. Қувват қотиб қолганда сезги аъзоларнинг қудрати ҳам қолмайди, натижада инсон ўлади. Уни ерга кўмгандан кейин ер буғи аъзоларни намлантиради. Юракда қон қотиб, ҳаво тер ва ҳарорат билан руҳ кийимида чиқади. Сунгра сувсизликдан бош аъзолар (юрак, ўпка ва ҳоказолар) курийдилар ҳам жамодод, ғайри узвий табиатга қўшиладилар ва бошқа оламда кўринадилар»¹⁴.

Шундай қилиб, Мирза Бедил кишининг шахсий ўлимини табиий бир ҳодиса, органик нарсаларнинг неорганик табиатга айлана бошлаши деб тушунтиради. Демак, у ўлим ҳақидаги диний нуқтаи назарни рад этди.

Бедил фикрича, бир нарсанинг ўлиши бошқа бир нарсанинг ҳаёти демакдир. Бунда у доира бўйлаб ўзгариши тушиundi; лекин бу доиранинг боши ҳам (сар), оёғи ҳам (по) йўқ, яъни унинг бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ! Бир ҳодиса иккинчи бир ҳодисанинг сабабчиси бўлади. Ҳаёт, Бедилча, доира шаклида абадий айланиб туради:

«Агар ба дастгоҳи жимодот тааммул намой куҳсорҳо гардан афрохатаст ва ҳамчунон ба хок сарандохта. На ин гардан афрозиро авжи ниҳоятест, на он сарафханиро ҳозизи ғояте ва чун ба иктидори наботот назар куни дар ҳар кафи хоке

¹⁴ Бедил. Куллиёт. Чор унсур..., 104-бет.

туфоин ҳазор рангу бүст, болафшони кайфияти бениёзй ва ба-
хамон насақ ҳазонпаймой шикасти ранг ва маротиби ниёзпар-
дози. На гардиши ойнаи ин рангро таъдод шуморе, на
шикасти ин чомҳси жуммурро муҳосабаи ишқисоре. Агар ча-
ҳон ҳайвон аст, бефосила достгоҳи ҳаёт ва мамот қадим»¹⁶.

Маъноси: «Агар жомодот, яъни гайри органик табиатга
қарасанг, унда тоғларнинг юксаклиги ва ерга ўринлашганини
курасан. Бу юксакликнинг ва ўринлашишинг, пастланишинг
боши ҳам охирин йўқ. Агар набототга назар солсанг, мингларча
хилма-хил гуллар ва ҳидларни биласан. Бир ҳовуч қумни
олсанг, унда мингларча сўлиган гулларни ва беҳад кўп сар-
ғайган баргларни кўрасан. Агарда ҳайвонот оламига боқсанг,
унда қадим замонлардан бўён ҳаёт ва мамотни кўрасан».

Мирза Бедил, худди Ибн Сино сингари, оламнинг аба-
дийлиги ва охирсизлиги тўғрисидаги таълимотни асослади;
у шахсий ўлимни — нарсаннинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга
ўтишини иқрор қилди, нариги дунё, руҳнинг кўчиши («тано-
сух») тўғрисидаги ақидаларга ишонмади. Бедил реакцион
мистик суфийларга қарши кураш олиб бориб, уларнинг тарки-
дунё нуқтани назарини йўққа чиқарди; руҳонийларининг диний
идеалистик таълимотига қарши чиқиб, руҳнинг кўчишига ишо-
нишнинг бемаънилик эканини исботлади.

Бедил абадийлик ҳақида гапириб, инсоният оламидаги
абадийлик тушунчасини таҳлил қиласди. У икки категория —
икки хил абадийлик, яъни умумий ва хусусий абадийлик бор,
деб кўрсатади.

Умумий абадийлик ҳамма жисмлар ва кучларга, ҳамма
нарсаларнинг табиатига, шу жумладан ҳайвонлар ва одамлар
танаисига ҳам хосдир.

Хусусий абадийлик ҳамма жисмлар, нарсалар учун хос
бўлмай, балки ўз ҳаракати, меҳнати билан ўзидан кейин аср-
лар бўйи қоладиган эсдаликлар яратган кишиларгагина хос-
дир.

Одам вафот этади. Улимдан кейин у бошқа нарсага, файри
органик табиатга айланади. Одам учун шу дунёдан бошқа
жойда яшов, ҳаёт йўқ. Инсон ўзидан абадий эсдаликини фанга,
адабиётта киритган янгилиги билан, қандай бўлмасин бирор
жамоат биноси қуриш ва ҳалқ манфаатлари йўлида хизмат
килиш билан қолдира олади.

Бедил — ҳаёт кишисидир. У ҳаёт, баҳт-саодат ва қарам
байроғини баланд кутарди. У қарам тушунчасини ўзига хос
йўсунда баён қилди. Тўғри, «қарам сўзи турлича маъно бе-
ради, лекин Бедил ўзининг «Нукот» асарида бу масалани

¹⁶ Бедил. Куллиёт. Чор унсур..., 104-бет.

максус таҳлил қилиб, уни ўзича ечади. У шундай мисоллар келтирганки, уларда ишлатилган «карам» сўзидан яхшилик, хайр-саҳоват, бахт-саодат тушунчалари равshan англашилиб турди. У «карам нима?» деб сўрайди. Бу саволга Бедилнинг ўзи жавоб бериб, мисоллар келтиради: бўш жойларга дарахт ўтқазиш, бечораларга ёрдам бериш, оқизларга йўл кўрсатиш, касалларни бориб кўриш ва ҳоказолар карамдан иборат, дейди. Бедил, давом этиб, бундай деб ёzáди:

«Сармояи ҳар хумору масти карам аст,
Пероян ҳар баланду пасти карам аст.
Гуянд, ки марг инқилоби ҳастист,
Инаст далели он ки ҳости карам аст»¹⁶.

Маъноси: «Хумор ва мастилкнинг воситаси карамдир. Баланд ва пастликнинг зиннати карамдир. Улим ҳаётнинг ўзгариши дейдилар. Мана шунинг ўзи тирикликтнинг карамдан иборат бўлгани. Яхши эканини исбот қиласди».

Бу ўринда Бедил «карам» терминини ҳайр-саҳоват, бахт-саодат, ва яхшилик яратиш маъносида ишлатади. Мутакаллим ва суфийлар эса, бу сўздан худога маъкул тушадиган ишлар маъносида фойдалангандар.

Мирза Бедил инсон ҳаётга интилиши лозим, ундан баракали фойдаланиши керак, ҳаётда гўзаллик бор деб уни улуғлаб, кишиларни тарки дунё қилишга эмас, жамиятдан ажраб хилватда яшашга эмас, балки меҳнат қилишга, ҳунарманд бўлишга, билим ўрганишга, одил ва инсонпарвар бўлишга чақирди. Философ феодал зулмининг манфурлигини тушунди ва уни танқид қилди; аммо, феодаллар деспотизмини нафраташ билан, айрим ҳолларда скептицизм йўлига ҳам тушди. Үндаги скептиклик феодал воқеликдан, адолатсиз усул-идорадан норози бўлганилигидан келиб чиққандир ва ижтимоий ғузулликларга қарши қаратилгандир. Масалан, Бедил бундай деб ёzádi:

«Аз маркази Ҳинд то ҳати Мултонаш,
В-аз ҳадди Ироқу Яэд то Кошонаш —
Дар ҳар маъмурае, ки кардем гузар
Дидем аввал саводи гуристонаш»¹⁷.

Маъноси: «Ҳинд марказидан то Мултонгача, Ироқ чегаралари ва Яэздан то Кошонга қадар саёҳат қилиб кўрган шаҳар, аҳоли яшайдиган жойларда ҳаммадан аввал мозорларнинг олд томонини кўради».

Бу жойда Бедил, биринчидан, омманн қаттиқ эксплуатация қилиш, феодал урушлари ва ўзаро низоларнинг натижасида

¹⁶ Бедил. Куллиёт. Нукот..., 19-бет.

¹⁷ Бедил. Куллиёт. Рубоиёт..., 68-бет.

юз берган Ҳиндистон, Эрон, Ироқ ва умуман феодал Шарқи-даги харобалик ва хўжалик тушкунлигини; иккинчидан, мозор эгалари бўлган руҳонийларнинг ҳукмрошлик ролини кўрса-тиб ўтади.

Бедилнинг фалсафий қарашлари унинг ижодий фаолиятида ҳам мужассам намоён бўлгандир, бу парса ажойиб ҳамда бой маъноли «Комди ва Модан» поэмасида айниқса кўзга ташланади.

Бу поэма унинг «Ирфон» номли катта асарига киритилган. (121—134 бетлар). Бу достонда Бедил ҳунар, санъат, шахс эркинлиги, дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат ва билимни куйлади. «Ирфон» да биз адолатсилик устидан адолат, ўлим устидан ҳаёт тантанасини ўқиймиз. Мирза Бедил шу поэмаси билан ўз замонасининг адабиёти, ижтимоий фикрлар тарихи-да новатор бўлиб майдонга чиқади.

Шу дастоннинг мазмуни куйидагича.

Комди — уста рақкоса; ўз ажойиб ҳунарини моҳирона эгаллаган, подшо саройидаги базмларда иштирок этади.

Модан бошқа бир шоҳ юртида шуҳрат қозонган ҳофиз, мусиқачи бўлиб, ўз ҳунарининг моҳир устасидир.

Кунлардан бирида Модан Комди ватанига келади. Шоҳ саройидаги бир базмда ашула айтib, соз чалади. Базмдаги-лар, шу жумладан шоҳ ҳам, Моданнинг соз чалишига ва куйлашига қойил қоладилар. Шоҳ унга қимматбаҳо нарсалар совға қилади ва таҳсин ўқийди. Шу вақтда Комди ҳозир бўлиб, юксак моҳирлик билан рақс ижро қилади, базм қатнашчилари уни қизғин олкишлайдилар. Модан унинг моҳирона санъатидан завқланади, унинг учун ўз бошини қурбон қилишга тайёрлигини изҳор қилади. У ҳозиргина шоҳ тақдим қилган совғани Комдининг оёғи остига ташлайди. Бундан газабланган шоҳ Моданни калтаклаш ва юртдан ҳайдашга буоради. Модан билан учрашган Комди ўзини бу қайгули ҳодисанинг айбори деб билади ва ўз айбини оқлаш учун ўлимга тайёрлигини айтади. Модан унга сабрли, зийрак ва эпчил бўлиш кераклигини айтади. Бадарға қилинган Модан ўрмон ва саҳролар кезади. Кунлардан бир кун, ёввойи ҳайвонларни ов қилиб юрган қандайдир бир шоҳ Моданни ҳушсиз ҳолатда учратади; у номаълум бу одамга ёрдам қилишни ўз кишиларига буоради. Бир қанча вақтдан кейин Модан ҳушига келади ва шоҳ Моданнинг бошидан ўтган саргузашталарини билиб олади. Шоҳ Моданни жабрлаган подшога хат ёзиб, Модан билан Комдини бир-бирлари билан учратишни талаб қилади. Шоҳ

Бу талабни рад қиласи. Уруш бошланади, одил подшо бу урушда енгіб чиқади, золим подшо енгілади.

Галаба қозонған шоҳ Комди ва Моданлар ўртасыда сами-мий севги-муҳаббат ҳақиқатан бор-йўқлигига ишониш мақса-диди уларни синаб кўрмоқчи бўлиб, Модан ҳалок бўлди, деб бир ёлғончи киши орқали Комдига хабар етказади. Комди ҳушидан кетиб, бундай дейди:

«Гуфт: «Эй Комди, маро даръёб!
Сурати маънини вафо даръёб!»¹⁸.

Маъноси: «Айт, эй Комди, менин тон вафодорлик маънисини тон». Бедил бу ҳодисани баён қилиб, шеър билан айтади:

«Эй, ҳалоки фузулию расво,
Накуни имтиҳони аҳли вафо»¹⁹.

Маъноси: «Эй, манфур ёлғончи, дўстлар вафодорлигини синама».

Комдининг бу ахволидан хабардор бўлган Модан ҳам ҳушидан кетади. Голиб подшо ошиқ ва маъшуқларниг бу бахтсизликлари учун ўзини айборд деб билади ва ўзини нобут қилмоқчи бўлади, аммо олимлар уни бу йўлдан қайтаради-лар. Олимлар подшога айтадилар: «Шошилмагил, бу киши-ларни ҳаётга қайтариш учун биз чора-тадбирлар кўргаймиз». Олимлар ошиқ-маъшуқларни даволайдилар. Бир қанча вақт-дан кейин Комди ва Моданлар қўзларини очиб, ҳушларига келадилар, сунгра эркин ҳаёт кечирадилар.

Шундай қилиб, бу поэма адолатсизлик устидан адолат, жаҳолат устидан илм-маърифат, ўлим устидан ҳаётнинг тан-тана қилиш идеясини куйлайди. Бу идеялар Бедилнинг шу асарини ҳалқ эпослари мазмунига янада кўпроқ яқинлаштиради.

«Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» темаси бирнеча аср давомида Шарқнинг энг йирик шоирлари ижодиётинда севимли темалардан бўлиб келди. Бедилнинг «Комди ва Модан» поэмасида Низомий ва Навоийларинг асарлари билан («Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин») умумий томон-лари бўлсада, бироқ у бир қатор ўзига хос хислат ва хусуси-ятларга эгадир.

* * *

Мирза Бедил ҳаётни ноз-неъмат, бахт-саодат, деб эълон қилдию, лекин шу нуқтаи назардан нари ўга олмади, мушо-ҳадачи субъект, воқеиликнинг тамошабинигина бўлиб қолди.

¹⁸ Бедил. Қуллиёт. Ирфон., 133-бет.

¹⁹ Уша бетда.

Бедил баҳтли ҳаёт кечиришии — маълум ҳунарни эгаллашда, ҳунармандчилик ва дәҳқончиликда, билим ва фанин эгаллашда деб билиб,adolat ҳамда инсонпарварликни кўйласада, аммо и турмуш шароитларини тубдан ўзгариш учун оммани курашга чақирмади. Тўғри, Бедилда золимларга, ёвузларга қарши курашга чақиравчи мисралар бор, масалан:

«Золим пушад либоси хунбофтари
То зер купад ҳасми забуни ёфтари.
Бо сангдилон шиори худ саҳти куи!
Бардор ба оҳан оҳан тофтари»²⁰.

Маъноси: «Золимлар, жафо етказувчилар кучсиз ва мададсиз рақибларини қул қилиш ва уларни ўзларига бўйсундириш учун қондан тикилган жома киядилар. Бағри тош кишиларга даҳшат солиш сенинг шиноринг бўлсин. Чўр темирин темир омбир бирла ол».

Бедилдаги бундай фикрлар меҳнаткашлар оммасининг золимларга қарши синфий кураши билан чамбарчас боғланмаган эди. Бедил одамнинг ижтимоий-амалий фаолиятини тўлалигича тушуна олмади. Унинг қараашларидаги тарихий чекланиш ана шу билан яққол кўринди.

«Философлар,— деб ёзган эди К. Маркс,— дунёни тури равишда тушунтиридилар. Гап уни ўзгартиришдадир»²¹.

Бу характеристика Мирза Бедилга ҳам тұла ва бутунлай тааллуқлидир.

Маркса-ленинча дунёқараашгина оламнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур ва ҳар томонлама илмий тушунтириб, уни ўзгартириш учун ва янги, коммунистик жамият қуриш учун ҳақиқий йўл-йўриқ кўрсатиб берди.

²⁰ Бедил. Куллиёт. Рубонёт ..., З-бет.

²¹ К. Маркс, Ф. Энгельс, Избранные произведения, т. II, М., 1949, 385-бет.

БЕДИЛНИНГ РУХ, МАТЕРИЯ ВА ШАКЛ ҲАҚИДА ФИКРЛАРИ

Мирза Бедил фалсафалинг энг муҳим масаласи — фикрлашнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати масаласини үзига хос равишда ҳал қиласи. У бундай деб ёзган эди:

«Ҳикмат ин аст гар биғаҳмад қас,
Ки дар ажсом чист кори нафас»¹

Маъноси: «Агар киши тушунса, ҳикмат жисмларда нафас (руҳ) ишининг қандайлигини билинишдан иборатdir».

Бу масаланинг жуда мураккаб, қийин ва чигаллигини қайд қылган Бедил, уни ҳал этишга журъат қила олди. Бироқ, бу ўринда ҳам Бедил аллегория (истиҳора), метафора (истиҳора), суфийлик терминларини, мутакаллимлар қоидаларини кўп ишлатади, ҳолбукӣ, Бедил ҳақиқатда мутакаллимлар таълимоти билан баҳслашмоққа уринади.

Каломнинг, ислом схоластикасининг энг катта намоёндадаридан Ибн Арабий таълимотининг моҳиятини биз юқорида кисқача баён қылган эдик. Унинг нуқтаи назарича, ҳаммадан аввал идеялар олами, руҳлар олами, метафора, сўнгра эса нарсалар олами бордир.

Ибн Арабий Платон фалсафасига асосланиб, идеялар олами — ғайри жисмоний, абадий, ҳақиқий деб уқтиради, нарсалар дунёсини эса, ғайри ҳақиқий, ўткунчи деб таъкидлайди. Нарсалар, яъни сезги дунёсига унинг нафрат билан қарashi шундан келиб чиқади. Ибн Арабий руҳлар оламини қуёшга ўхшатиб, уни Шарқ — жабилқо деб атайди, нарсалар дунёсини эса Farbga ўхшатиб, уни жабилсо деб юритади. Қуёш Шарқдан Farbga нур сочганидай идеялар оламидан руҳлар чиқиб нарсалар оламига, киши танига кирадилар. Бироқ, жисмда, киши танида худди зинданда, қоронғи-зулматда, қамоқда сақланади; вақти билан руҳ таи-

¹ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 117-бет.

дан чиқиб ҳузур-ҳаловат күрмөң учун истиора (метафора) оламига яна қайтиши зарур.

Демак, Ибн Арабий нұқтаи назарича, идеялар олами билан нарсалар олами бир-биридан айрим ҳолда мавжуддирлар, идеялар олами эса, бирламчидир. Бу идеалистик-мистик таълимот исломнинг назарий асоси бўлиб қолди.

Мирза Бедилнинг хизмати шундаки, у шу идеалистик таълимотга қарши курашга кириши, оламнинг бирлиги ва абадийлигини ўзича исботлади; руҳнинг жисмга муносабати масаласини тўғри ҳал қилишга яқинлашди.

Бедил ҳаво тўғрисида. «Чор унсур», «Нукот», «Ирфон» асарларида Бедил ҳамма нарсаларнинг асоси (илдизи) ҳаво деб билди. Ҳаво тўғрисидаги таълимот Бедил фалсафий дунёқарашининг moyasiidir. Ҳаво тўғрисидаги бу таълимот унинг бошқа асарларида ҳам озми-кўпми ифодалаб ўтилган. Аммо, Бедил бу масалада ҳам кўпинча изчил фикр юритмади ва эҳтиётлик билан иш тутди.

Бедил «Чор унсур» китобида борлиқ нарсаларнинг энг биринчи негизи ҳаво деб ёэди, «Ирфон» да эса, ҳаво — барча мавжуд нарсаларни яратувчи («мужиду мавжуд»)² деб билди. Бедилнинг бу қоидаси Б. Спинозанинг яратувчи табиат (natura naturans) ҳақидаги таълимотини эсга туширади.

Бедилча, ҳаво мутлақ, абадий, ҳаракатчант, ўзгарувчан, енгил, рангизидир, у асосан юқори ва қуйи томон ҳаракат қиласи. Ҳаво ўзида сув зарралари (буғ), ер зарралари (чанг), олов зарралари (ёруғлик, нур) ни сақлайди. Шу нарсаларнинг қўшилмаси воқеликдаги барча нарсаларни ҳосил қиласи. Ҳавонинг ўзига хос икки хусусияти, яъни мухабат, ишқ ва рақиб — алам бор. Бу ўринда, афтидан, Анаксимен ва Эмпедокллар таълимоти таъсир этган бўлиши мумкин. Тўғри, Бедилда бу масалага оид бевосита фикрлар борлигини учратмадик, лекин унинг асарларида Аристотелнинг «Ҳикмат» китобига философнинг муносабатини характерлаб берувчи етарли материаллар бор.

Бедилнинг ҳаво тўғрисидаги таълимоти шуни кўрсатадики, у ҳавони реал моддий борлиқ деб тушунади. Булар Ф. Энгельснинг Анаксимен ҳақида айтган фикрларини беихтиёр ёдимиизга туширишга мажбур этади:

«Милетлик Анаксимен ҳавони дастлабки нарса ва асосий элемент деб билади, унингча, ҳавонинг охири йўқдир (Цицерон, «De Natura Deorum», I, 10). «Ундан ҳамма нарса келиб чиқади ва ҳамма нарса унга яна қайтиб киради (Платон,

² Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 104-бет.

«De platicis philosophorum» [Философларнинг фикрлари ҳақида], I, 3). Бу ҳолда ҳаво, απρ=πνεόμα (нафас олиш, руҳ): «ҳаводан иборат бўлган жонимиз бизни тутиб тургандай, руҳ (πνεόμα) ва ҳаво бутун жаҳонни тутиб туради; руҳ ва ҳаво бир нарсанигина билдириди» (Плутарх). Руҳ ва ҳаво умумий муҳит, деб қаралади³.

Бедилнинг олам ҳаводан келиб чиққан деган қараши содда ва юзакидир; бундан ташқари, бу фикрларга теологик лиboslar кийдирилган. Бедил ҳавони худолаштиради, ислом дини томонидан худога берилган ҳамма сифатларни ҳавога⁴ хос деб кўрсатади, ҳаво табиатидан нозик буг («бухори латиф») — абсолют руҳ пайдо қиласди.

Бедил мутлақ руҳ тўғрисида. Бедилча, мутлақ руҳ илоҳий ҳам эмас, жинссиз ҳам эмас, мутьжизавий субстанция ҳам эмас, балки ҳаводан чиқадиган, яъни тупроқда пайдо бўлувчи, борлиқ нарсалар билан бевосита боғланган нозик буг—бухори латифdir.

Бедил бу нозик бугни илоҳий руҳ («нафси ракмон») ёки ҳамма нарсага таъсир қилувчи, сайёрий куч («корсия»⁵) деб аташ мумкин дейди. Бу масалада у изчил фикр юритмайди ва эҳтиёткорлик қиласди. Бедил мутакаллимларга бундай дея оларди: сизлар айтган илоҳий руҳни мен мутлақ руҳ деб атайман. Суфийларга эса у бундай жавоб қиласди: ҳамма нарсаларга таъсир қилувчи, сайёрий деб билган нарсаларингизни мен дунёнинг ҳамма ҳодисалари ва нарсаларида мавжуд бўлган нозик буг деб атайман.

Бедил руҳлар тўғрисида. Бедилча, ҳаводан келиб чиққан нозик буг — бухори латиф — тупроқда пайдо бўлади ва ғайри органик нарсаларда — табиий руҳ, ўсимлик дунёсида — наботот руҳи, ҳайвонот оламида — ҳайвоний руҳ ва кишида — инсон руҳи бўлиб, турли даражада шаклларда кўринади. Демак, у табиатни руҳлантиради ва гилозиизм позициясида туради.

Бедил ғайри органик материядан органик материяга ва туйғусиз, фикр қилмайдиган материядан туйғу ва фикрлайдиган материяга ўтиш масаласини чалкаштиради. Аммо, унинг Фикрининг моҳияти руҳни материядан, руҳни жисмдан ажратишга қарши қаратилган эди.

Бедил бундай деб ёзди:

«Гуфтугуи арвоҳ ва мисоли беруни эътибэроти жисмони муҳмаласт ва гири дори олами ажсом бе моддаи мисол ва

³ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси.. 147-бет.

⁴ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 104-бет.

⁵ Бедил. Куллиёт. Чор унсур..., 101-бет.

арвоқ маътал. Жисмро каблаз осори пайдои дар ҳақиқати руҳ мухтафи фаҳмидан аст. Чун қайфияти кўза дар гил ва руҳро баъдаз нашъяи зуҳур дар ажзои жисм мунзави дидан, чун сурати ҳаёл дар дил»⁶.

Маъноси: «Жисмлардан ташқарида руҳлар олами ва истиора бор дейиш нотўғридир. Жисмлар оламини мисол ва руҳларсиз тушуниш ҳам тӯғри эмасдир. Кўза қайфияти лойда бўлганидек, жисмларнинг келиб чиқишлиарида аввал руҳ ҳақиқатида яширин деб тушуниш керак. Ва хаёл суратлари мияда бўлганидек, руҳни келиб чиққанидан кейин жисмлар ичидаги кўриш лозим».

Бедил бу ўринда жисмларнинг бирламчи ва руҳларнинг иккиласмчилигини равшан кўрсатмайди, балки маълум дараҷада эклектизм, дуализмга йўл қўяди. Бироқ, биринчидан, руҳлар олами моддий дунёдан ташқарида мавжуд бўлишини инкор қиласди, иккincinnидан, руҳни инсон юрагидаги, яъни миясидаги суратларга ўхшатади. Бедил ўзининг шу фикрини материя ва шаклнинг ўзаро муносабатларини таҳлим қилишда ҳам равшанроқ баён қиласди:

«То ҳузури сувар ба жилва наёд, маънини ҳаюло мавҳум ва то ниқоби сар накушояд, иборати сувар номафҳум. Ҳаюлоро дар жаҳон суварии ботин ашкол будан аст ва суратро дар мартабай ҳаюло муаммое ҳоман қайфият кушудан. Агар ҳаюло ба бесурати мутассиф аст, сувар аз кужо межушад? Ва агар сурат аз либоси қудрат орист, ҳаюлоро ки мепушад?»⁷.

Маъноси: «Шаклларсиз материя маъноси кўринмайди. Материя пардани очмаса, шакллар ифодаланмайдилар. Материя шакллар жаҳонида яшириндир. Шакллар материяда имконият ҳолатидадирлар. Агарда материя шаклларсиз бўлса, шакллар қаёқдан келиб чиқадилар ва агар материя қудрат кийинидан яланғоч (ори) бўлса, шаклни ким кияди».

Шундай қилиб, Бедил материя ва шаклни бирликда олиб қарайди. Философ гул тупроққа, тупроқ ўз навбатида гулга материя бўлади, деб ёзди. Мирза Бедилнинг бу нуқтани назари Аристотелнинг шакл ва материянинг бирлиги ва уларнинг бир-бирларига ўтиши тӯғрисидаги таълимотини кўз ўнгимиизда гавдалантиради. Аммо Бедилнинг қараши Аристотель таълимотидан фарқ қиласди. Аристотель эса, шаклни актив бошланғич, материяни пассив ҳисоблаб, шаклларнинг шакли худо деб билди. Бедил ҳам мазмуннинг шаклга нисбатан устунлик ролини, шаклнинг мазмунга актив таъсирини

⁶ Бедил. Куллиёт. Нукот..., 19-бет.

⁷ Бедил. Куллиёт. Нукот..., 19-бет.

тушунмади. Демак, у шакл билан материянинг диалектик характердаги бирлигини ҳар томонлама очиб бера олмади. Аммо, Бедилда биз қўйидагича мисраларни ҳам учратамиз:

«Аввалин модда, охирин сурат,
Нест маъни берун ии сурат»⁸.

Маъноси: «Аввал материя, кейин шакл — сурат. Шу суратдан ташқари маъни йўқ, бўла олмайди».

Бедилча, материя ва шакл мавжуд бўлиб, улардан ташқари ҳеч нарса йўқдир. Лекин у бу фикрини кенгайтирмади.

Шундай қилиб, Бедил руҳ ва жисм тўғрисидаги масалани ўргана бориб, қўйидаги хulosага келди: 1) ҳаво — дунёни, борлиқни яратувчи биринчи асосодир; 2) ҳаводан мутлақ руҳ келиб чиқади; 3) мутлақ руҳ нозик буг (бухоро латиф) бўлиб, тупроқда пайдо бўлади; 4) руҳ материя учун шаклдир. Шакллар жисмлар билан чамбарчас боғланган. Бедил фикрининг энг муҳими шуки, у бир олам мавжуд деб иқорор этади, ва унда руҳ билан жисм материя билан шаклларниң ўзаро маҳкам муносабати борлигини кўради.

Бедилнинг борлик дунёга қарашлари, содда, юзаки, изчил бўлмаса ҳам XVIII аср муҳитида Шарқда прогрессив, илфор қарашлар деб ҳисобланмоғи керак.

* * *

Бедилча, ҳаво тўрт элементдан иборат бўлганидек, унинг маҳсали бўлган мутлақ руҳ — бухори латиф ҳам табиий руҳ, наботот руҳи, ҳайвонот руҳи ва инсон руҳи асосларини ўзида сақлайди.

Бедил ноорганик табиатнинг вужудга келиши тўғрисида фикр юритиб айтган эдики, ҳавода ер заррачалари тобора кўпая бориб, музлаган ва қаттиқ заррачалар (бўлакчалар)га айланадилар, заррачаларнинг оғирлиги эса ўзларининг ҳаракатсиз бўлиб қолишларига сабаб бўлади⁹. Заррачаларда ҳаво яширин ҳолдадир, уларда сўзлаш, фикрлаш бўлмайди. Ана шу музлаган ҳолатида ноорганик табиатнинг умумий (тошлар) ва хусусий (металлар, минераллар) жисмларни пайдо бўла бошлайди.

Бедилча, ноорганик нарсалар оламида ҳодисалар иккι хиллдир: муҳаббат, ишқ ҳамда рақибланиш — («алам»). Муҳаббат бирлаштирувчилир, у бирликка олиб келади, рақиб-

⁸ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 18-бет.

⁹ Бедил: Куллиёт. Чор унсур... 101-бет (варақа четига ёзилган):

ланиш эса жисмларни бир-биридан ажратади. Бедил бу қоидайи бальзи бир мисоллар билан курсатади:

«Чун таважжұхи оған ба миқнотис, хоҳ онро жазаба ба миқнотис шуморанд, хоҳ әхтиrozи оған ангорад»¹⁰.

Маъноси: «Масалан, темирнинг магнитга томон тортилиши. Бу ҳолни хоҳласалар магнитнинг жозибаси ёки темирнинг ҳаракати ҳисобласынлар».

Яна ғәзди:

«Чун рами симоб аз оташ, хоҳ оташ аз худ дур меронад, хоҳ симоб, ки аз оташ ру мегардонад»¹¹.

Маъноси: «Масалан, симобнинг оловдан қочиши. Бунда хоҳ олов симобни үзидан четлатсин, хоҳ симоб оловдан юз үгирсин, фарқ қылмайды».

Мұҳаббат үз жозибаси билан жисмларнинг бұлакларини құшилишга, рақибланиш, душманлик эса, үзидан четлатиш йули билан ажралышга сабаб бұлади. Демак, бу масалада Бедилнинг қараши машхұр материалист, қадимги олим Эмпедокл фикрига тұла мос келади.

Бедилнинг фикрича, жисмларнинг бир-бирига құшилишлари натижасида янги жисмлар ҳосил бұлади, бу янги жисмларда умумийлик ва хусусийлик бўлади. Масалан, ҳар бир металлнинг (темир, мис, олмос, Бедилча, олмос ҳам металл) айрим хусусиятлари бўлиб, улар бир-бирларидан үзларига хос белгилар билан ажралади. Бунда ҳар бир жисм бұлакчасида сезищ қобилияти борлиги кўринади. Бедил шундай мисол келтиради: пўлатни темир устига қўйилса, пўлат марварид даражасида акс этади, олмосни мис устига қўйилса, үзининг юмшоқлигини сезиб, парчаланиб кетади. Шунинг натижасида Бедил ноорганик табиатда сезги бор, аммо у яширин ҳолдадыр, деган холосага келади.

Хусусийланиш, яъни имтиёз¹² (индивидуация) янада ривожланиб ва чуқурлашиб боргани сари, тупроқ бұлакчаларидаги намликтин кучайиши натижасида ўсимлик дунёси вужудга келади, унда сезги, ҳис аломатлари янада тұлароқ курина бошлайды.

Ўсимлик дунёси турли-тумандир: унинг илдизлари — кучларининг намойиши, мевалари эса олтин зарраларининг нишонидирлар. Ўсимликлар сезищ белгиларига эга бўлиб, сув ва ёруғликка интиладилар. Бедил ажойиб ухшатишлар

¹⁰ Бедил, Куллиёт, Чор унсур... 101-бет (варақа четига ғана).

¹¹ Бедил. Куллиёт, Чор унсур... 101-бет (варақа четига ғана).

¹² Имтиёз — Бедил термини. СССР Фанлар академиясының кодреспондент аъзоси Е. Э. Бертельс бизга уни индивидуация деб таржима қилиш тұғрисида маслаҳат берди; бу түшунчада Бедилнинг фикрини яңа да аниқроқ ифода этади.

билан айтади: боғдами ёки чўлдами ўсимлик оловга эмас. Сувга интилади; тошлар орқали, қалин деворлар орқали бўлса ҳам, ёруғлик томон ҳаракат қиласди.

Бедил ўсимлика сезги борлиги ҳақида сўзлаб, қайд қиласди:

«Дида боши, ки дар ҳавои шито,
Навнидолон руста дар саҳро
Шаб зи печидаги ниқоб кунанд,
Субҳидам ру ба офтоб кунанд.
Асари иш зуҳур бекамукост,
Аз гули офтоб ҳам пайдост»¹³.

Маъноси: «Ҳаво салқип вақтда ўсимликларнинг саҳрода ўғсанини кўрган бўлсанг, кеч улар ўраладилар, гўё ниқобланадилар. Эрталаб эса қўёшга боқадилар. Бу ҳолни камчиликсиз гулиофтобпаст (кунга боқар) да ҳам кўриб бўлади».

Шу умумий белгилар (яъни сувга, ёруғликка интилиш) билан бирга, ўсимликларда хусусийланиш, фарқланиш (индивидуация, яъни имтиёз) деб аталган алоҳида белгилар ўсиб кучайиб боради, ўсимликлар дунёсининг жуда ҳам хилма-хил булиши шундандир.

Мирза Бедилнинг айтишича, ўсимликлар дунёсидаги фарқланиш, имтиёз натижасида ҳайвонлар ва инсонларнинг пайдо бўлишлари учун имконият туғилади. Бедил хурмо ўсимлигига ва «мардуми гиё»да ҳайвон ва инсон аъзоларига баъзи бир ухшашликлар бор, дейди.

Бедил тушунтирадики, сув ва тупроқ заррачаларида ҳаво — буг кўпайиб, ошиб кетса ҳайвонлар пайдо бўлади¹⁴. Бедил, ҳайвонлар танаси ва унинг аъзоларининг (юрак, мия, жигар, томирлар) вужудга келишини, қонларнинг ҳаракатини ва ҳоказоларни бирма-бир айтиб ўтади. Мия, юрак, жигар, томирлар — раислик қилувчи аъзолар («аъзои раиса»)-дир, ҳайвонлар дунёси буларнинг ёрдами билан сезади, ҳис этади. Ҳайвонлар сезги органларига эга бўлиб фикрлаш қобилиятига эга эмас.

Мирза Бедил, дастлаб илонлар, чумолилар, пащалар пайдо бўлганлар, сўнгра эса ёвойи ҳайвонлар ҳамда паррандалар пайдо бўлганлар деб тахмин қиласди. Демак, унинг нуқтаи назарича, дастлаб энг оддий, сўнгра эса мураккаб, олий типдаги ҳайвонлар вужудга келадилар. Афсуски, Бедил бу ажойиб фикрни тұла кенгтайтормайди.

Бедилча, ҳайвонларда хилма-хил ҳислар, яъни: ғазаб, сезиш, лаззатланиш ва ҳоказо ҳислар бор. Бу кучлар нормал

¹³ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 30-бет.

¹⁴ Бедил. Куллиёт. Чор унсур..., 102-бет.

даражада бирикканларидаи кейин инсон, одам пайдо бўлади. Демак, Бедил инсоннинг келиб чиқишини ўсимликлар ҳамда ҳайвоnlар дунёси туфайли деб тушунитирди; одамни умумий қобилиятга эга бўлган мукаммалроқ зот деб ҳисоблаиди.

Шундай фараз қўлмоқ мумкинки, Бедил инсонни ҳайвоnlар дунёсining узоқ даврлар мобайнида юз берган ўзгариши ва ривожланишнинг маҳсулни эканлигини содда бўйсада, ҳар ҳолда тушуна олган. У, дастлаб айиқ ва маймунлар, улардан кейин эса — одам пайдо бўлганилиги ҳақпда ёзади¹⁵.

Дунёнинг дастлабки асоси, негизи ҳаво — буғ эканлиги тўғрисида гапириб, Бедил ёзгаи эди:

«Баҳам овэрд хоку оташу об,
Қард шухи ба сурати одоб.
Жамъ то шуд жимод ном гирифт,
Раст эз онжо иабот жом гирифт
Ба равони расиду ҳайвон шуд,
Ба суҳан лаб кушуду инсон шуд»¹⁶.

Маъноси: Ер, олов ва сувни бирга қўшди, суратлантириди; ер, сув, олов қўшилишидан жамод — гайри органик табнат бўлиб, ундан наборот келиб чиқди. Ўсимликининг ривожи билан ҳайвон вужудга келди ҳам сўзлашникка ўрганиб инсон пайдо бўлди».

Шу тариқа, Бедил гайри органик табнат, ўсимлик ва ҳайвон дунёси ҳамда инсоннинг бир-бiri билан чамбарчас алоқаси, муносабати тўғрисида гапиради.

Бедилнинг юқорида айтиб ўтилган фикрларидан шуни билиш мумкинки, у ҳаётнинг ер юзида ўз-ўзидан келиб чиқканлиги тўғрисидаги назария позициясида турган; бироқ тўла равишда тушунарли сабабларга кўра, философ ҳаётнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳозирги замон илмий гипотезасидан узоқда бўлган. Муҳими шуки, XVII асрнинг охири-XVIII асрнинг бошларида қолоқ, феодал Шарқи муҳитида яшаган Бедил мутакаллим ва суфийларнинг олам ҳамда ер юзида ҳаётнинг келиб чиқиши тўғрисидаги диний-теологик қарашларини рад қилди ва ўша давр учун илфор бўлган идеялар томонида турди. Бундан ташқари, унинг таълимотида биз эволюционизм элементларини учратамиз.

Мирза Бедил ўзининг «Ирфон» поэмасида ҳаётнинг, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси ҳамда инсоннинг келиб чиқиши тўғрисида гапириб ўтади. У ўсимликлар, ҳайвоnlар ва инсоннинг бир-бирларига ўзаро қарамликлари тўғрисида ёзади, маҳсус қонун, хусусийланиш, индивидуация (имтиёз)

¹⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 113-бет.

¹⁶ Шу китоб, 29—30-бетлар.

қонуни бор дейди. Имтиёз қонуни натижасида ўсимлик дунёсида ҳам, ҳайвонот дунёсида ҳам ривожланиш бўлади ва янги нарса вужудга келади. Жуда ҳам ажойиб фикрлари ва жумбоқлари Бедилнинг феодал Шарқи муҳитида энциклопедик билимларга эга бўлганлигини кўрсатади.

Лекин, Мирза Бедил органик олам тўғрисида тұла эволюцион таълимот яратган эмас. Илмий текшириш олиб боргани баъзи кишилар Бедил шундай таълимот яратган, деб исботлашга уринган эдилар. Ҳаётнинг келиб чиқиши ва ер юзида ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсоннинг келиб чиқиши тўғрисида Бедилда тұла илмий таълимот бўлган эмас ва у вақтда бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

МИРЗА БЕДИЛНИНГ БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Мирза Бедил моддий дунёнинг абадийлигини ва унинг доимий узгариб туришини тан олди ва буни пантеистик йўл билан исбот этди, шу билан бирга, бу оламни инсон сезгиси ва билимининг манбай деб билди. У, мутакаллимлар ва суфий-мистикларнинг билиш муъжизали характерга эга, деган таълимотини рад қилди. Тўғри, бу масалани тушинтиришда у теологик ва диний-спекулятив терминларни ҳамда қоидаларни ишлатди. Аммо, Бедил таълимотининг моҳияти мутакаллимлар ва суфий-мистикларнинг ортодоксал фалсафасининг идеалистик ҳамда реакцион қарашларига тубдан қарама-қаршидир.

Мирза Бедил, фан — оламни текширади, ҳар бир нарса ҳақида билим беради, инсон фаолиятининг ҳамма соҳала рида қулланма булиб хизмат қилади, дейди. У бундай дейди:

«То нагири зи илм хома бадаст,
Сурати ҳеч чиз натавон баст.
Ғайри илм он чи карданат, рақам
Нест жуз жаҳлу жаҳл жумла адам,
Илм ҳаржо кафили тадбир аст.
Ғолибият далели таъсир аст»¹.

Маъноси: «Бу мисраларда Бедил фан толибини рассомга ұшшатади ҳам фанни қаламга ташбек қилади. Рассом қаламсиз ҳеч бир нарсанинг суратини чиза олмаганидек, илмсиз киши ҳам ҳеч бир нарсанинг суратини — ҳақиқатини била олмайди. Илмсиз билғанларнинг нуқул жоҳилликдан иборатдир. Илм ҳар ерда тадбирнинг кафилидир, ғалаба таъсиривияг далилидир».

Илмнинг аҳамиятини гапириб туриб, Бедил илм ҳар бир ишнинг далили бўлиши керак, деб кўрсатади ва унда илоҳийлик борлигини айтади. Бу ўринда философ яна схоластика ва дин тузогига тушади.

Бедил фанни тарғиб қилиш билан бирга, энг аввал фалсафа, геометрия ва медицина билимларини кўзда тутди ҳам-

¹ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 21-бет.

да бу билимларниң әркін тараққиң этишини истади. Фан дунёning ҳодисалари, нарсалари түргисида бизга ишончли билимлэр беражагига шубҳа қилмас эди, шунинг учун ҳам у инсон бахт-саодатини фанни үрганишда деб биларди.

«Мағз шуд қашир агар ба жаҳл қашид,
Қашир мағз аст чүн ба илм қашид.
Ҳарки шамъаш зи илм дар гирад
То абад доғи марг напзирад»².

Маъноси: «Жаҳолатликка берилса, дон айланур пұчоққа, ва аксията, илм-маърифат ила пұчоқ айланур донга. Қимки фан соҳасида ёқар экан шъам, унинг номи яшар абадий».

Бедил, фанни әгаллашгина етмайды, деб ҳисоблайди ва илмни амалий иш, ҳаёт билан боғлашни талаб қиласы, илм ҳаётда ўз натижасини күрсатсын, дейди. У «бе амал, илм бори дил аст», яғни: амалий иш билан, тақриба билан боғланмаган илм — кишининг юрагига, ақлиға фақат оғирлик юклаб туради, дейді.

Демак, Бедил ўз замонасииң маърифатпарвари сифатида илмий фикрларни ривожлантириш ва уларни турмушга татбиқ қилиш идеясини пропаганда қилди. Шу асосда у билиш назариясини яратды, ҳис, тушунча ва ақл масалала-рида ўз нұқтани назарини баён қилды.

Философ, билишнинг бириңчи босқичи ташқи моддий борлық таъсири билан ҳосил бўлувчи ҳислар, туйғулар билан боғлиқ эканлигини ёзди ва ҳидлаш (шома), куриш (бинои), таъм туйғуси — маза (зоиқа), эшитиш (шунидани) ва тери сезиши — пайпаслаш (ломиса) чинг хизматларини бирма-бир сўзлаб берди.

Ана шу сезги органларига ташқи дунёниң таъсири на-тижасида инсонда сезиш, ҳис бошланади, сұнгра эса тасаввур, фикр (хаёл) пайдо бўлади.

Бедилнинг фикрича, сезги, тасаввур ва фикрларниң манбай инсондан ташқари яшовчи обьектададир.

«Ғайре то дар назар муқобил нест,
Ҳеч касро шуур ҳосил нест»³.

Маъноси: «Назарда, кўз олдида бошқа нарса бўлмаса ҳеч кишида тасаввур ҳосил бўлмайди».

Демак, инсон тасаввур, ўйлаш, тушунча ҳосил қилмоғи учун, унинг олдида бирор бошқа нарса бўлмоғи лозим. Бу бошқа нарса-объект унинг билиминиң манбай ҳисобланади.

² Бедил. Қуллиёт. Ирфон., 103-бет.

³ Бедил. Қуллиёт. Ирфон., 38-бет.

Бедилнинг ана шу нуқтаи назари Аристотелнинг сезги манбай тұғрисидаги таълимотини ва шу таълимот тұғрисида В. И. Лениннинг айтганини эслатади. В. И. Ленин айтган әди: «Гапнинг туб маңноси «ташқарыда»— инсондан ташқарыда, ундан мустақил ҳолдадир. Бу — материализм»⁴.

Аристотель сингари, Мирза Бедил ҳам, сезги объекти инсондан ташқарыда мавжудлигини ва у инсоннинг онгига бөглиқ әмаслигини икрор қилди.

Бу материалистик концепцияни Бедил үзининг «Чор үнсур», «Ирфон», «Нукот» асарларида баён этди.

«Шома инжо бағайри бу нағузид,
Чашм агар дид, ғайри ранг надид.
Камулаб рехт бар шаробуғизо,
Гүш нақшуд жуз ба савту садо.
Ғайр аз ин он чи хаёл ори,
Бегумон зур бар муҳол ори.
Ташна ҳаржост об меҳоҳад.
Масти ыур офтоб меҳоҳад»⁵.

Маңноси: «Хидлаш исни, күз рангни, ком ва лаб таомни, қулоқ товушни таңлаб олади. Булардан бошқа инманки хаёл-фикрда күрмоқчи бұлсанг, беҳуда зүр урган бұласан. Ҳар жойда чанқаган сувни, нурга муҳтож қуёшни хоҳлади».

Бедил инсон билишини ташқи ҳис, сезги билан чегарала-майды, балки ақлнинг хизматини, аҳамиятини күрсатып, үз фикрини яна кенгайтиради. Бироқ, бу масалада ҳам Бедилда изчиллик бұлмайды ва суфий-теологик қоидалар учрайди. У сезгидан фикрлашга үтиш масаласини чалкаشتыради. Бедил инсон томонидан табиатни билишнинг диалектик характерини тушиниш даражасигача күтарила олмади. Маълумки, «Материядан онгга үтишгина әмас, балки ҳислардан фикрлашга үтиш ҳам диалектикар»⁶. Биз, оламни билишда фикрлашнинг ролини тұғри тушиниш Бедилда бутунлай бұлмаган, деб ҳеч қағон айта олмаймиз, аксинча, фикрлашга қанчалик катта аҳамият берганлигини исботловчи унинг муҳим күрсатмалари борлигини таъкидлаб үтиш мүмкін.

Бедилча, ҳислар орқали объектдан олинган сезгилар сөхинде сақланиб, онг (акл) ойнасида аниқланади.

Бедил ақлни, онгни худди ойнага, худди тоза доскага («tabula rasa»га) үхшатади, унда ташқи ашёлар үз изларини қолдирадилар, үз суратларини, образларпни ясайдилар, шу туғайли миямизды фикрлар туғилади.

⁴ В. И. Ленин, Фалсафа дафтарлари, М., 1936 й., 292-бет.

⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 81-бет.

⁶ В. И. Ленин, Фалсафа дафтарлари, 289-бет.

Мирза Бедил араб фалсафасида кўтарилган жиддий ва чалқаштирилган муаммони, яъни Шарқ ва Farb — жабулқо ва жабулсо муаммосини ўз нуқтаи назари билан таҳлил қилди ва ечди.

Ибн Арабий руҳлар оламини Шарқ, нарсалар оламини, инсон танини эса Farb деб атаганини юқорида курсатиб ўтган эдик. Шарқдан, нур сингари, руҳ чиқиб Farbга, одам танига инадилар; киши вафотидан кейин руҳ Farbdan чиқиб, яна Шарққа қайтиши керак. Демак, Ибн Арабий бу муаммони идеалистик, мистик йўл билан ҳал қилгандир. Бедил масаланинг бу тахлитда қўйилишига норози. У айтади: «Килки вузуҳи силки Бедил оина дар муқобил мегузарад»⁷.

Яъни: «Бу ҳақда Бедил қаламининг аниқлиги оипа бўлади».

Бедил сезги — ҳис ва англаш оламнинг инъикоси деб тасвирлаб, билишни қўёшга ўхшатади. Мана шунга биноан у, фикрнинг икки хил томони, даражаси бор, дейди; бирини жабулқо (Шарқ), иккинчисини жабулсо (Farb) деб атайди.

Бедилнинг фикрича, нарсалар олами билан бевосита боғланиш сабабли ҳосил бўлган фикр узлуксиз фикр, бир-бирига алоқадор фикр, яъни Farbdir.

Нарсалар оламидан олинган ва онгда мустаҳкам ўрнашиб олган турли хил даражада аниқликка эга бўлган ҳамда моддий дунё билан алоқасини бевосита узган фикр эса. Қатъий ва ечилган фикр, яъни Шарқ деб аталади.

Қисқа қилиб айтганда, Бедилча, жабулсо сезиш процессини, фикр пайдо бўлишини, жабулқо эса — қатъий фикрни, қатъий, аниқ тушунчани билдиради.

Бу ўринда Бедил билишнинг ҳиссий ва рационал-фикрий моментларини бирликда олиб қарайди. Бу жуда муҳимдир. Философда билишнинг ҳиссий ва рационал моментларининг бирлиги масаласида жуда ажойиб мулоҳазалар бор:

«Maқsud az сайри гиребон, ба фикри таҳқиқи жуд афтодан аст, на аз саргарниҳои беҳисси дарди сари зону додан, ва муддаои тааммул ба куни маъни ворасидан на ғубори мижгон бар фарқи биниш пошидан. Маънини тафаккур ғаври ашъё аст ва ҳақиқати ашъё ба қадри арази сувари чеҳракушо. Дар ин тамошокада ба фусуни хоб бар табиат набояд гумошт ва ба фиреби тафаккур домани шуҳуд аз чангি фурсат набояд гузошт»⁸.

Маъноси: «Ёқага қараб термулиб ўтиришдан мақсад ҳис этмаслик ва тизза оғритишилик эмас, балки ўз фикрингни

⁷ Бедил. Куллиёт. Чор унсур..., 105-бет.

⁸ Бедил. Куллиёт, Нукот..., 17-бет.

таъқиқ этишдир. Мұхокамадан тилак — киприк чангларға билан күрнешін — қоронғилатиш, ёпиш әмас, балки туб маңынни англашдир. Тафаккурнинг маңынси ашёниң — нарсаннинг тубига — негизига этишдадир ҳамда ашё — нарсаннинг ҳақиқати сураттар — шаклларда курсатылыштыр. Бу тамоша жойыда (дунёда — И. М. Мұминов) хаёлий сүзлар билан уйқуни табиатта ҳукмрон қымаслик керак (яғни табиатны ҳаракатсиз бир нарса деб билмаслик керак) ва тафаккур фриби билан борлық этаги фурсат чангалидан чиқазилмаслиги лозим».

Бу маслада Бедил суфий-мистикларни танқид қиласы; улар олам воқелигини кузатылышдан четланиб, ўз-үзидан хаёлга чўмиш, тиз чўкиб ёқага термулиш билан шуғулланылар; Бедил уларга қарши улароқ, оламни кузатышни, нарсалар дунёси ҳақида мушоҳада юритишини талаб қилди.

Бедил яна фикрлашнинг моҳиятини инкор қилиб, фақат биргина мушоҳадага, ҳисга берилиб кетғанларни танқид қиласы. Кўзни чанг билан, яғни кузатыш билан ёпиб қўйиш керак әмас, деб таъкидлайди. Бундан Бедилнинг ҳис билан фикрни биргаликда караб чиқишига ҳаракат қилганлиги куринаади.

Бундан ташқари, философ сезги, тасаввур, тушунча, ақын табиатда, оламда ўз манбаларига эгадир, деб аниқ ва равшан сўзлайди. Бироқ, Бедилча, ақлнинг бошқа манбалари ҳам бор; бу — онг қобилияти, ақл қобилиятидан иборатдир, ва инсоннинг ҳақиқий билими ақл ёрдами билангина мумкиндир.

Бедил ўз замонасининг шароитларига бўйин эгди, бу масалада мутакаллимларни танқид қилган бўлсада, лекин диний-теологик идеялар таъсиридан бутунлай холос бўла олмади.

Маълумки, руҳонийлар имонга эътиқодни биринчи ўринга, ақлни эса иккинчи ўринга қўядилар. Бедил бунга қарши ўлароқ, ақлни юксакликка кўтаради. У шундай ёзган эди:

«Имони беакл чун жавҳаре бе оинаи нақше аст мавҳум, ва ҳаёни бехирад чун оби бечашма саробе маъдум»⁹.

Маңынси: «Ақлсиз имон худди ойнасиз жавҳардай асоссиз (мавҳуми) йўқ нақшдир, ва ақлсиз ҳаёни худди манбаи бўлмаган сув каби маъдум — йўқлиқдир».

Мана шу фикрларга асосланыб, Бедил саҳијлик ва қарарни маҳтайди, баҳиллик ва тубанликни танқид қиласы. У камтарлик, ҳаёни ҳақида завқ билан ёзади, такаббурлик ва кибирликка нафрат билан қарайди. Бедил тарбия, аҳлоқ

⁹ Бедил. Қуллиёт. Чор унсур., 71-бет.

масалаларига доир жуда мұхим идеялар берди. Лекип у үзининг шу фикрларини, масалан, «Ал-ҳаёто минал имон» яғни: «Ҳаё — имон белгиси» деган ҳадислар билан қувватлашып интилди.

Бедил яна давом этиб, ақл, ҳаё ва имоннинг келиб чиқиши илохийдир, дейди. Бу масалада у яна адашади, уни диний-идеалистик йўл билан тушунтиришга уринади ва билиш соҳасидаги үзининг асосан материалистик қарашларидан очиқдан-очиқ орқага қайтади. Аммо, ўз асарларининг бошқа бир жойида Бедил инсоннинг руҳий фаолияти унинг организмининг соғлиғига ва унинг овқатланишига боғлиқ, деб аниқ курсатиб ўтади. Бедил бу идеяни қуйидагича информдалади:

«Руҳи мутлақ ба арзи донишу фан,
Ноз дорад ҳамон ба қувати тан.
Қувати тан саломатин аъзост,
Ки ҳаворо дар он тасарруфҳост,
Дар саломат агар футур афтад,
Қудраташ аз камол дур афтад»¹⁰.

Маъноси: «Тан қувватида руҳий мутлақ кўринади. Тан қуввати тан саломатлигидир. Унда ҳаво бор. Агар саломатликка зарар етса, руҳнинг қудрати ҳам, камоли ҳам зарарланади».

Кўриниб турибдики, Бедил фикрича, инсоннинг руҳий фаолияти инсон танининг соғлиғига боғлиқдир. Бедил бу масалани тўғри ечишга яқинлашсада, лекин бунга содда қарайди ва мулоҳазалари юзакидир.

Бедил нуқтаи назарича, инсонда уч хил куч бор: 1) жисмоний куч, 2) ақлий куч, 3) руҳий куч.

Бу ўринда ҳам Бедил турли хил спекулятив қоидаларни ишлатади, албатта.

Шоирнинг тасаввур қилишича, жисмоний кучнинг далили инсоннинг ҳаракати, меҳнат қилишидир; ақлий қувватининг шоҳиди — инсоннинг билим олиши; руҳий кучнинг белгиси — инсоннинг бир, якка-ёлғиз худони билишга уринишидир. Мана шу барча кучлар тан соғлиғига, нормал овқатланишига боғлиқдир.

Бедилнинг инсон кучини жисмоний ва руҳий қисмларга бўлиши аниқ эмас; бу кучлар тан соғлиғига, овқатланишига боғлиқ, деган фикр тўғри бўлсада, аммо юзаки, содда бир томонлама бўлиб, билиш назариясига фақат физиологик томондан яқинлашишдан иборатдир. Бедил инсоннинг руҳий фаолиятини тарихий ва социал ҳодиса сифатида қараб чиқ-

¹⁰ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 111-бет.

майди. Бироқ, шунга қарамасдан, Бедилнинг мазкур фикринг моҳияти мистик суфийларга қарши, тарки-дунёчилик ва дарвишликка қарши қаратилгандир.

Инсоннинг жисмоний ва руҳий кучлари киши организмининг соғлиғига, соғлиқ эса — нормал овқатланишга боғлиқ, деб фикр баён қилған Бедил, бундай деб ёзди:

«...Нормал овқат ейилмаса, бу кучлар қувватсизланади, меҳнат қобилиятини йўқотади. Масалан, тарки-дунё қилгандар, мистиклар, гадой руҳонийлар ўзларини азоб-уқубат чекишга багишлийдилар, ўз таналарини мурдага айлантириб, бу дунёдаги ҳамма ноз-неъматлардан воз кечадилар, ана шулар натижасида уларнинг руҳлари сұнади, бундай кишиларнинг кўз олдиларида ҳар хил афсонавий нарсалар — парилар, жинлар гавдаланадилар, бунинг натижасида улар ақлдан озадилар, жинни булиб қоладилар, худди ёғи азайиб бориб бирдан ялт этиб сўнгра ўчиб қолувчи шаъм сингари учадилар»¹¹.

Бедил айтади: «Агар ҳуш аст бояд фаҳмид, ки гайр аз ашъёи маҳсуси муайян, ҳарчи дар хаёл партавандозад, воҳимаи савдоест ва хилофи қондай оғоқ, он чи дар назарҳо ташаккул ёбад, ғубори бинои».

Биз бу текстни «Нукот» китобидан кўчирдиқ, лекин китобда бу текстнинг баъзи хатолари бор. Масалан, «ваҳима» деган сўз ўрнига «ҳама» ёзилган, «оғоқ», «ғубори бинои» каби сўзлар бутунлай йўқdir.

Бу хатоларни мазкур текстни Бедилнинг «Рукоат» китобидаги бошқа текст билан солиштирганимизда аниқладик. Тўгри, кейинги китобда ҳам ноаниқлик бор, лекин асосий маъно ҳар иккала текстда ҳам биттадир.

Юқорида кўчирилган парчанинг мазмuni қўйидагича: «Онгли одам шуни билиши керакки, Фикрда муайян, белгили нарсаларнинг нурлари — акс-инъикосларидан бўлак кўрингандарнинг ҳаммаси тентаклик оқибати ҳам борлиққа ва қоидага хилоф ва тескаридир».

Мана шу йўл билан Бедил парилар, жин ва ҳоказоларга ишонишни инкор ва рад қиласди. Маълумки, турли хил руҳларга, шайтонларга ва ҳоказоларга ишониш Бедил замонасида ва ундан кейин ҳам кенг ёйилган эди. Ислом ва унинг тарафдорлари ҳалқни зулмат ва жаҳолатда сақлашга уриниб, бу хурофотларни жон-жаҳдлари билан жорий этиб келдилар. Бедил, ваҳдати-мавжуд идеяларига асосланиб, изчил бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда пари, жин ва ҳоказоларнинг мавжудлигига ишончни, эътиқод қўйишни танқид қилди.

¹¹ Бедил. Куллиёт. Нукот..., 4-бет.

«З-онъки норист халқи жину-пари,
Малак аз жинси унсур аст бары
Нориен чүп ба нур муттасиланд,
Малакуты чаҳони обу-гилаанд.
Малакут он ки дар назар нояд,
Чеҳра жуз дар хаёл накшояд»¹².

Маъноси: «Оловдан иборат жин, парилар халқи, малика — фаришталар гайри чин унсурдандирилар. Муттасил нурлардан мураккаб бўлғани каби фаришталар ҳам жаҳоннинг гули, сувидирлар. Фаришталар кўз олдида эмас, балки хаёлдагина чеҳраланиб кўринадилар».

Бедил жин, фаришталар қўрқиши ва ҳаёл маҳсулидир, ундан бошқа эмас, деб янада аниқроқ фикр баён қиласиди. Шундан билинадики, Бедил Шарқда жуда кенг тарқалган пари, жин, фаришталар ва ҳоказолар тўғрисидаги мистик идеяларни инкор этган.

Ўз-ўзидан маълумки, Мирза Бедил жинлар, фаришталар ва умуман динга ишонишининг социал негизларини очиб бермади ва очиб бера олмас ҳам эди, шунинг учун ҳам унинг динни танқид қилиши содда ва маърифат тарқатиш характерида эди. Бедил, Алишер Навоий каби, рационалист эди. У ҳақиқий билиш — ақл, тафаккур йўли билан ҳосил бўлади, деди.

Мирзанинг инсон тафаккурининг құдратига қаттиқ ишотиши, масалан, унинг куйидаги мисрағларида ифодаланган:

«Маънини тафаккур ғаври ашъест»¹³.

Маъноси: «Тафаккурининг маъноси ашёнинг тубнга етишдадир».

«Тафаккур маънини асрор фаҳмид,
Тааммул пушту руи кор фаҳмид»¹⁴.

Маъноси: «Тафаккур сирларининг маъносини тушинди, ўйлов-муҳомма ашнинг бошланиши ва натижасини англади».

Ва яна:

«Қас надид он чй ақл нанамояд,
Баста аст он ки ақл накшояд»¹⁵.

Маъноси: «Ақл кўрсатмаганини киши кўрмади. Ақл очмаган одамга ширин бўлиб қолди».

Бедилнинг бу ҳикматли сўзлари Алишер Навоийнинг инсон ақлинини құдратни тўғрисидаги чуқур маъноли идеясини беихтиёр эслатади:

¹² Бедил, Куллиёт. Ирфон..., 31-бет.

¹³ Бедил. Куллиёт. Нуқот..., 4-бет.

¹⁴ Бедил. Куллиёт. Тилисми ҳайрат..., 34-бет.

¹⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 162-бет.

«Деди: ҳар ишқи қылмыш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод»¹⁷.

Шундай қилиб, Мирза Бедил пантенізм — вахдати-маржуд позициясыда маңкам туриб, үзининг билиш назарияси асосларини баён қилди. У, моддий дүнё инсон билишининг манбасы эканлигини, фикрлаш эса, мавжуд, конкрет парсаларниң ишъикосидан иборатлигини иқор қилди ва пантенетик йўл билан исботлади. Бедилча, инсоннинг руҳий фаолияти инсон танининг соғлигига, инсон соғлиги эса, нормал овқатланишга боғлиқдир.

Бедилнинг бу барча содда, бир томонлама, аммо материалистик қоидалари, фикрлари суфий-теологик шақлларда ифодаланди ва ҳозиргача фан соҳасида маълум бўлмай келди. Мирза Бедил билиш процессларини ҳақиқий илмий асосда англаш, тушуниш даражасигача етмаган бўлсада, лекин феодал Хиндистон муҳитида, мусулмон фанатик руҳонийларининг чексиз диктатураси вақтида у инсон тафаккурини куйлай олди ва билимларнинг барча тармоқларини эркин тараққий қилдириш учун кураша билди.

¹⁷ А. Навоий. Ҳамса, литогр. нашри. Тошкент, 1901 йил, 184-бет.

ТАҚДИР ВА ТАНОСУХ НАЗАРИЯЛАРИНИНГ БЕДИЛ ТОМОНИДАН ТАҢҚИД ҚИЛИНИШИ

Эркинлик ва зарурият масаласи Шарқ фалсафасида мұзим ахамиятга этаға эди.

Мутакаллимлар ёки ашаритлар шахс әрки ва табиатдаги обьектив заруриятни, қонуниятларни тамоман рад қылдилар. Үлар инсоннинг барча ҳаракатларини, ҳатто одамнинг тепи-ниб-қоқиниб кетишини ҳам худонинг иродаси, худо амри, тақдирдан, деб түшнитидилар. Ашаритларнинг таълимотика, «...худонинг иродаси фақат оламни яратып қолмасдан, балки бүтун ҳодисаларга тұхтосиз ҳам бевосита таъсир қилади. Ҳар қандай бир вөкөа худонинг алохіда амри билан бўлади»¹.

Ашарит-мутакаллимларнинг тақдир тұғрисидаги бу таълимоти Ҳиндистон, Афғонистон, Үрта Осиё ва Шарқнинг бошқа мамлакатларида кенг тарқалди. «Тақдирдан қочиб бўлмайди», «Тақдирдаги бўлади», «Пешонангга нимаики ёзилган бўлса, шуни құрасан» каби тушунчалар кўп асрлар давомида руҳонийлар томонидан тарғиб қилиниб, кишилар онгига сингдирилди. Маълумки, бу таълимот инсонни ҳар қандай ғайрат ва активликдан маҳрум қилади, диндорларни руҳонийларга итоатли қул қилиб боғлаб берди. Тақдир (таваккал) назарияси ҳамма вақт золимлар манфаати учун хизмат қилди.

Фалсафада тақдир назарияси тұғрисида кучли курашлар бўлиб үтди.

Қуръон тарафдорлари ислом динининг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида тақдир назарияси тұғрисидаги таълимотга тузатишлар киритмоқчи бўлдилар. Шуни айтиш керакки, агар тақдир тұғрисидаги ақидаларга изчил эътиқод қўйилса, қўйидагича үзига хос хуносага келиш мумкин: агар инсон ўз ҳатти-ҳаракати билан әркін бўлмаса, демак, у ёмон феъли автори учун үзи эмас, балки худо айбдор. Фаззоли, дин учун ноқулай бўлган ана шу «ҳол»ни тузатиш ва ҳас-пұслаш

¹ История философии., I т., 438-бет.

ниятида иш олиб борди. Фаззоли, Августин каби, худо бирвларни роҳатда, бошқаларни азобда турмуш ўтказишга азалдан маҳкум этган, кишилар ундан қочиб қутила олмайдилар, улар худо амрини бажо келтиришлари зарур, шайтон йўлларига кирмасликлари керак, дейди. Шундай қилган инсон ўз ҳаракатида эркиндир. Фаззоли «Кимёй саодат» асарида апа шундай деб ёзди.

Машхур шоир Ж. Румий ҳам тақдир таълимотини тузатиши мақсадида ўзига хос йўл билан кураш олиб борди. У ҳам, Фаззоли каби, гақдир назариясига идеализм позициясида туриб яқинлашади. Демак, бу философлар тақдир таълимотини ўнгдан туриб танқид қилганлар.

Фан, фалсафа ва адабиётнинг тараққийпарвар намоёндадлари, эркин фикр юритувчилар, мутазилачилар, перипатетларнинг ҳар бири ўзича — инсон иродасининг эркинлигини исботладилар ва одамлар фаолиятининг фойдали бўлиши учун курашдилар. Масалан, машхур прогрессив араб мутафаккири Ал Кинди (IX аср), буюк Ибн Сино (XI аср) тақдир таълимотини танқид килиб, инсон иродасининг эркинлиги тўғрисидаги ўз қарашларини исботлади.

Мирза Бедил бой тарихий-фалсафий материалларни, турмуш тажрибаларини ўрганиш асосида тақдир назариясини Шарқ фалсафаси доирасида сўлдан туриб анча ўткурроқ танқид қилди. У зарурятни эътироф этди, эркинлик түғрисидаги ўз таълимотини исботлади, шу фикрларини борлик ҳаётдан олинган мисоллар билан мустаҳкамлашга уринди. Бироқ, Бедил ўз замонасига тан бериб, зарурятни коинотнинг қонуниятларини худо иродасининг шуълаланиши деб ҳам билди. У шундай деб ёзди:

«Яъне эҳтиози одам ва ҳайвонто ҳаракоти заррот имкони табиист. Машъари асрор иродати авло, ки ихтиёри ҳеч якеаз ин афрод басттар афшод забти ахфои он барнамеояд ва бе инқитои силсила қудрати ҳамаро дар пеши худ муҳтор доми намояд»².

Маъноси: «Одам ва ҳайвонларнинг қимиirlашларидан то зарраларнинг ҳаракатигача ҳаммаси табиий ҳодисалардирларки, оллоҳ иродасининг сирларига ишорадир, буларнинг ҳеч бирининг эҳтиёри у сирларнинг устини ёпа олмайди ва маҳфийлик ҳолатида тута олмайди. Бу қудрат занжирининг доимийлиги ҳар бир киши ва нарсани ўз олдида муҳтор (эрк эгаси) курсатади».

Мирза Бедил объектив зарурятни ҳамда борлик дунё-қонунийлигини икрор қилади, ғайри органик ва органик та-

² Бедил. Куллиёт. Чор унсур., 100-бет.

биатда, ўсимликлар ва ҳайвоилар оламининг барча қисмларида ҳамда инсон ҳаракатида заруриятининг мавжудлигини баён қиласди. Бироқ, Бедил бу масалада, маълум даражада, мутакаллимлар ва сүфийлар идеясининг тузогига тушиб қолади, чунки табиат зарурияти ва қонуниятини худо иродаси сирларини изҳор қилувчи, деб ҳам тасавур қиласди.

Бедил табиат зарурияти ва унинг қонуниятлари тўғрисидаги ўз фикрларини мисоллар билан намойиш қиласди ва бу ҳақда жуда қимматли фикрлар баён қиласди. У ёзади:

«...Маълум бўлсинки, жисм-нарсалар таркибида заррачалар (қисмлар) ўзгариб туради, натижада янги нарсалар келиб чиқади, бу ҳайратга соловчи сирли ҳодиса зарурият ҳукми билан бўлади, бу зарурият нарсаларнинг ўзида ва уларнинг ўзаро муносабатларида мавжуддир. Масалан, ёғ, пилик ва олов бирлашиб, зарурият ҳукми билан ёруғлик беради. Узоқ вақт яшаш ва овқатланиш натижасида ҳайвоилар қорнида тошчалар тупланади, бу ҳам эҳтиёсриз, зарурият орқасидандир. Буғланиш туфайли ёмғур ёғади ва ҳоказолар»³.

Юқорида зикир қилинган сўзларда Бедил оригинал ва ажойиб идеялар баён қиласди. Бедилнинг фикрича, зарурият табиатнинг ўзидан, жисмларнинг ўзаро боғланишларидан келиб чиқади. Бедил янги нарсалар ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини нарса булакчалари — заррачаларнинг бир-бирларига қўшилишларидан деб тушинтиради. Философнинг бу фикри шунинг учун ҳам қимматлидирки, у ўзининг шу фикрини XVIII асрнинг бошида мусулмон Шарқида феодализм, ислом дини мутлақ ҳукмрон бўлган бир шароитда шакллантириб баён қилди.

Мирза Бедил инсоннинг табиат заруриятига итоат этишини равшан ва аниқ сўзлайди. Ўз фикрининг тўғрилигини исботлаш учун у қуйидаги мисолларга мурожаат қиласди: «Агар борлиқни тартибга солишга инсон эркин, яъни муҳтор бўлса эди, ўзига нуқул фойдалиларни қабул этиб, заарарлиларни рад қиласди, ўзини касалдан сақлар эди ҳам саломатлигини ўлим ва ҳалокат чангалидан кутқарар эди⁴.

Мирза Бедил зарурият билан тасодифнинг ўзаро муносабатлари юзасидан ҳам фикр беради, лекин у тасодифнинг объектив характердалигини инкор этди.

Бедил, қадимги Юнонистонда ўтган машҳур материалист Демокрит сингари, тасодифнинг объектив характердалигини, табиат ва жамият тараққиётидаги зарурият билан тасодиф-

³ Бедил. Куллиёт. Чор унсур., 100-бет.

⁴ Бедил. Куллиёт. Чор унсур., 100-бет.

нинг диалектик бирлигини тушинмади ва тушина олмас ҳам эди.

«Авлиёлар» қила оладиган мұжизалар ҳақидаги афсоналар Шарқда әңг күп тарқалған бўлиб, Бедил ўз асарларида бу афсоналарга қарши курашди, у зарурият борлигиниң иккор қилиш тушинчасини ҳамда тасодифнинг объектив ҳарактердалигини инкор қилиш тушунчасини ўзининг авлиёларга қарши олиб борган кураши билан боғлади. Философ инсонни «авлиёлар» вахмидан озод этмоқчи бўлади. Ҳумо, бойкуш тұғрисидаги ҳикояларни сұзлаб, улар мисолида тасодифға ишонмасликни тарғиб қиласди.

Шарқ халқтарининг эътиқод қўйишларича, Ҳумо қуши инсонга иқбол ва давлат келтирад, кимгаки Ҳумо қуши соя солса шоҳ бўлур, бойкуш эса, аксинча, оғат ва баҳтсизлик келтирад эмиш. Бойкушда қўрқинчли ва сирли кучлар бор эмиш. Мирза Бедил бу мистик афсоналарни борлиққа, воқе-ликка қарама-қарши тасодифий ҳол, деб рад қиласди, у фагат табиат заруриятини иккор қиласди.

Бедил табиат зарурияти тұғрисида гапириб, инсон ўз ҳатти-ҳаракатида маълум даражада эркиндин, деб фикр баён қиласди. Тұғри, Бедил эркинликни заруриятни билиш даражасыда аинглай олмади. Маълум ҳолларда писон иродасининг эркинлиги ҳақида ўз нуқтаи назарининг тұғрилигини исботлаб, Бедил қуйидаги мисолни келтиради:

«Бир ҳасисининг бөғи бор эди. У олмазор эди. Бир вақт шу олмазор боққа бир қарға қўнди, бир олмани олиб осмонга учди. Буни ҳасис бөғбон кўриб қолди ва қарғага қараб, қарға учган томонға чопди ва югуришидан иатижа чиқмагач, ўзини қудукқа ташлаб ҳалок бўлди»⁵.

Бу ҳикоядан Бедил қуйидаги хулосанни чиқаради: Ҳоҳ мотам, хоҳ шодлик сот, ўз ишингнинг чорасини ўзинг кўришинг керак, ўз касалингга марҳамингни ўзинг сарф этишинг лозим.

Мирза Бедил табиат қонуниятларнин түшитириб, заррачалар ҳаракатидан торғиб то ҳайвон ва инсон юришларигача табиийдир, ҳамма нарса зарурият қонунияга бўйсундирилгандир, дейди. Бироқ, унинг Фикрича, шу зарурият билан бир қаторда имконият ҳам мавжудлар, ҳар бир кишининг эркинлиги мавжуд имкониятда келиб чиқади. Масалан, одамнинг нафас олиши, озиқланиши ва ҳоказолар заруриятдир, бундан киши қочиб қутыла олмайди, шунингдек кишиннинг ўлими ҳам муқаррардир. Бу ҳолларда зарурият мавжуддир. Бироқ, шу билан берга, инсон, масалан, қудукқа йиқилишдек касофат-

⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон., 52-бет.

дан холос була олиши мумкин. Бу ҳолда киши эркинлиги учун имконият бор. Бедилча, ўз ҳаётини яхшилаш учун инсонда имконият мавжуддир. Бу имконият, унинг нуқтаи назарича, кишининг ҳавсаласи, ҳаракатчан бўлишида, билим ўрганиши ва меҳнат қилишидадир⁶.

Мирза Бедил юқорида айтиб ўтилган фалсафий фикрларга асосланиб, тақдир ақидаларига қарши курашди. У тақдирга ишониш — дангасалик ва ишёқмаслик оқибатидир, деб билди.

Бедил меҳнат қылмасдан ҳақ олишга уринишни ҳаёсизлик ва тубанлик деб атади.

«Кор вокарда музд хостанат,
Дорад аз инфиол костанат,
Эй ба тадбири жусту-жу ори,
Инфиоласт музди бекори
Қоҳилиро куни таввакул ҳом,
Инат гумроҳи тасаввур ҳом»⁷.

Маъноси: «Иш қылмасдан мукофот исташ уятсизлиkdir. Эй тадбир иши излашга, исташга эринган! Бекордан-бекор тортиқ хоҳлаш уятдир. Дангасаликни тавакkal деб атаб ҳом тасаввур қилибсан».

Таваккалга ишонувчи кишига қарата Бедил ёзган эди:

«Дар таввакул чи обру лиди,
Жуз фусурдан дигар чи фаҳмиди»⁸.

Маъноси: «Таввакул билан чулғаниб, қандай шарафга сазовор бўлдинг. Сен ялқовликдан бошқа нимани тушундинг?».

Бу фикр нақадар аччиқ ва ўтқир бўлса-да, аммо юзакидир. Бедил айтган эди:

«Серҳаракатликка ишонасанми, ёки тасодифга ишонасанми бундан қатъий назар, ҳамма нарсани ҳаракат оламидан ол»⁹.

Демак, инсоннинг ҳаракати, тиришини, Бедилча, унинг ҳаётида ҳал қилувчи фактордир.

У бир неча мисоллар воситаси билан равшан фикрлар баён қилиб айтадики, бирор ҳунарни эгаллаш, кўзлаган мақсад сари интилиш — инсон турмушининг энг муҳим шартидир. Шу билан бир вақтда инсон сабрли бўлиши ҳам керак, дейди:

«Сабр ҳам карди орамидан ку?
Бо ҳаво ях нафас кашидан ку.

⁶ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 52-бет.

⁷ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 54-бет.

⁸ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 48-бет.

⁹ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 43-бет.

Сабру күшпіш ҳамон талабгоранд.
Гавҳару баҳр ҳар ду даркоранд»¹⁰.

Маъноси: «Сабр қылданинг — дам ҳам олдинг, ҳавода нағас торт-динг. Сабр ға тиришни деңгиз на гавҳар синегар ҳар иккаласи ҳам керәкдір».

Мирза Беділ шисонынг ақыла мөс келмайдиган ва мақсаденін ҳатты-харакатиниң қоралаб, бундай мисол көлтиради: Бир ақын наст киши бор эди. У түпрақ ва тошларни юқорига — ҳавога қараб отарды. Үндән «Сен нима қылмоқчысан?» деб сұрасалар, «Мен бор осмондан бөшқа яна бир осмон ясамоқчыман» деб жавоб берипти.

Философ шу ҳикоясы билан ақыла мөс келмайдиган ва ҳаёт учун фойдаласыз ҳаракат ва инилишларни тентаклик бир ҳақ деб күрсатади, у шисои ҳаракати мақсадға мувофиқ бўлсин, дейди.

Беділ ғәзди:

«...Бир бой бор эди. У бойлігини ҳар хил маншый кечалар, базмлар уюштиришга исероф қиласар эди. Охирда у ҳеч бир нарсасиз қоғди. Бой бирор касбни ҳам билмас эди. Бой на темирчиликни, на тұқымачиликни, на инвойликни биларди. Натижада бой уй-жойсиз, оёқяланғ тилянчига айланди, хор бўлди»¹¹.

Беділ шундан ҳулоса чиқариб, ҳатто бой одам ҳам бирор касбни эгалтаб олиши керак, дейди. Шу муносабат билан философ ҳунар үрганишникнг аҳамиятини үхшатишлар билан тасвиirlайди:

«Бе изми об, реша нол шавад,
Садафи бегавҳар сафол шавад»¹².

Маъноси: «Намсизликдак илдизлар қурийдилар, гавҳарсиз садаф сафол бўлур».

Беділ фикрича, ҳунар, касб эгаллашлық шисон учун үсімлікка сув каби зарурдір.

Шоир-философ дәхқончилікни жуда юксак баҳолайди ва дәхқонларга ризқ берувчи деб ҳурмат ва әхтиром билан қарайди. «Меңнат қилиб тер түкишдан раҳмат булути бўлиб түпраққа ёққил»¹³.

Мирза Беділ ҳунарини, темирчи, тұқувчии ва ҳоказолариниң меҳнатини мадҳлайди. У фан, фалсафаці кўкларга кўтариб

¹⁰ Беділ. Куллиёт. Ирфон..., 55-бет.

¹¹ Беділ. Куллиёт. Ирфон..., 49-бет.

¹² Беділ. Куллиёт. Ирфон..., 49-бет.

¹³ Беділ. Куллиёт. Ирфон..., 49-бет.

сүзлайди. Мирза кишилар «хұндармандылған», билимниң әгадашлары, ғайрат билан ишлешілдір керак»¹⁴, деб айтады:

«Е китоби ҳисоб күн тақрор!
Нақди маңзұ зи жайби елін барор!
Насақи гирудори олам бош!
Жаңхары ифтихори одам бош!
Жұнбашы дар баюни құдрати рез!
Аз наистони сунъ шурангез!
То сарир қалам діхад өвөз
Аз пари тоирон гүлшани роз.
Сағұаero сағои онна күн!
Хусни хатты дар он муюн — на күн!
Хайрати нақшиенін дашт қадам,
Сайр дорад ба ломгохи рақам,
Сүнни котиб барагми табын фузул,
Шугли хосест гар шави мангул,
Чун бар ии шева остии моли,
Сары ағлоқ бар замни моли.
Ҳарчи аз нақши қайф кам ёби,
Гарди аз кучан қалам ёби,
Ои чи дорад жақони зұлмату нур,
Гирад аз ланхы құдрати ту зұхур.
Лағэрзеню маңнин ангори,
Пардабандиу жильтар бишморй.
Ғайб дар сағұаат шиүхуд шавад,
Адам аз хомаат вұжуд шавад,
Соғыби лавху алқалам боши,
Беҳ, ки ағсұрда чун рақам боши.
Е бадаст ор хомаи наққош!
Сурати маңнин мусаввар бош!
Ба тааммул ғамантарози күн
Бо ҳужумы хаёл бозй күн!
Дил агар бар сабиғи оғохист
Қылқи мавхұм далели оғохист,
Фикр бояд чу қылқи мү борик,
То ба күнхі сувар шавад наздик»¹⁵.

Маңноси: «Еки ҳисоб-китобни тақрорлаб үрган ёқи нақдни — пулни тиришиш чүнгагидан ол, олам ишларнда тартыбын бүл, одам фахрнин: жаңхары бүл, құдрат бармогини қарақатта келтир, саңъат қамшзоридан дүнега шов-шув сол. Сенинг қаламнинг ғажирилаши сирлар гулистони қүшнининг паридан овоз берсін, қоғоз тозалиғи ойнадан яқынраб турсин, у тоза қоғозда гүзәл хатни намоишиш қылдир. Қадым даштининг взәшилары (яғни маңнilar) рақам (хат) тузоги құрылған жойда кезади, котиблиқ санъати ахмоқ одамларнинг фикриға зиддир. Котиблиқ маңсус ишларки, у билан машғұл бұлсанғ арзиди. Агар бу касбга енгигнің суркасанд, осмон бошини ерга суркайсан. Дүнеда ҳар қандай соң ва сифатларнинг нақшнин топсанғ, улар қалам күчасининг ғанағти-гардидирлар. Еруғ ва қоронғи дүненинг ҳар бир нарасаси сенинг құдрат лаң-ханғдан намоен бұлади. Лағз тұқасан, сүзлайсан — уннан маңнин биласан, парда боялайсан, унда жильтарни санаісан (яғни зехінде күл маңни ва мазмұнларни шығып түплаб, ундан ёзған сүзларнинг оласан).

¹⁴ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 52-бет.

¹⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 52-бет.

Сен ёзган байтларда ғойынблар ҳозир бұлади, сенинг қаламнингдан пүк нарса бор бұлади. Лавҳ — қалам әгаси бұлиш рақамдек жонсиз үлтаришдан — бекорликдан яхшидір. Еки наққош қаламиниң күлгі ол — рассом бұл, суратланған маънининг үзи бұл, фикрга чұмиб, чамаппас яса, хәел ҳужумлары билан үйна. Агар күнгіл огохлық йўлида бұлса, қыл қалам ҳам огохлық йўлбошиси бұлади. Фикрнинг қили қалам син-гари нөэнк бұлиши керакки, чизған суратларынг ҳақиқатига яқинлаша олсин».

Бу сураларда Мирза Бедил инсонни ғайратчан бұлишга, меңнат қилишга чақиради: у, инсон деңқончилик ёки ҳуарманнандылық билан, математика ёки каллиграф санъати билан шуғуллансын дейди, у одамга ё санъаткор котиб, ё ақли үткір шоир, ё нозик рассом, ё ажайиб наққош, ё зүр олим бұл, деб истак билдиради. Шоир «Илм — инсоният гавҳаридир»¹⁶ деб ёзади.

Инсон меңнатсевар, софдил, тараддузды ва тиришқоқ бұлиши керак. Мирза Бедил бу идеяларни «Комди ва Модан» достонида равшан ва үхшатишлиар билан тұла ифодалади.

Модан ва Комдиларни үлкін ҳолатида күриб, ғолиб шоҳ үзини ҳалок қылмоқчи бұлади, олимлар эса шоҳға қуйидаги сүзлар билан мурожаат этадилар.

«Мұхлате то ба хизмати тадбир,
Бар наёны масдари тақсир,
Дар қақиқат намурдаанд инҳо,
Пахлуи сакта хурдаанд инҳо.
Нарсондаст аз қасири қалил,
Маразе дар қувояшон тақлил
Шоҳ, агар бар бисот фармон аст,
Чора душвор нест осон аст»¹⁷.

Маъноси: «Тадбир хизматини үташға мұхлат бер, ҳақиқатда улар үлгай эмаслар, балки ҳүшсіз бұлғанлар, аммо касаллик үларнинг ҳаёт қуванчини тарқатған эмас. Шоҳ агар фармон берса, чора йўллари қийин бұлмасдан осондир».

Шоҳ фармон берди, олимлар чора излаб, тадбирлар күрдилар.

«Пас ба фармони шохи ғайраткеш,
Чаражушид гирва хайрандеш.
Хикмати том аз иттифоқи дод,
Узвұшою ба ҳам муюниқа дод.
Таңг оғуш тар зи жону жасад
Ефт таркиб аз иттиҳоду мадад.
Баҳри ороми он ду пайқари ноз,
Фарши гармоба паши бистари ноз.
Соате чанд ногузашта ба ҳам,
Ҳасты омад ба тавфашон зи адам.

¹⁶ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 42-бет.

¹⁷ Бедил. Куллиёт, Ирфон..., 133—134-бетлар.

Гармин дил шуд объёри нафас,
Мавж здарешай баҳори нафас.
Мурда буданд, лек шарму вафо,
Арақ овард бар жабини бақо.
Он арақ шуд гулоби дилжуши
Чашм во кард хоби беҳуши»¹⁸.

Маъноси: «Ғайратлик шоҳ фармон берди. Олнимлар чора изладилар Ҳикмат — физика унсурларни бирлаштириди. Улар Комди ва Моданларни қулоқлашибириб, уларни жон билан жасадни бирлашганидек бирлашибириб, уларни ҳаммомга тинч ётқиздилар. Бир неча соатлар ўтгач, уларга борлиқ йўқлийдан келди, ҳушнизлик битиб, кӯзларини оддилар».

Демак, Бедил нуқтаи назарича, чора ва тадбирлар учун тиришиш, ҳикматга амал этиб, ақл билан тадбирлар кўриш ҳатто инсонга ҳаёт бағишлайди. Бу — шоир-философнинг ажойиб ва қимматбаҳо фикридир.

Инсонни ғайрат қилиш, илм олиш, меҳнат қилиш ва яхши турмуш кечиришга даъват қилган Бедилнинг ғоялари тақдир таълимотига кучли зарба етказди. Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда прогрессив тафаккурнинг ривожланишида Бедил таълимотининг тарихий хизмати, хусусан, мана шулар билан ифодаланади.

Бедил томонидан тақдир таълимотини танқид қилинишининг аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги вақтда эски, реакцион, консерватив ғоялар ва бидъат-хурофтларга қарши курашда биз ундан фойдалана олишимиз мумкин.

Бироқ, Бедил тақдирга ишонишининг социал-иқтисодий тарихий ва гносеологик сабабларини тушунмади ва тушуна олмас ҳам эди. Эксплуататорлик жамияти муҳитида тақдирга эътиқод қўйиш кенг меҳнаткашлар оммасини эзиш қуроли эканлигини Бедил англамади ва англаши мумкин ҳам эмас эди. Бу Бедил айби эмас, албатта, балки Бедил яшаган ва ижод этган ижтимоий-тарихий муҳитнинг натижаси, оқибатидир.

Марксча-ленинча фалсафа — диалектик материализмгина барча идеалистик таълимотларга, шу жумладан тақдир таълимотига ҳам охиригача изчил зарба берди, тақдир таълимотининг асоссиз эканини исботлади. Марксча-ленинча назариянинг улуғ, голибона идеялари Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда, большевиклар раҳбарлигида илфор рус ишчилари томонидан XX аср бошларида ўйилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли, Совет социалистик тузумнинг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши натижасида

¹⁸ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 134-бет.

марксизм-ленинизм бутун Совет Иттифоқидаги, бизнинг республикамида ҳам құдратлы мөддий күчга айланды.

Марксча-ленинча фан билан қуролланған, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигидаги совет халқи үз пистиқболини үзи ижод этмоқда, үз баҳтли келажагини үзи яратмоқда. Социалистик Ватанимизнинг меҳнаткашлари гайрат билан янги коммунистик жамият қурмоқдалар, тақдир, диний хуроғотнинг бошқа ақыдаларига муҳтоҗлик сезмасдан ҳам уларни бартараф этиб, ишонч билан олға назар солмоқдалар.

*

Мирза Бедил «таносух»— руҳнинг күчиши масаласида ҳам үз фикрларини баён қылған. Бу таълимот XVIII асрда ҳам Ҳиндистон ақолиси ўртасида, хусусан унинг жанубий районларида кенг ёйилған эди.

Ҳиндларнинг тасаввурicha,— дейди Бедил,— руҳ бутунлай мустақил ҳолатда мавжуддир ва ҳар бир нарсага, жисмларга ўтиш — күчиш қобилиятига эга, руҳ агадийдир.

Бараҳманлар назарида руҳ — жон ғайри жисмоний булиб, агадийдир; киши үлгач, унинг руҳи бошқа нарсалар ёки ҳайвонларда құрнағанда ва инсон танасида мавжудлигидаги ҳатти-харакатига қараб тақдирланади ёки жазоланади; нарсалар ёки ҳайвонларга ўтган руҳнинг қисмати үша тақдир ёки жазога боғлиқдир. Бараҳманлар шу хуроғий фикрларни халққа сингдириб келдилар. Бедил таносухнинг моҳиятини тубандагича таърифлайди:

«Ҳиндувонко ба олами эжод,
Табы мағлуби ин хаёл афтод —
Ки пас аз интиқол аз ин пайкар,
Руҳ дорад ҳулули жисми дигар,
Хоҳ аз он интиқол бар ҳайвон —
Монл афтод, хоҳ бар инсон.
Ҳам дар он жисем сурати ҳолаш,
Мерасад бар жазон аъмолаш.
Умрҳо шуд, ки илм аз ин оёт,
Дода бар зеңнашон русух сабот.
Дар худи құввати ақоидашон,
Хукми хайру шарист ондашон,
Ман ҳам аз ихтирои сурати ҳол
Оламе дидаам ба хоби хаёл»¹⁹.

Маъноси: «Ҳиндларнинг ижод оламида бир хаёлга тобе бўлиш келиб чиқди. Бу хаёлга қараганда, руҳ бошқа жисмларга ўтиш — кўчишга қобил, хоҳ ҳайвонга, хоҳ инсонга бўлсин ўтиш хоссасига эга

¹⁹ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 114-бет.

Рұхнинг қандай жилемга күчиши амалға қараб бұлади. У шу билан үз амалининг жазосының куради. Мана шу әттиқод күп замонлар ичидә ҳиндларнинг зекенига мақам жойлашиб олды, уларда диний ишоач даражасынгача үсди, улар учун у әттиқод қайру бўлиб қолди».

Рұхнинг үтиши — күчиши түғрисидаги таълимот («таносух») меҳнаткашларнің қул қилишда бараҳманлар ҳамда бошқа эксплуататорлар қўлида муҳим қурол бўлиб хизмат қилди, улар бу хурофотнинг ҳалқ орасида сакланиб қолиши учун бутун чораларни курдилар.

Бедил ҳиндлар турмушидан анча мисоллар келтиради, бу воқеаларни үз кўзи билан кўрганлигини айтади. Бедил Жанубий Ҳиндистонда бир ҳинд билан суҳбатда бўлган. У ҳинд таносух назарияси билан тарбияланган. Уша ҳинд Бедилга: Бир қарға доим унинг изига тушиб юриб, ҳеч тинчлик бермаганлигини, натижада ҳар бир кўрининган қора доғни қарға деб фараз қиласберганинги айтган.

Ҳинд бу азобланишдан кутилиш учун ёрдам сўраб бараҳманга мурожаат қилган. Бараҳман унинг сузини эшишиб, шундай жавоб берган: уша қарға — отангдан қарздор кишининг руҳи бўлиб, у қарзини узмасдан туриб, үлиб қолган. Унинг руҳи қарғага үтиб қолган ва үз айбини ювил учун ахлат чуқурларида ва вайрона жойларда учиб юрипти. Бу азоблардан кутилиш учун бараҳман ҳиндга шундай маслаҳат берган: «Сен қарғага айбингдан, қарзингдан кечдим, деб айт, шунда сен ҳам, руҳ — қарға ҳам бундай ваҳимадан холос бўласизлар». Бараҳманинг маслаҳатини қилгандан кейин қарға бутунлай кўринмаганлигини ҳинд Бедилга сўзлаб берган.

Бедил бу ўринда тарбия ва әттиқоднинг инсонга нақадар кучли таъсир этганлигини таъкидлаб үтади. Ҳақиқатан ҳам динга әттиқод қўйган ҳинднинг кўз олдида худди чанқаган кишининг кўз олдида булоқдан бошқа нарса кўринмагандек, қарғадан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди²⁰.

Демак, Бедилча, қўрқув, ваҳима диний әттиқод — ишониш пайдо қилади, зулмат, хурофотга ишонишга олиб келади.

Мирза яна бошқа бир воқеани ҳикоя қилади. Бир ҳиндпининг Раджуноти номли қизи бўлган. Қиз ёш, гузал, қобилиятли бўлган. Эёски одатларга кўра, қизни қўшни қишлоқдаги бир ўғил болага унаштириб қўйганлар.

Бахтга қарши бола касал бўлиб қолиб, вафот этган. Қизнинг туғишишган кишилари куёв болани дағи қилишга боргандар. Рұхнинг күчишига әттиқод қўйган Раджуноти, куёвнининг

²⁰ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 116-бет.

ўлнимин эшитиб, яхшилаб кийингаш, ҳаътида гулхан ёким
ўзини ҳам, уйни ҳам куйдирган.

Мутафаккир жаҳолатликдан иборат бу урф-одатини ғазаб
билан қоралайди, руҳининг кўчиши тўғрисидаги таълимотнинг
асоссиз ва зиёни эканини исботлайди²¹.

Бедил кўрсатиб ўтган фактлариниг машҳур француз
сайёхи, врач Франсуа Берньешинг «таносух» ҳақидаги мисол-
лари билан ӯхшашлиги бор. У ёзган эди:

«Суратдан Эронга жунаётганимда бошқа бир тул хотин-
нинг ўз-ўзини куйдирганини ўз кўзим билан кўрдим. Бу хоти-
нинса рўй берганда бир неча инглизлар, даниялилар ва Париж-
дан келган Шардон жаҳоблари ҳозир эдилар. Тул хотин
урта ёшларда бўлиб, чиройликкиша эди. У ёқ, бу ёққа юриб
таҳорат қўлиб турган бу тул хотин арслондай ботир кўри-
нан, ёнвойиларча қуванар эди, унда ҳеч қандай ҳаяжон се-
зилмас эди, гоҳ у киши билан, гоҳ бу киши билан галма-гал
гаплашар эди. Мен бу тўғридаги тасаввуримни тўла айти
олмайман. Мен унинг ишонч билан, ёки тўғрироқ айтганда,
бу туплай ҳеч нарсани ифодаламайдиган қарашларини тасвир-
лаб беришга уринмайман. У бизга ва кичкина капачага кў-
тикар эди, бу капача қуриқ тариқ самондан ҳамда майдада-
чўйда ўтилардан ясалган эди. У шу қабинага кирди, дафи
гулхани устига ўтириди, ўлган эрининг бошини тиззасига қўй-
ди, ёниб турган ўтни олди ва ўз қули билан ката ичига олов
ёқди. Катта-катта косовлар билан қуроллангаш бараҳманлар
эса (уларнинг неча кишилиги хотиримда йўқ) ташқари то-
мондан, ҳар тарафдан гулхан ёқдилар... Орадан бир неча кун
ўтгач бўлсада, бу мудҳиш тамошани курганишгимга ҳатто
ўзимни-ўзим ҳам ишонтира олмайман.

Тўғри, баъзи бир хотинлар ёқилган гулханин кўрганла-
рида ундан қўрқар эдилар, ўз фикрларидан бажонидил қайт-
моқчи ҳам булардилар. Бироқ, бундай кишилар кўпинча ке-
чикиб қоладилар. Бу шайтон бараҳманлар уларда оловга
ташлаш ҳисларини уйғатадилар, уларни ҳатто ўзлари олов-
га итарадилар. Гулханг беш-олти қадам қолганда орқасига
қайтган ёш хотинни яна гулханг ҳайдаганларини ўз кўзим
билан кўрдим. Яна бир жойда аланга ичиди қолиб, кўйлаги-
гача ўт олаётган бир хотин ҳаяжон билан ўзини қутқармоқчи
бўлганда, жаллодлар қўлларидаги косовлар билан уни бир
неча марта оловга итарғанларини кўрдим»²².

²¹ Бедил. Ирфон..., 117-бет.

²² Ф. Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. Госсоцэкономиздат, М.—Л., 1936, 264—265-бетлар.

Мирза Бедил руҳининг қўчиши («таносух») ақидаларидан охиригача кутила олмади, чунки унинг ўзи ҳам табиатни руҳлантириш позициясида турган эди. Лекин, унинг хизмати шундаки, у XVII аср ўрталарида — XVIII аср бошларида феодал Шарқи шароитида мавжуд бўлган шу хурофотларниңг асоссизлиги ва зиёниллигини мумкин бўлган даражада исботлаб берга олди.

Энг муҳими шуки, Бедил таносух таълимотини танқид қилиш билан диний урф-одатларининг негизини фош қилишга айча уриниб кўрди.

Бедил яҳудийлар, христиан ва ислом динлари ҳақида танқидий фикрлар баён қиласди. У бундай деб ёзди:

«Дар мизожи яҳуд агар сорист.
Хукми таврот як қалам жорист»²³.

Маъноси: «Яҳудийлар урф-одатида тавротининг ҳукми жорийдир».

«В-аз насори намешавад машҳуд
Жуэ ҳаёле, ки Эсоаш Фармуд»²⁴.

Маъноси: «Христианлар Исо буюрганиларидан бошқани хаёл қилмайдилар».

«Масҳ дар уммати Мұхаммад нест,
Базы мақбули жои муртад нест,
К-он вафо жавҳари қарама бунёд
Ҳамаро въъдан қиёмат дод.
Бар мусулмон зи фикри дуравдеш,
Агар ояд, қиёмат ояд пеш.
Мұғъминонро зуҳури ин сёт,
Набувад жуз ба мавқифи арасот»²⁵.

Маъноси: «Мусулмонларда — Мұхаммад умматларида масҳлаиш — ўлгандан кейин бошқа жисмга кириш йўқ. Екимли базмда айниғанлар — муртадларга жой йўқ. У қарамдан ясалиб, вафо жавҳари бўлган зот (Мұхаммад пайғамбар) ҳаммага қиёмат въъдасини берди. Узоқни ўйловчи мусулмонлар учун қиёмат келадиган бўлса тезроқ келсин. Мұғъминлар учун бу диний ишонч аросатда кўринади. Мана шу диний эътиқодлар ҳамма мусулмонларда жорийдир».

Шундай қилиб, Бедил таъкидлайдики, ҳар бир диндор, хоҳ яҳудий ёки христиан, хоҳ мусулмон ёки ҳинд, ўз диний эътиқодини ҳақиқат деб билади. Масалан, ҳинд қуръонидаги мұжизалар ҳамда авлиёлар түғрисидаги ҳикоялар — фақат иодонликдан иборат дейди. Демак, Бедил бу уринда нихоят эҳтиётлик ҳамда киноя, кесатиш нули билан умуман динларниң ҳаётий эмаслиги, асоссизлиги түғрисида тушунча баён қиласди.

²³ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 117-бет.

²⁴ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 117-бет.

²⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 117-бет.

Бедилнинг қўйидагича гўзал ифодалари бор:

«Ин ҳама жода аст, манзил нест,
Лек раҳрав тамизу қобил нест»²⁶.

Маъноси: «Буларнинг ҳаммаси манзили бўлмаган йўллардирлар.
Лекин, ақлли ва қобил йўлчи йўқ».

Философ бу ўрпнда диний урф-одатларга, эътиқодларга салбий қараганлигини образли развишда ифодалайди.

Бедил ҳақиқатнинг тўғри йўлини излайди ва уни фанда, фалсафада куради:

«Илм буд, он ки сози ҳикмат кард.
Ҳикмат ифшон рози илм овард.
Илму ҳикмат надоштам мақсуд.
Муддаоям баёни қудрат буд,
Хоҳ олим барою, хоҳ ҳаким,
Ман надорам ба касб жуз таслим»²⁷.

Маъноси: «Илм — ҳикматни ясаб чиқарди. Ҳикмат — фалсафа эса, илм сирларини бутун дунёга ёйди. Илм ва фалсафа мақсад эмас, балки уларнинг қудратини сўзлаш муддаомдир. Олим ёки философманни бари бир мен унга таслим бўлишини касб қилганиман».

Лекин, Бедил динларнинг ижтимоий ва иқтисодий илдизларини очмади ва очиб бераолмас ҳам эди. У, дин — маънавий жиҳатдан зулм қилишнинг кўринишларидан бири бўлиб, золимлар манфаати учун хизмат қилишини тушунмади. Унинг динни, хусусан ислом динини, танқид қилиб айтган сўзлари маориф-оқартувчиллик позициясида туриб айтилган содда ва юзаки сўзлардир. Бедил изчил атеизм даражасигача кўтарила билмади, бу — унинг таълимотининг тарихий чегараланган томонидир.

²⁶ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 117-бет.

²⁷ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 117-бет.

БЕДИЛНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мирза Бедил ижтимоий-сиёсий масалаларга күп эътибор берди. Жамият ҳаётидаги ёмонликни бартараф қилиш ва яхшиликтин ўрнатиш ниятида ҳақиқат излади. Буюк Мұғуллар тарқатган диний ва міллій фанатизм идеялари ҳамда унинг құлланиши, ҳарбий феодал зодагонлар, баразли ва раҳмсиз амалдорларнинг деңқон ҳамда ҳунармандларни шафқатсиз эзиш методлари, руҳонийларнинг жаҳолат ва фирибгарлайларни Бедилни ҳаяжонлантириди ва ғазаблантириди.

Бедил Улуғ Мұғуллар — Бобурийлар империясининг чириши ва емирилишини үз кўзи билан кўрди; үз ватани бошига тушган оғир мусибатларнинг асосий сабабларини топиши мақсадида фикр юргизарди. У мамлакатни ҳалокатдан қутқаришининг энг түғри йўллари, тадбирлари тўғрисида ўйларди, яъни, ҳинд халқларининг бирлашишлари зарурлиги, уларни диний ва миллий низолардан қутқариш, деңқончилик, ҳунармандчilik, фан, маърифатни юксалтириш тўғрисида Бедил асарларида маҳсус равшан фикрлар, дадил холосалар бордир.

Чет эл босқинчиларига қарши курашда ҳинд халқлари ҳамкорлиги ва иттифоқининг аҳамияти тўғрисида Бедил ажойиб үхшатмалар билан оқилона фикрлар баён қиласиди.

«Ёрон ва вифоқ ағар қадам мешкананд,
Жайши арабу сафи ажам мешкананд,
Аз қудрати иттифоқ, ғоғил нашави,
Дандонҳо сангро баҳам мешкананд»¹.

Маъноси: Агар ёронлар бирдамлик билан қадам ташласалар, душман (чет эл қўшинлари)нинг усул-идораси ва сафи тор-мор бўлғусидир. Иттифоқ бўлишнинг қудратидан ғоғил қолма, эсингда туткинки, тиитлар бирлашиб тошни синдиргусидир».

Бедил үз ғоя ва фикрларини эҳтиётлик, истиҳора, нозик ишоралар воситаси билан изҳор қилди, лекин шундан на-

¹ Бедил. Қуллиёт Рубоиёт..., 51-бет.

рига ўтмади. У халқыннг яхши ҳаёт куриш учун золимларға қарши олиб борган курашида қатнашмади. Демак, Бедилнинг қарашлари худди томошабин қарашлари характерида эди. Бу Бедилнинг гуноҳи эмас, албатта, бу — XVII — XVIII асрларда у яшаган феодал Ҳиндистон мұхитининг натижасидир. Энг мұхим момент шундаки, Бедил ўз асарларида золим шоҳларни моҳирона танқид қилди ва уларга лаънат билдири.

Шоир-философ социал ҳаётнинг барча масалалари билан қизиқди. Бедил инсон ҳақида, жамият ҳақида, деҳқончиликнинг келиб чиқиши ҳақида ёзди, деҳқонлар ҳақида эҳтиром ва ҳурмат билан гапирди, адолатсизликни, золимлар ва давлатнинг пайдо бўлишини ўзига хос йўл билан тушинтириди. «Ирфон» поэмасининг анчагина қисми хусусан шу масалаларга бағишлианди. Мирза Бедил ижодиётида турмуш, борлиқ ва инсон масалалари мұхим ўрин тутганлигини ва улар Бедилнинг дунёқараси—пантейзми—ваҳдати мавжуд билан чамбарчас боғланғанлигини юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Мирза Бедил айтган эди:

«Мешавад сози нусхай «Ирфон»
Киссае аз таважжуҳи инсон,
К-ин фусун гар чи сеҳр меборад?
В-ин қнёмат чи фитна мекорад?»².

Маъноси: «Ирфон» созида инсонга ҳурмат ва эҳтиром қилиш ҳиссаларидан нусҳа берилади, токи маълум бўлсин, бу сиҳрчи (инсон) қандай сиҳрлар ёғдирди ва бу қнёмат (инсон) қандай фитналар тухумини экади (яъни инсон қандай мұжизалар кўрсата олади, ҳам қандай фитналарни қўзгата билади)».

«Рубонёт» асарида Мирза Бедил ўз вазифасини яна кенгроқ баён қиласиди:

«Оина муқобили ду олам кардам,
К-имruz назар ба шакли одэм кардам»³.

Маъноси: «Искни оламга ойна рубору қилдим, буқун одам шаклига назар қилдим».

Бу ўринда Бедил баён қиласиди, унинг мақсади — инсон ҳақида, унинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида гапиришдан, яхшиликни ўргатиш ва ёмонликни йўқотишдан иборатdir. Шу мұхим нарсани кўрсатиб ўтиш керакки, Бедил кишиларга миллий ва диний тафовутлари нуқтаи назаридан эмас, балки умумий инсон насли бўлғанликлари нуқтаи назаридан

² Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 37-бет.

³ Бедил. Куллиёт. Рубонёт..., 83-бет.

Жарайди. У инсонни иркүй, миллий ва диний эътиқодларидан катъий назар, хурмат ва эҳтиромга сазовор бўлганлиги учун инсон деб билади.

Шайтоннинг Одамга сажда этишга рози бўлмаганилиги ҳақидаги афсонани эслатиб, философ-шоир айтади:

«Яъне он касқи ҳазрати инсонро,
Масжуд тасаввур накунад малъун аст»⁴.

Маъноси: «Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса у — малъундир».

Шоир бу ўринда инсониятга, одамларга ўз инсонпарварлиги ва самимий муҳаббатини ифодалайди. Шу билан бир вақтда Бедил ўз ватанининг содиқ фарзанди эди, Ҳиндистонни севарди ва ватанпарварликни кўйларди.

Бедил кишиларга нафрат билан қарашликни, дангасалик, ёлғончилик, кеккайишни, очкӯзлик, макир ва хиёнатни танқил қилиб, камтарликни, сахийлик, ҳақгўйлик, вафодорликни, билимни, меҳнатсеварликни кўйларди.

Бедилда шу масалага доир ажойиб шеърлар учратамиз:

«Бо бадгуён ошнои макуп,
То аз некон бегонаги нагузини.
Бо қафо оина мутаважжуҳ мабош,
То ҳайати худро мунқалиб набини»⁵.

Маъноси: «Агар яхшилардан бегона бўлмайман, ажралмайман дессанг, ёмон сўзловчилар, гийбатчилар билан ошнолик қилма. Узингни тўғри кўрмакчи бўлсанг, ойнанинг орқасига боқма!».

Бу ўринда ҳам Бедил оқилона фикр баён қиласди: у кўнгли очиқ ва саҳий кишиларни ойнага — ёруғликка, макрли кишиларни эса ойнанинг орқа томони, яъни қоронгуликка монанд қиласди.

Иккюзламачилникни қоралаб, Бедил бундай деб таъкидлайди:

«Агар табиати касеро моили нифоқ даръёби;
Ба яқин шиноси, ки сұхбати акобир дарнаефти»⁶.

Маъноси: Агар бирор киши табиатида иккюзламачиллик — ёлғонликка мойниллик топсанг шунни аниқ билгилки, у киши буюк олим ва файласуфлар (такобир) сұхбатига етншмаган, яъни улардан аҳлоқий тарбия олмаган.

Бу жуда ҳам ҳаққоний сўзлар шоирнинг кўп йиллик турмуш тажрибасидан олинган. У, иккюзламачилик у ёқда

⁴ Бедил. Куллиёт. Рубоиёт..., 14-бет.

⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 74-бет.

⁶ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 74-бет.

турсии, ҳатто иккюозламачиликка мөйилликкин ҳам қорлади.

Лекин, Бедил инсоннинг фазилат ва иуқсоилари тұғрисиңда умуман ёзади ва фикр юритади, уни конкрет тарихий мұхит, ижтимоий ҳаёт, спиғларниң манфаатлари ва курашлары билан бояламайди. Ы, тарихий шароитлар туғайлы, инсон мөхияттениң ижтимоий мүносабатларининг якунидан иборат эканини аңглаш даражасигача күтәрила олмайди. Бедил таълимотининг асосий камчилікларидан бири шундадир.

Мирза Бедил үзининг «Ирфон» асарыда деңқончилик деңқонлар (64 — 76 бетлар), хунармандчилек ва хунармандларниң (49—53 бетлар) келиб чиқышларини алоқида тахлил қылды ва жамиятдаги табақаларнинг келиб чиқиши ҳамда давлатнинг ташкыл топиши ҳакида ажойиб фикрлар баен қылды. Биз үйлаймызки, давлатнинг келиб чиқиши ва мөхиятига дөир масалани ҳал қилишща Бедил XVII асрдаги инглиз философи Т. Гоббсдан анча илгари ва ҳақиқатта анча яқын турди.

Деңқончиликкниң келиб чиқиши ҳақида фикр юргизиб, Бедил бундай ёзган эди:

«Хар ки چашме дар ын чаман во кард,
То мижа во кунад, даҳан во кард»⁷.

Маъноси: «Қымки бу чаманда — дунёда күэ очди — у киприкларини очганга қадар оғзини очди».

Демак, Бедилча, инсон даст аввал овқатланишга мұхтождир. Шундан Бедил хулоса қилиб айтадыкп, мұхтожлик инсонниң деңқончилик билан шуғулланишга мажбур қылған.

Бедил инсон қандай қилиб деңқончилик билан шуғулланғанини батағсыл ёзмайды, демак, бу масалани ҳам у охири гача ечмади ва еча олмас ҳам эди. Бедил яшаган даврдаги фан ибтидоий тузум тұғрисида етарли маълумотларға эга әмас эди. Шу саббадан бу камчилек тұғрисида Бедилдан үпкалаб бўлмайди, албатта. Марксизм-ленинизм күйидагича таълым беради: «Тарихда үтган арбобларниң күрсатған тарихий хизматлари тұғрисида ҳукм чиқарғанда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тұғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайды, балки уларнинг үзларидан аввал үтганларға нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»⁸.

Нима учун Бедил деңқончиликни инсоннинг энг биринчи машғулоти, деб билди? Бизнинг фикримизча, бу нарса иккى

⁷ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 74-бет.

⁸ В. И. Ленин, т. 2, 190-бет.

далал билан тушунтирилади. Биринчидан, Ҳиндистонда деҳқончилик қадим замондан мамлакатдаги асосий аҳоли оммасининг энг биринчи машғулоти бўлиб келганлиги Бедилга ҳам маълум эди. Иккинчидан, XVII—XVIII асрларда ҳинд деҳқонларининг аҳволи жуда оғир бўлиб, тұхтосиз бўлпіб турған ўзаро феодал урушлари деҳқончилик ишларига катта путур етказар эди.

Деҳқончилик инсоннинг энг муҳим машғулоти эканлиги түғрисида гапириб, Бедил ўша вақтдаги Ҳиндистоннинг ҳоқимларига деҳқончиликни барбод қилмаслик, деҳқон хўжаликларини юксалтириш зарурлигини уқдирмоқчи ва шу билан ўз ватанига, ўз халқига ёрдам кўрсатмоқчи эди.

Бедил дастлаб деҳқончилик одамларни ўтрок турмуш қечиришга олиб келди, деб кўрсатади ва бундай дейди:

«Завқи таҳсил роҳати жовид,
Хуша мибаст донаи уммед,
То эн афроди тухми инсони,
Даста шуд риштаи паре-шони»⁹.

Маъноси: «Абадий роҳатга эришиш умидининг доваси бошоқ тугди. Тарқоқ бўлган одамлариниг тухуми бир жойга илдиш тутди».

Бу шеърларнинг маъноси чукур; Бедилнинг курсатишича, инсонлар аввал тарқоқ яшаганлар, кўчманчилик билан кун кечирганлар, деҳқончилик туфайли кейинчалик тўпланишиб, ўзаро яқин муносабатда бўлиб, ўтроқ ҳаёт пайдо була бошлаган.

Сунгра Бедил жамиятда социал гуруҳларнинг вужудга келишини тасвирлаб ёзади. Бедил бу ўринда ҳам ажибdir; бундан ташқари, бу энг мураккаб масала юзасидан у жуда қизиқ жумбоқлар айтади.

Бедил, деҳқончилик аҳоли нуфусининг ўсишини таъминлади, дейди. Бунинг натижасида одамлар озиқ-овқат етишириш мақсадида турли жойларга бориб ўринлашганлар, бир гуруҳ кишилар денгизлар бўйига бориб қимматбаҳо нарсалар излаганлар, баъзилари тоғларга чиқиб кетганлар. Айрим кишилар муттаҳамлик йўли билан ўзларига озиқ-овқат топганлар.

Улар олтин, ёқут бериб, деҳқонлардан озиқ-овқат маҳсулотлари, ғалла олганлар, мана шу йўл билан мол айрибошлаш, савдо пайдо бўлган, савдогарлар етишган.

Бедил яна давом этиб таъкидлайдики, кишиларининг яна бир «заиф қисми» меҳнатсиз озиқ-овқат топишга уринган, бу кишилар мол айрибошлаш қилмасдан туриб, илтимос ва

⁹ Бедил Куллиёт. Ирфон..., 74-бет.

дуолар билан дәхқонларга мурожаат этгайлар. Сиғинувчилар, коҳинлар, қашшоқлар, гадойлар ана шу йўл билан пайдо булган.

Шундай қилиб, Бедил хулосага келиб айтадики, жоҳил, ёмои (бад) ҳамда саҳиӣ, яхши (иек) кишилар дәхқонларнинг «меҳмонлари» бўлганлар. Бойлар хирмондаги ғалла, қашшоқлар эса похол ҳисобига ўзларини озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлай бошлаганлар. Мирза Бедил ижтимоий гуруҳларниң келиб чиқишини, жамиятдаги табақаларга бўлинишини шундай тушинтиради ва тасвирлайди¹⁰.

Мирза Бедилга таҳсин ўқиб, шуни айтиш керакки, у айрим ижтимоий гуруҳларниң келиб чиқиши тӯғрисидаги масалани тӯғри ҳал қилишга яқинлашиб келган ва оқилона фикрлар берган. Лекин, философ сипфларниң келиб чиқиш сабаларини илмий асосда англаш даражасигача кўтарила олмади. У, ишлаб чиқариш қуролларининг вужудга келиши, меҳнат унумининг ўсиши, ишлаб чиқариш қуролларига шахсий мулкчиликнинг майдонга чиқиши тӯғрисида ўйлаган ҳам эмас. Ижтимоий гуруҳларниң келиб чиқишини, табақаларга бўлинишини баён қилганда, Бедил айрим шахсларниң разгуўликларини, очқузликларини ва муттаҳамликларини бosh сабаб деб хисоблайди. Бунинг сабаби Бедилнинг тарихга қараши идеалистик бўлганлигидадир.

Бедил дәхқонларни кукларга кутариб мақтайди, чунки улар, барча қийинчиликларга қарамай, ҳамма учун озиқ-овқат етиштириб берадилар; демак, унинг нуқтаи назарича, ҳамма ижтимоий гуруҳлар орасида дәхқонлар ҳақиқий нознеъматлар яратувчи гуруҳ ҳисобланади, шунинг учун Бедил дәхқонларни рағбатлантиради, мақтайди.

Бедил, Хинди斯顿 аҳолисининг жуда купчилигини дәхқонлар ташкил қилишини билган ва уларниң ниҳоятда оғир аҳвол кечираётганликларини курган, албатта. Шонр бу дәхқонларга ёрдам қилишни истар эди, аммо феодал Шарқининг қолоқлиги туфайли меҳнаткаш омманинг турмушини тубдан яхшилашининг ҳақиқий йўлларини у билмади ва била олмас ҳам эди.

Мирза Бедил бойларни очқуз муттаҳамлар деб таърифлайди ҳамда уларни қишлоқ хужалик экиниларига тушадиган ҳашаротларга ухшатади. Бойлар ва зодагонлар пайдо булишлари биланоқ, дәхқонларниң экиниларига худди чигиртка каби ёпирилишиб қунадилар, дәхқонларниң хирмонларини худди чумолилар каби босадилар, шундан кейин эса, дәхқонларниң ўзларига озгина нарса қолади, холос. Шу

¹⁰ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 74-бет.

муттахам фирибгарлар томонидан ээилгап деҳқонлар уларнинг талабларини бажо келтиришга ноилож рози бўладилар ва уларга бож, солиқ тўлайдилар. Муттахамлар шу йўллар билан жуда кўп бойликлар орттирганлар. Ўлжак туплаш эса, улар ўртасида ўзаро курашларнинг кучайишига сабаб бўлди.

Мирза Бедил давлатнинг майдонга келиб чиқишини ҳам ана шу далиллар билан тасвирламоқчи бўлади.

Бедилнинг иуқтаи назарича, дастлаб очкўз ва баразгўй бойларнинг кичик-кичик давлатлари майдонга келган.

Бедил яна давом эттириб ёзадики, бу очкўз кишилар уз қўшинларини, қуроллантирилган тўдаларини ташкил қила бошлиғанлар ва ўзаро уруш олиб борганлар. Ўзаро урушлар шу тариқа келиб чиққан.

«Сар зад аз шуълакорни тадбир
Решай мавжии ханжару шамшер.
Ҳар тараф лашкаре губор ангехт
Хоки тасхир бар сари ҳам беҳт»¹¹.

Маъноси: «Олов ўйнатишлик ханжар ва шамшер — қаличбоззиякка олиб келди, ҳар тарафда аскарлар ташкил топдилар, ерларни босиб олиш ҳам одамларни эзиш кўринди».

Кураш ва урушлар давомида айрим майда аскарий қисмлар бирга қўшила бошлиғандилар, булардан ғолиб келганларни мағлуб бўлганларнинг мол-мулқларини босиб оладилар.

«Қард тўфон зи сози якдигар,
Шўри ҳангомае шикасту зафар;
Ба тасаллут расид саън камол,
Салтанат ёфт шўҳрати иқбол»¹².

Маъноси: «Бир-бирига қарши курашлар, енгилиш ва ғалабали бўлиш бошланниб кетди, ҳоким тилаги камолга етди. Салтанат, яъни давлат келиб чиқди».

Бедил, йирик подшоҳлар, фиরъавнларнинг ҳокимлиги шу тартибда пайдо бўлган, улар катта бойликлар туплаб, ҳалқни эза бошлиғанлар, деб тушунади. Катта-катта давлатлар шу тариқа вужудга келган ва унда адолатсизлик ҳамда фирибгарлик янада кучайган.

«Насақи гирудор маҳкам шуд,
Моян худсари фароҳам шуд,
Бар даҳоқин даре, ки киши фароз,
Кард иқбсл бар салотин боз.
Даст гоҳи фурури султоян,
Сар зад охир зи ажзи деҳқони
Жуши фиরъавну шухин Намруд,

¹¹ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 75-бет.

¹² Уша ерда.

Ҳар тараф боли иқтидор күшул,
Ғафлат ин жо чи дасти ноки накард
Ҳосилли симу зар жиҳо, ки накард,
Роялон буд сози жоҳу ҳашам
Муфт шуд даъвий худон ҳам»¹³.

Маъноси: «Мамлакат тартибли маҳкум бўлди. Шахслар қўлида бойликлар тўпланди. Юқори табоқаларининг ерларини деҳқонлар ҳайдаб экадиган бўлдилар. Мана шундай подшоҳлар иқболи ўйнади. Султонларининг магурлиги деҳқонларининг оғир аҳволларидан келиб чиқди. Фиръави ва намрулларининг ҳаракатлари ҳар томонга ёйилди. Ғафлат қандай ҳаракатларни қўлмади. Кумуш ва олтин ўлжа қилиши шималар эттиргмади! Бекорга ҳашаматли бинолар солиш ҳам худолик даъвосини қилинчилик муфт иш бўлиб қолди».

Бедилниң кўрсатиб ўтишича, кучли подшоҳларининг майдонга келиши кичик давлатлар ўртасидаги ўзаро урушларни маълум даражада тутгатди ва мамлакатда бир мунҷа тинчлик ўринатилишини таъминлади, аммо оммани эзиш кучайди:

«Ҳирс жушиду адл шуд номаш,
Баст саъи ҳаросат эҳромаш,
Ки ба деҳқон касе ситам накунад,
Яъне аз моли шоҳ кам накунад.
То ба жое расид саъи ғуур,
Қаз мазореъ намонд жуз муздур»¹⁴.

Маъноси: «Ҳирс қайиаб адл номини олди, у ўзини деҳқонларининг ҳомийси қилиб курсанади. Деҳқонга ҳеч ким ситам қўлмасин, яъни подшоҳ молидан олмасин, деди. Маъмурлик ҳаракати шу даражага бориб етдики, деҳқон ўз ерига мардикор бўлиб қолди».

Бедил яна давом эттириб тасвирлайдики, деҳқонлар ва меҳнаткашларининг аҳволи ниҳоят оғир, деҳқонлар подшоҳнинг зулми остида йил бўйи меҳнат қилиб, эвазига донгина эмас, ақалли сомонини ҳам ўз эркларича ололмайдилар.

«Ғайр соғар ба мавж мегирад
Соҳиби ҷашма ташна мемирад»¹⁵.

Маъноси: «Бегона (яъни пеъшоҳ) қадаҳин мубай қилиб ичади. Чашма эгаси (деҳқон) сувсиэликдан — чаңқоқликдан ўлади».

Бедил яна шундай деб баён қиласиди:

«Баҳр инжо бенамост сароб,
Гарди соҳил нишастаст дар об»¹⁶.

Маъноси: «Денгиз бу ерда (яъни ўша жамиятда) намсиэликдан саробга айланди (яъни деҳқончилик бузилди), чунки қирғоқ ғарди-чангги (ёқаловчилар — зулмат) сувга чўкди (яъни улар сувин қуритдилар)».

¹³ Уша ерда.

¹⁴ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 75-бет.

¹⁵ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 75-бет.

¹⁶ Уша бетда.

Бу ўринда Бедил, подшоҳлар ҳокимлигидаги деҳқончилик ва деҳқонлар аҳволининг иочорлигини үхшатишлар билан тасвирлайди. Бедилнинг бу фикрлари XVII асрининг иккинчиги ва XVIII асрининг бошидаги феодал Ҳиндистони деҳқонларининг аҳволини чуқур ва ҳаққоний равишда акс эттиради. Бедилнинг замондоши, машҳур француз врачи сайёҳ Ф. Бернье, феодал ва амалдорларининг золимликларини кўрсатиб, бундай деб ёзгақ эди:

«Бундан ташқари, бу золимлик ҳаддан ортиқ даражага етади, деҳқон ва ҳунармандлардан турмуш кечиришлари учун зарур бўлган ҳамма нарсалар тортиб олиниди, натижада улар очлик ва қашшоқликдан ўладилар, бола кўрмайдилар, ёки бола кўрсаларда ёшлигида ўлиб кетадилар, чуники болалар ўз ота-оналари сингари ёмон овқатланадилар ва камбағалликда яшайдилар. Шундай ҳоллар бўладики, деҳқонлар ерларни ташлаб кетиб, бирорларнинг қулида отбоқарлик қиласидилар, ёки, ҳали мен айтгаңдай, юмшоқроқ муомилада бўладиган кишиларни топиш умидидаги тўғри келган томонга, қўшниларини кетиб қоладилар. Экин ерлари эса, қамчин остида парвариш қилиниди, бунинг натижасида ерлар ёмон ишланади, оқибатда кўп ерлар кам кувват бўлиб қолиб, экин экишга яроқсиз бўлиб қолади, чунки сизот ерлардаги сувларни йўқотиш учун зовур кавлаш, каналлар очиш ва уларни керакли ерларга ўтказиш учун пул сарфлайдиган бирор киши топилмайди; шунингдек уй-жой куриш, вайрон бўлиб кетаётган биноларни ремонт қилиш иши билан қизиқадиган ҳеч ким топилмайди»¹⁷.

Бедил йирик мулкдорларни муттаҳамлар деб атайди:

«Қиссан ҳеч кас надид пурни
То накард ихтиёри қиссабурни»¹⁸.

Маъноси: «Қиссабурларни ихтиёри қилмаган ҳеч бир кишининг киссанси тўлмайди».

Бедил яна давом этиб, ёзади.

«Ҳар кужо ҳирс оташе афрухт,
Жон ҳезум ҳамон мурувват сухт»¹⁹.

Маъноси: «Қаерда ҳирс ўти ёнса, у жойда одамгарчилик ўтини урнида ёнади».

¹⁷ Ф. Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола..., 202-бет.

¹⁸ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 76-бет.

Бедилнинг юқорида келтирилган фикрларидан шундай хуоса чиқариш мумкинки, у давлатни тарихий ва ижтимоий ҳодиса деб билади; яна аниқроги, унинг нуқтаи назарича, дастлаб майда ҳоким мутлақлар пайдо бўладилар, кейинчалик эса, бора-бора, япада кучлироқ, марказлашган давлат ташкил топади.

Бу давлат очкўз ва йирик мулкдорлар маидаати учун хизмат қиласи, меҳнаткашларни эса, қашшоқлик билан кун кечиришга маҳкум этади. Куриниб турибдики, Бедил бу ўринда ижтимоий ҳаётнинг мураккаб муаммоларини тўрги англашга яқинлашган. Бироқ, унинг давлат тўғрисидаги қарашлари идеалистик характерга эгадир, чунки Бедилча — разгульлик уринишлари ва ҳокимлик қилиш истаги давлатнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Алишер Навоий умид қилгандай, Бедил ҳам, халқ тўғрисида, деҳқончилик ва фании ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қиласиган одил подшоҳ бўлишини истарэди.

Бедил ўзининг «Комди ва Модан» асарида кишиларни қийновчи, азобловчи ҳоким мутлақ подшоларни қоралайди ва мазлумларни ҳимоя қилишни мақтайди.

«Камтар афтад, ки лаплати золим,
Монад аз офати қазо солим.
Хоки он бевафо ба хун тар шуд
Подшоҳи Модан музффар шуд»²⁰.

Маъноси: «Золим давлати енгилди, у оғатдан ҳаққоният қутилди, у бевафо золим подшоҳ қони тўкилди. Модан шоҳи — одил шоҳ зафар қозонди».

Яна:

«Ҳарки имодди бедилон дорад,
Лз завол ахтараш амон дорад,
Қасри иқбол ҳар кужо барпост
Нардбонаш ҳимояти зуфаост»²¹.

Маъноси: «Ҳар ким мазлумлар — бедилларга ёрдам берса, ғамхўрлик қиласа унинг юлдузи сўнмас. Иқбол қасри ҳар ердаки тикланиса, унинг чиқини босқичи (парвони), йўли занівларни — бечораларни ҳимоя этадир».

Демак, Бедил ёвуз подшоларга лаънат айтиб, одил подшоларни мақтайди ва уларга халқ оммасининг турмушини яхшилаш умидини боғлайди.

²⁰ Ушакитоб, 75-бет.

²¹ Бедил. Қуллиёт. Ирфон..., 32-бет.

²² Бедил. Қуллиёт. Ирфон..., 32-бет.

Мирза Бедил ҳинд аҳолисининг мазҳабларга бўлиннишини кузата бориб, бу масалада ҳам ўз фикрини баён қиласди. Ҳаммага маълумки, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи табақаларни аҳолининг табақаларга бўлинниш принципларини қаттиқ ҳимоя қилиб келган зодагонлар нафратлаб келганлар. Мирза Бедил табақаларга бўлиншига очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатмайди, аммо ўз муҳокамаси, мисоллари ва ҳикоялари билан кишиларни паст ва олий табақаларга бўлиб қарашни қоралайди, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи кишиларга ёмон қарашларни нотўғри, деб ҳисоблайди.

Мирза Бедил кишининг қадр-қиммати ва афзаллиги унинг меҳнатида, деб билади. У ҳунарсиз кишиларни, бирор меҳнат билан шуғулланмайдиган кишиларни қоралайди. Бедил, сув набототга қанчалик зарур бўлса, ҳунар ҳам инсонга шу даражада зарур, дейди. Меҳнат билан банд бўлмаган одам марваридсиз чиганоқдек бефойдадир.

Бедил темирчилар, тўқимачилар, тикувчилар, чупонлар, бинокорлар, нақошлар, хаскашлар тўғрисида ёзган. Масалан, Бедил бундай ҳикоя қиласди: «Бир подшо бир гуруҳ кишиларни кўриб қолиб, булар қандай табақа деб, ўз вазиридан сўради. У айтди: у гуруҳ шоҳ ва қашшоқларнинг айблариши ёпувчилардирлар. Кимда-ким ялонғоч, уст-боши йиртиқ ҳам танлари очиқ бўлса, уни даволайдиган малҳам — игна ва иплар уларда бор. Игнанинг ўзи ялонғоч бўлса ҳам, айбларни ёпишга лаёкати бор»²².

Бедил шу мисол орқали меҳнатнинг ва меҳнат қилувчи-ларнинг ролини ажойиб ўхшатишлар билан равshan кўрсатиб беради. Бедил ҳар бир касб ўз хусусиятига ва афзалликка эгадир, бирор ҳунарга эътиборсиз қараш пасткашлиkdir, дейди. Чунки темирчилик, тўқувчилик, уст-бош ва пояфзал тикувчилик ҳамда бошқа ҳунарлар кишилар учун ниҳоятда зарурdir.

Философ, қўлнинг ишини тил, тилнинг ишини қўл бајара олмайди, деб кўрсатади. Мана шунинг учун кишилар ўзладининг хилма-хил фаолиятларида тил ва қўл хизматидан фойдаланишига мажбурдирлар. Бедил ўзининг шу фикрларини афсоналардан, тавротдан мисоллар келтириб асосламоқчи бўлади. У бундай дейди:

«Аз шубони чи ор дошт Калим?
В-аз иморат чӣ рехт Иброҳим.
З-ин чамац ҳар гуле баҳоре дошт
Ҳар киро даст буд, коре дошт»²³.

²² Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 53-бет.

²³ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 52-бет.

Маъноси: «Мусо чўпонликдан, Иброҳим бинокор бўлишдан оғэтмадилар. Бу чаманинг ҳар бир гулининг баҳори бордир, ҳар бир қўлли кишининг бирор иши бордир».

Ҳар бир киши қандай бўлмасин бирор фойдали иш билан шуғулланиши керак — Мирза Бедилнинг хulosаси ана шу.

Бедилча, ипакдан ёки қупол матадан қилинган уст-бош кишининг ҳатти-харакатида кўзга ташланадиган ҳақиқий қиёфасини яшириб турмайди. Ўзининг бу фикрини қувватлаш максадида у ўхшатмалардан фойдаланади. Масалан, хат қора бўлганлиги билан ёмон эмас, аксинча, инсон учун жуда мухим ва фойдалиdir:

«Жома хоҳ атлас хоҳ палос,
Шахс ботни намешавад зи либос.
Маъниаш равшану тақаддуси ранг,
Аз сиёҳи хат надорад нанг»²⁴.

Маъноси: «Чопон атласми ёки палосданми, шахс кийимда яширипмайди. Маъно соғи рангдек равшан. Хат қоралиги билан уят иш эмас».

Демак инсон, у дехқончилик қиладими, темирчи, тўкувчи ва ҳоказо бўлиб ишлайдими, бари бир, жамият учун бир хилда қадр-қимматта эгадир.

Бедил ўз замонасининг ишёқмас, дангаса фаразгўй кишиларини сўз билан шарманда қилди. Мазлум халқнинг қашшоқлик ҳолига ачиниб қаради ва золимларга нафратлар ўқиди. Мутафаккир ўз асарлари воситаси билан ҳокимларнинг ақлига таъсир қилмоқчи бўлди, дехқончилик, ҳунармандчилик ва фанинг ривожланиши халқнинг турмушини яхшилади ва давлатни мустаҳкамлайди, деб уларга тушинтиromoқчи бўлди. Аммо, Бедил ўз даврининг ижтимоий тузумини тубдан ўзгартиш ҳақида ўйламади. Унинг таълимоти халқ оммаси қўлида золимларга қарши кураш сифатида хизмат қила олмас эди.

Шуниси қимматлики, Бедил диний идеология ва феодал реакцияси ҳукмронлик қилган бир шароитда ўз даврининг илгор тафаккури даражасигача кутарила олди ва унинг мухим идеялари маърифатга, билимга интилган, диний фанатизм ҳамда феодал зулми ҳукмронлигига қарши чиққан кишилар учун назарий манбалардан бири сифатида хизмат қилди.

Бедил, Шарқнинг барча илгор мутафаккирлари каби, халқ учун бахтили турмуш йўлини излади, лекин уни топа

²⁴ Бедил. Қуллиёт. Ирфон..., 53-бет.

олмади. Бу ҳам унинг айби эмас, балки, Бедил яшаган ва ижод этган ижтимоий-тарихий муҳитнинг натижасидир.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳам, Улуғ Коммунистик партия раҳбарлиги остида, марксизм-ленинизм байроби соясида, рус ишчиларининг ёрдами туфайли «ўз» золимларига қарши қаттиқ курашлардагина ҳақиқатни англаб тушундилар ва чинакам ҳаётга эришдилар.

Мирза Бедилнинг ижтимоий қарашлари маълум даражада илмий ва тарихий аҳамиятга эгадир. Бедилнинг қарашлари, инсон, деҳқончилик ва синфий табақаланишларнинг келиб чиқиши масалалари бўйичагина эмас, балки давлат ҳокимиятининг пайдо булиши ва моҳияти масалалари бўйича ҳам ислом ақидаларига маълум даражада зиддир. Маълумки, ҳар қандай дин, давлат ва синфий табақаланишнинг келиб чиқишига ҳам, уларнинг борлигига ҳам илоҳий характер беришга уринади. Бедил, бу диний қарашлар нотуғри деб тӯғридан-тӯғри айтмайли, лекин, у ўз қарашларини диний назариялар билан келиша олмаслигини пардали шаклларда ифодалайди.

Бедилнинг деҳқончилик, синфлар ва давлатнинг келиб чиқиши туғрисидаги таълимотида ажойиб фикрлар ва муҳим идеялар бор.

Аммо унинг жамият тӯғрисидаги таълимоти ўз мазмунни жиҳатидан идеалистик эди.

Марксгача бўлган даврдаги ҳамма ижтимоий назарияларда учраган камчиликлар Мирза Бедилга ҳам хос эди. В. И. Ленин бу камчиликлар ҳакида гапириб, бундай деб ёзган эди: «1-дан, илгариги тарих назариялари, жуда нари борганда, кишиларнинг тарихий фаолиятининг ғоявий сабабларинигина текшириб, бу сабабларнинг нимадан келиб чиқишини текширмас эди, ижтимоий муносабатлар системасининг тараққиётидаги объектив қонуниятни пайқамас эди, бу муносабталар илдизини моддий ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражасидан қидирмас эди; 2-дан, илгариги назариялар айни ахоли оммасининг ҳаракатларини ўз ичига олмаган эди. ҳолбуки тарихий материализм омма ҳаётининг ижтимоий шароитини ва бу шароитнинг ўзгаришини табиий-тарихий жиҳатдан аниқ қилиб текширишга биринчи марта имкон берди»²⁵.

²⁵ В. И. Ленин, Асарлар, т. 21, 45—46-бетлар.

МИРЗА БЕДИЛНИНГ УЗБЕҚ ВА ТОЖИК АДАБИЁТЛАРИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

XVIII—XIX асрларда Ўрта Осиё адабиётига Мирза Бедилнинг кўрсатган таъсири Ўрта Осиёдаги абдиёт тарихи ва ижтимоий фикрлар соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борган кишиларнинг ҳаммаси томонидан сўзсиз тасдиқланади. Бедил таълимоти атрофида кураш бошланди, унинг тарафдорлари пайдо бўлди, шоир-философнинг ижоди ўрганила бошланди.

Ўрта Осиёда Бедил идеяларининг тарқалиши ва бедилчиларничг пайдо бўлишига тубандагилар сабаб бўлган. Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан қадим вақтлардан бошланган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаси бош сабаблардандир.

Беруний (XI аср), Улуғбек ва Алишер Навоий (XV аср), Бобир (XVI аср), Мушфиқий (XVI аср охири — XVII аср боши) ларнинг асарлари Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқаларда муҳим роль ўйнади.

Ҳиндистонли олимлар, ёзувчилар, рассомлар, хусусан машҳур шоир Умар Ҳисрав (XIII—XIV асрлар)нинг айрим асарларининг Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалганиги тарихий факт ҳисобланади.

Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги бу ҳар тарафлама алоқалар XVII—XIX асрларда янада ривожланга борди. Француз сайёхи Ф. Бернье Деҳлидаги мева бозорини тасвирлаб, бундай деб ёзди:

«Бу бозорда дўконлар кўп. Ёз ойларида бу дўконлар.. Бухоро ва Самарқанддан келтирилган қуруқ мевалар билан одатдагича тула туради»¹. «...Ҳиндистон жуда кўп отларга ҳам муҳтоҷ. Маълумки, Ҳиндистон ҳар йили Ўзбекистондан йигирма беш мингдан ортиқроқ от олади»².

Ф. Бернье, ҳинд врачлари ўз амалий ишларида Ибли Сино китобларидан фойдаланганлар, деб қизиқарли фактни

¹ Ф. Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола..., 212-бет.

² Уша китоб, 184-бет.

күрсатиб үтади. «... Иби Сино ва Авероэс қондаларнига эргашувчи мұғул ва мусулмон врачлари бу усуллардан худди хиндерлар фойдаланғандек фойдаланадилар»³.

Мұхаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхон тарихи»⁴ китобида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг алоқаларига доир фактлар бор.

«Мұғул даврининг бутун давомида,— деб күрсатади Ж. Неру,— Ҳиндистон Ўрта Осиё билан маңкам алоқада булиб келди. Бу алоқалар Россияга ҳам тарқалди, дипломатик ва савдо миссиялари тұғрисида ҳам маълумотлар бор. Бир рус биродарим менинг әтибөримни рус солномаларидаги шундай маълумотларға жалб қылди. 1532 йилда император Бобирнинг Ҳұжа Ҳусайн номлы бир вакили дүстлик ҳақида шартнома тузиш учун Москвага келди. Михаил Федорович (1613—1645) подшолик қылган вакытда ҳинд савдогарлари Волга дарёсі бүйига жойлашиб олғанлар. 1625 йилда Астраханда вилоят бошлиғининг бүйруги билан ҳиндларнинг карвои саройи қурилған. Ҳинд усталарини, айниқса тұқувчиларни Москвага таклиф этиб турғанлар. 1695 йилда русларнинг савдо ишлари бүйича вакили Семен Маленький Деңлиға борған ва уни Аурангзеб қабул қылған. 1722 йилда Буюк Пётр Астраханга бориб, ҳинд савдогарлари билан сұхбатлашған. 1743 йилда бир гурух ҳинд садху (қаландар)лари Астраханга келған. Уларнинг иккитаси Россияда жойлашиб қолған ва рус фуқаролигини қабул қылған»⁵.

Бедил ұзининг «Чор унсур» асарида Амударә — Жайхун, Туркистан тұғрисида, Самарқанддан Ҳиндистонга қавм-кариндошлари келғанлығини айтади⁶. Бедилнинг тили вилояті бұлған (Ҳусайн бу ҳақда алоҳида тұхтаб үтади)⁷. Тожик тилини билған барча кишилар Бедил тилиге ҳам яхши түшүнә оладылар.

Юқоридаги ва бошқа күпгина тарихий фактлар Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари маданиятларининг күп асрлар давом этған ҳар томонлама алоқаси ва бир-бириға бұлған таъсири тұғрисида гувохлик беради.

Бедил асартарларининг Ўрта Осиёда тарқалишида Бедил ижодиётининг ички қарама-каршиліклари ҳам жуда мұхим

³ Ф. Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола..., 282-стр.

⁴ Қаралсан: Мұхаммед Юсуф Мунший. Муқимханская история. УзССР ФА нашриети, Тошкент, 1956.

⁵ Ж. Неру. Открытие Индии..., 278-бет.

⁶ Бедил. Күллиёт. Рубонёт..., 8-бет; Чор унсур..., 16-бет.

⁷ Қаралсан: Ҳусайн Құлыхон. Ништари ишқ..., 130—142-бетлар.

сабаблардан бирни бўлди, чуники турли хил ижтимоий турұхларининг вакиллари ўз сиифий маңбаатлари учун курашылди бу ички қарама-қаршиликлардан фойдалана олишлари мумкин эди.

Бедил асарлариниң ўқиб берувчилар — «Бедилхонлар» нинг пайдо бўлганларини Бедилнинг халқ орасидан машҳур бўлганларининг аломатидир.

«Бедилхонлар» ҳаракати ижтимоий жиҳатдан бир турда бўлмаганилиги билан ажралиб туради. XIX асрнинг иккинчи ярмида бунда учта ижтимоий куч, шоир-мутафаккирларнинг уч гуруҳи билан бўғлиқ бўлган асосан учта йўналаш борлигини кўриш мумкин: 1) хонлар, юрик ер эгалари ва юқори табақа руҳонийлар билан алоқада бўлган, кўпчилиги феодал табақадан чиққан ёзувчилар; 2) кўпчилиги амалдорлар ва ҳарбийларининг илғор қисми орасидан чиққан шоирлар; 3) деҳқонлар, ҳунармандлар ва паст табақадаги муллалар билан алоқадор бўлган мутафаккирлар.

1. Ҳоким феодал зодагонлар ва руҳонийлар билан алоқада бўлган ёзувчилар Бедил услубининг қийинлигига суюниб, динни мустаҳкамлаш мақсадида, унинг асарларидағи ҳамма нуқсон ва зид томонларидан ҳар турли йўллар билан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. Бедилнинг гуманизм ва маърифатпарвар идеяларини халқдан яшириб, уни сўфи ва ўта кетгани мистик деб тасаввур қиласидилар. Масалан, Буҳоро шайхулисломи Султонхўжа Адо (XIX аср охири) шулагра мансубдир.

2. Шоир-мутафаккирлар. Булар асосан амалдорлар ва ҳарбийларининг нисбатан илғор қисмидан чиққан, феодал-деспотик тузумининг ҳаётий эмаслигини кўриб билган ва ўлканинг тараққий этиши учун курашган кишилар бўлиб, Бедилнинг инсонпарварлик ва маърифатпарварлик идеяларидан фойдаландилар. Узига хос ўзбек ва тожик адабиётлари ҳамда ижтимоий фикрининг вакиллари бўлган бу кишилар Бедилнинг жуда ҳам мураккаб услубини танқид қилиб ва унинг фикрларини ўзларича баҳолаб, билим олишга, фанин эгаллашга даъват қиласидилар.

Бу оқимнинг бошида машҳур Аҳмад Маҳмуд Дониш (Аҳмад Калла) ва ажойиб мутафаккир, лирик шоир Фурқат турдилар.

3. Шоирлар. Бу кишилар ҳунармандлар ва деҳқонлар орасидан чиққан бўлиб, Бедилнинг ҳунармандчилик, деҳқончилик, фан ҳақидаги идеяларидан, айниқса унинг гуманизмидан ҳамда бебаҳра муллалар, эшонлар ва халқни ўзувчи бошқа унсурларга қарши айтган ўткир сўзларидан фойдаландилар.

Бу гуруҳининг бошида ўзбек ва тожик адабиётининг машҳур намоёндалари Муқимий, Ҳислат (1945 йилда вафот этган), Аваз, Абдулқодир Ҳўжа Савдо (Бепул), Тошхўжа Асирийлар тургаилар.

Шоир-демократ Муқимий «Авлиё» номли шеърида муллалардан, подонлардан, кеккайган ва ақли паст «диндор»-лардан кулади ва уларни қаттиқ таңқид қиласади.

Асирий ўзининг «Одамият — чист?» деган асарида тӯғриликни ва камтарликни, одилликни ва саҳиийликни куйлади ва интилишга, меҳнатга, ҳунар ҳамда билим ўрганишга даъват қиласади.

Бу шоирларнинг ижодига Мирза Бедилнинг стилистик таъсири эмас, асосан ғоявий таъсири ўтгалигини кўрамиз.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошидаги ўзбек ва тожик маданиятининг прогрессив вакиллари — Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий. Асирий ва бошқалар учун Бедил ижодидаги қизиқтирадиган, ажойиб нарсалар нималар эди?

Аҳмад Дониш ўзининг «Ноёб ҳодисалар» деган фалсафий трактатида Бедилни тӯғридан-тӯғри машҳур мутафаккир деб атайди. У, Бедилнинг айрим қондаларидан фойдаланиб, дунёнинг абадийлиги тӯғрисида, тақдир, таносуқ ва шу кабилар тӯғрисида ўз фикрларини айтиб ўтади.

Аҳмад Дониш ўзининг яна бошқа бир қўлёзмасида Бедилнинг «Нукот» асарининг мазмунини муфассал айтиб ўтади⁸.

Аҳмад Дониш, феодализм даври муҳитида Бедилнинг прогрессив бўлган ижтимоий-фалсафий идеяларини ўрганиган, XIX аср Ўрта Осиёсининг биринчи мутафаккири эди. У Бедилнинг шу идеяларидан ўртаасрчиликка қарши олиб борган курашида фойдаланди. У Бедилнинг, ўз иштакназарича қимматбаҳо идеяларини тарқатишини ўз бурчи деб билди.

Фурқат ўз таржимайи ҳолида Бедил асарларини кўп ойлар давомида ўрганганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Фурқат ижодини ўрганиш шуни кўрсатадики, Бедил ўз асарларида фан, маърифат, халқлар ўртасидаги ҳамкорликни куйлаган. Бедил ижодидаги шу нарсалар Фурқатни кўпроқ қизиқтирган, негаки бу идеялар дунёвий билимларни ўрганиш, халқни маърифатли қилиш учун курашда Фурқатга фойда бера олиши мумкин эди.

Бедилнинг прогрессив идеялари антифеодал, антиклерикал руҳ билан суғорилган. Бунинг сабаби шуки, дәҳқонлар омма-

⁸ Қаралсин: Аҳмад Дониш. Бедилнинг «Нукот»и. Қўлёзма, 19-бет.

сиининг антифеодал, антиклерикал кайфиятлари Бедил ижодига маълум даражада таъсир этгани эди. Мана шунинг учун ҳам бу идеялар Муқимий, Асирий ва XIX аср охири — XX аср бошида Ўрта Осиёда бўлган бошқа прогрессив мутафаккирларни қизиқтириди, ўзига жалб қилди.

Аҳмад Доңиш⁹, Фурқат¹⁰, Муқимий¹¹, Асирий¹² Бедил ижодининг мураккаб стилини ва консерватив томонларини танқид қилиш билан бирга унинг идеяларига юксак баҳо ҳам бердилар; бу идеялар маърифатли бўлишга, билимни, ҳунарни ўрганишга даъват этгани эди. Бедилнинг ўткир фаросат билан айтгани сўзлари, золимлар ва подонлар шаънига билдирган аччиқ киноялари уларнинг таҳсинига сазовар бўлди.

Тошкентда С. И. Лахтиннинг типо-литография нашрида 1892 йилда «Бедилнинг танланган асарлари» босилиб чиқди. Бу тўпламга шоирнинг ғазаллари билан бирга, унинг энг муҳим фалсафий фикрлари ҳам киритилган.

Шоир-мутафаккир Мирза Бедил ҳозир мамлакатимизда муносиб ҳурмат билан тилга олинади. Бедилнинг қуйидаги сўзлари ва фикрлари бизга яқин ва қимматdir:

«Илм ҳар жо кафили тадбир аст,
Голибият далели таъсир аст»¹³.

Маъноси: «Илм ҳар ерда тадбир кафили, голибият таъсир далиллайдир».

Еки:

«Ростиро далели кор куни,
Хайф бошад каж ихтиёр куни»¹⁴.

Маъноси: «Ростлик ишга далил бўлсин, эгриликни хоҳласанг ҳайф бўлсин».

Еки:

«Эй меваи зуду зудрас кўхна машав,
Боги тараби ва хору-ҳас кўхна машав.
Ҳангоман осори тажаддул карам аст,
Эй маънин тоза пеши кас кўхна машав»¹⁵.

⁹ Қаралсин: Аҳмад Доңиш. Ноёб ҳодисалар, 222 ва 162-бетлар.

¹⁰ Қаралсин: Фурқатнинг таржимай ҳоли. «Туркестанская туземная газета», 1891, № 10.

¹¹ Қаралсин: Муқимий девони. 1321 йил, ҳижрий.

¹² Қаралсин: Асирий. Одамият-чинст? Тоҷик адабиётининг намуналари, Столинобод, 1940.

¹³ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 21-бет.

¹⁴ Бедил. Куллиёт. Ирфон..., 42-бет.

¹⁵ Бедил. Куллиёт. Рубонёт..., 91-бет.

Маъноси: «Эй тез пишар мева, ривожлангия, асло қарима; янгилик
та тараққиётнинг туғилиши фаровонлик демакдир. Эй янги мазмун, ҳеч
ким олдида қарима!»

Машҳур шоир ва философ Мирза Абдулқодир Бедилнинг
ижоди, инсониятнинг ўтмиш насллари барпо эттан энг яхши,
энг қимматли маданий ғалабаларнинг қонуний меросхўри
бўлган халқимизнинг адабиёт ва ижтимоий фикрлар хази-
насига дур бўлиб киргандир.

МУНДАРИЖА

Автордан	5
Кириш	7
Бедил ҳаёти ва фаолиятининг қисқача очерки	27
Бедилнинг пантеизми	38
Бедилнинг рух, материя ва шакл ҳақида фикрлари	51
Мирза Бедилнинг билиш назарияси	60
Тақдир ва таносух назарияларининг Бедил томонидан танқид килиниши	69
Бедилнинг ижтимоий-сийёсий қарашлари	83
Мирза Бедилнинг ўзбек ва тожик адабиётлари ривожига таъсири ҳақида	96

На узбекском языке

ИБРАГИМ МУМИНОВИЧ МУМИНОВ

ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ МИРЗЫ БЕДИЛЯ

Нашриёт редактори *Ш. Хўжаев*
Тех. редактор *В. Шарикова*
Корректорлар *Р. Ҳасанова, Ҳ. Саъдуллаева*

Теришга берилди 3/VII—58 й. Босишга рухсат этилди 18/IX—58 й.
Қоғоз $60 \times 92! /_{16} = 3,25$ Қоғоз л. 6,5 босма л. Нашриёт л 5,8. Тираж 2000.
Баҳоси 3 с. 50 т. Муқоваси 2 с.

ЎзССР Фанлар Академияси Нашриётининг босмахонаси, Тошкент,
Хоразм кучаси, 9. Нашриёт адреси: Куйбишев, 15. Зак. 767.